

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМЛИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Музайяна АМОНУЛЛОХОН (БОҶИР) ҚИЗИ

БОҶИРНОМА

**ЁХУД
ДАДАМ ҲАҚИДА**

ХОТИРАЛАР

**«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAА»
очиқ акциядорлик жамияти
2006**

**Масъул муҳаррир – Фахрий профессор
Сайфиддин ҳожи Жалилов**

**Тақризчи - филология фанлари номзоди
Абдулазиз Абдулҳамидов**

**Музайяна Амонуллохон (Боқир) қизи.
Боқирнома ёхуд дадам ҳақида. Хотиралар. – Ан-
дижон, «Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ, 2006 йил.
108 бет.**

Истеъдодли олим, хассос шоир Амонуллохон Валихонов – Боқир адабиёт илмида, шеърятда ўзига хос из қолдирган алломадир. Унинг қизи Музайянахон ёзган ушбу китобда бу олижаноб инсоннинг ҳаёти, ижоди ҳақидаги маълумотларгина эмас, у киши мансуб бўлган адабий давра, муҳит ҳақида ҳам қимматли маълумотлар, хотиралар, эсдаликлар ўз аксини топган.

Андижон вилояти
Бобур номли ку-
тубхонаси
83-3(5Узб)
Б-90

©Музайяна Амо-
нуллохон қизи.
2006
©«Andijon
nashriyot-matbaa»
ОАЖ, 2006.

МАСЪУЛ МУҲАРРИРДАН

*Не хушким, йлкамиз хурсандликларнинг маконидур,
Улуғ-ёш шоду хуррам, айшу нўшнинг пайту, онидур,
Саҳар булбул тилида комронлиг достонидур,
Баҳор айёмидур, дови¹ йигитликнинг авонидур²,
Кетур, соқий, шароби-нобким, ишрат замонидур.*

Азиз ўқувчи, Сиз бу гўзал мухаммасни ўқиб, Амонулло Валихонов деганлари эски мадрасаларда таҳсил кўрган, аруздан чуқур хабардор мўйсафид бир киши бўлса керак, деб ўйламанг. Йўқ, Амонулло Боқир ХХ аср иккинчи ярмининг одами, касби оддий ўқитувчидир. Шунга қарамай унинг Бобурдек улуғ санъаткор ғазалига бас келадиган мухаммас боғлаши шоёни таҳсиндир.

Ҳа, домла Валихонов замонамизнинг етук зиёлиларидан, шеърят мулкининг хазинабони ва ишончли побонларидан эди. Шу билан бирга, фикри тиниқ олим, фалсафий мушоҳадага бой мутафаккир, дўстлар ўлтиришларида эса, серзавқ улфат ҳам эди.

Камина у киши билан ўтган асрнинг 50-йиллари бошларидан то умрларининг охирларигача - 40 йилча ҳамфикр дўст, ҳамдард жўра сифатида бирга бўлдик. 20 йиллар чамаси институтда бирга ишладик.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йиллари Андижоннинг эски шаҳар қисмида Республика уйғур драма театри очилиб, биз эндигина улфатчиликка ўрганган йигитчалар, театр қошидаги чойхонага чиққанимизда гоҳо шоирлар Муҳаммадхон Маҳжурий, Абдуваҳоб Сайфий, Имодиддин Улфат, Абдулаҳад Анисий, санъаткор Қосимжон Охуновлар тўпини учратар эдик. 1946 йилнинг кеч кузи бўлса керак, бир куни шу гуруҳ билан шоир Собир Абдулла ва ёшгина шоир Амонуллохон ҳам бирга

¹ дови – тагин, яна , ҳамда.

² авон(а)– вақт, пайт, замон.

чойхонага кириб келишди. Амонулло новча, кўзга тезроқ ташланар эди. Одамлар орасида ийманиш билан бирга ҳурмат аралаш безовталаниш сезилди. Ўтирганларда «Тўрам қамалган эдилар, қутулибдилар», - деган шивир-шивир гап оралади. Кейин билдимки, уруш йиллари Амонуллохон тўра қандайдир сабаб билан қамоқхонада ҳам ётиб чиққан экан. У кишини биринчи кўрганим ва таниганим шундан бошланди. 50-йиллардан эса дўстлигимиз бошланди. Амонулло Валихонов шаҳар бухгалтерлар тайёрлаш курсида математика ўқитувчиси, мен эса САГУни битирган аспирант - шарқшунос иноқлашиб, дўстлашиб кетдик.

Амонуллохон хипча қоматли, ўйчан, атрофдагиларга синчковлик билан боқадиган, киприклари узун-узун, бугдойранг йигит эди. У суҳбатларда ҳам доимо ўйчан тутар эди ўзини. Бир куни дўстимнинг Тахтакўприк маҳалласидаги уйида гурунглашиб ўтирганимизда, у шахсий кутубхонасидан Навоийнинг «Муҳокаматул-лугатайн» асарини олиб, 20 га яқин тушунилиши қийин сўзлар маъносини изоҳлаб берди. Ўшандаёқ математика ўқитувчисининг тил бобидаги билимига қойил қолганман.

Амонуллохоннинг Андижондаги шоир - устоз акахонлари Махжурий, Улфат, Анисий, Сайфий, улар орқали атоқли адиблар Гафур Фулом, Собир Абдулло, Ҳабибий, домла Боқий ва бошқалар унинг шеърий машқлари билан таниш эдилар. Дастлабки машқларини ўқибоқ Амонуллога: «Сен шоирсан», дейишган. Аммо у камтарлигидан, қолаверса, шеъриятга бўлган ихлосидан узоқ вақт шоирлигини ошкор қилмай юрган (мавзудан ташқари бўлса ҳам айтайин: ёш шоирларимиз мана шу сифатга алоҳида эътибор бермоқлари лозим). Аммо ҳаётга, она табиатга, гўзалликка меҳр-муҳаббати шундай кучли, эҳтиросли эдики, холисона суҳбатларида ҳам ишқ-муҳаббат оҳанги уфуриб турар эди. Дарҳақиқат, шоир учун бундан ҳам яқинроқ мавзу борми? Ишқ вужудимизнинг маънавий раҳнамоси, инсон руҳий оламининг чароғбони-ку! Мана шу ишқ ёш Амонуллонинг қалб гулшанида эрта ўсган, кейинча бутун ҳаёти мазмунига айланган жавҳар бўлиб қолди. Менинг кузатишимча, Амонуллохон

кўпроқ Фузулийга ва Навоийга эргашарди. Урушдан кейинги йиллари Гафур Гулом Андижонга бир келганида дўстлари ёш Амонуллонинг ижод ниҳоллари билан таништирганлар. Гафур ака шоир ижоди мумтоз шеъриятимизга ҳамоҳанг эканига эътибор қилган. Хусусан, Фузулийнинг:

*«Ул паривашким, малоҳат мулкининг султонидур,
Амр онинг амридур, фармон анинг фармонидур»*

матлаъли газалига Амонуллонинг:

*«Ул гўзалким, ҳукму фармонининг эл қурбонидур,
Ҳукм - онинг ҳукмидур, фармон - анинг фармонидур»*

матлаъи билан бошланувчи назираси устозга маъқул тушган ва Амонулло Гафур акадан кўп мақтовлар эшитган.

Етук адабиётшунос олим тўғри таъкидлаганидек, Улфат, Анисий, Боқир арузда гўзал газаллар яратсалар-да, «...лекин нашр эттиришга шошилмайдилар. Улар гўё ўзлари учун, ёр-дўстлари учун ёзадилар. Энг гўзал шеърлари улфатлари орасида ўқилиб, ҳаммага манзур бўлган тақдирда, шаҳардаги ҳофизлар репертуаридан жой олади, куйга тушиб, тўй-томошаларда халқимизга завқ-шавқ бағишлайди» (Тўхтасин Жалолов, «Ўзбек шоирлари», Т. 1960 й. 336-бет). Сайфий, Ҳабибий, Собир Абдулла каби ўзбек шеърятининг «аруз қанотида учадиган» шоирлари суҳбатини ва тарбиясини олган ёш Амонуллохон Боқир тахаллуси билан ўзбек шеърятининг Андижон гулшанида алоҳида ғунча бўлиб етилди ва умрининг охиригача ушбу гулшанда ўзига хос ҳид таратадиган гул бўлиб очилди. Боқир ҳазрат Навоийнинг «этаклари»дан маҳкам тутиб, унинг шеъряти уммонига шўнғиб кетди.

Амонулло Валихонов - Боқир шоирлигидан ташқари навоийшунос олим ҳам эди. Унинг бир қатор илмий ишлари қўлёзма ҳолида қолиб кетди. Навоийхонликка бағишланган тадқиқотларини мавзуларга ажратган ҳолда 3-4 та китоб қилмоқ ниятида бўлганлигига ўзим гувоҳман. Олим улардан фақат иккита мавзуни - Навоий ижодида гул ва мусиқа мавзуини махсус тадқиқ қилиб нашр этти-

ришга улгурди (А. Валихонов. «Ғазал нафосати», Ғ. Ғулом номли нашриёт, 1985.) Камина ушбу асар моҳияти, илмий-бадий қиммати ҳақида сўз юритишдан ожизман. Фақат шуни биламанки, Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров, Ёқубжон Исоқов каби Навоий мухлислари Амонулло Валихоновнинг ушбу тадқиқотига алоҳида эътибор қаратдилар.

Зукко олим, нозиктаъб шоир Амонулло Валихонов Боқир Андижонда ЎзФА Навоий номли адабиёт музейининг филиалини оёққа турғизиш ва ривожлантириш борасида иқтидорли ташкилотчи эканлигини ҳам намоён этди. Музейнинг асосини ташкил этувчи нодир қўлёмалар, Андижонда ўтган шоиру адибларнинг архивларини тўплади ва мунтазам равишда музей хазинасини бойитиб, ҳатто бу ерда баҳоли қудрат тадқиқот ишларини ҳам бошлаб, самарқандлик катта олим, академик Воҳид Абдуллаевнинг музейга ташриф буюришига эришди.

Биз Амонулло Боқирни шоир ва олим сифатида кўпроқ билар эдик. Аммо унинг ҳозир Тошкентда яшаётган шогирдлари Маҳкам Маҳмуд Андижоний ва Ирфон Отажоннинг айтишларича, Боқир тарихий мавзуларда латиף ҳикоялар ҳам ёзган. Дарҳақиқат, унинг «Шарқ машъали» журналида чоп этилган, Навоий ҳаётига оид «Дафъи хумор» номли ҳикояси сўз латофати ва назокати билан ўқувчига алоҳида завқ бағишлайди.

Боқирдан анчагина бадий ва илмий мерос қолган. Унинг ушбу мероси адабиёт музейида сақланмоқда.

Боқир ҳаёт бўлганида бу йил 80 ёшга тўлар эди. Марҳумнинг қизлари Музайяна хоним қаламига мансуб ушбу эсдалик асар айнан унинг таваллуд кунларига бағишлангандир. Умид қиламизки, эсдаликлар шоир ва олим ҳаёти ҳамда ижодий олами ҳақида кўп нарсаларни ўқувчилар ёдига солади.

Сайфиддин ҳожи ЖАЛИЛОВ.
2004 й., декабрь

КИТОБНИНГ ЁЗИЛИШИ САБАБИ

Қиблагоҳим вафотларининг дастлабки кунлариданоқ ул зот умрларининг сўнги даврларидаги армонли сиймолари кўз ўнгимга муҳрланган, руҳлари гўё менинг доимий ҳамроҳимга айлангандек эди.

Қайғули, ҳасратли кунлар, маросимлар ўтди. Қанча вақт ўтмасин, у кишининг умидли нигоҳи кўз ўнгимдан кетмас, армонлари мени «таъқиб» этаётгандек, қандайдир тадбир топишга даъват этаётгандек туюлаверди.

Бу, айниқса, аям вафотларидан сўнг янада авж олди. Чунки кейинги йўқотиш бизни анча довдиратиб қўйган эди.

Ўша кезларда қиблагоҳимнинг меросларини, - нечанчи бор билмайман, - кўздан кечираётиб, бир ҳақиқатни англагандай бўлдим.

Назаримда, улар қолдирган шеърлару бадиҳалар, турли мактублару мушоаралар, таъриху тадқиқотлар тафаккур ҳосиласигина бўлмай, у кишининг феъл-атворлари, ўйлари ифодаси ҳам эди. Шунда у кишининг олдиларидаги фарзандлик бурчим нимадан иборатлигини англагандек бўлдим. Бошқача айтганда, бу бебаҳо бойликни жамламаслик, наслу насаблари тўғрисида, феъл-атворларини ҳаётга муносабатлари ҳақида мухлисларига, келажак авлодларга маълумот бермаслик дуруст эмаслигини ҳис қилдим.

Яратганининг ўзига таваккал қилиб, бўш кунларимни мутолаага сарфладим. Орадан маълум муддат ўтди. Бир оқшом мутолаадан ҳориб, кўзимни уйқу элтиб, туш кўрдимми, ё хаёл оғушида пайдо бўлган тасаввурми, менга мақсадга элтувчи йўлни кўрсатаётгандек бўлди:

Уйимизнинг очиқ ромидан ҳовли томонга қараб турган эмишман. Иттифоқо, ҳовли томондан 10-15 чоғли нуроний мўйсафидлар бизникига кириб кела бошладилар. Уларга пешвоз чиқаётиб, чўчиб уйғониб, ўзимга келдим.

Кутилмаганда менда бир журъат, дадиллик пайдо бўлди. Нуроний мўйсафидларни ўзимча аждодлар руҳи сифатида тасаввур этдим.

Шу воқеадан уч-тўрт кун ўтиб, тасодифан кўчада дадамнинг кадрдон дўсти, хонадонимизнинг доимий азий меҳмони Сайфиддин ҳожи ака Жалилов билан учрашиб қолдим. У киши салом-алиқдан сўнг:

- Учрашиб қолганимиз жуда яхши бўлди. Бир маълумот керак эди. Қайси куни уйларингизга борсам қулай бўлар экан? - деб сўраб қолдилар. Шунда мен:

- Яқшанба куни аямизга эҳсон қилмоқчимиз, шунга ташриф буюрсалар, бизни хурсанд қилардилар, - дедим.

У киши рози бўлдилар.

Бу 1998 йилнинг апрель ойларида бўлган эди.

Белгиланган куни домла хонадонимизга келдилар. Одатларича, аямизни ёд олиш учун келган меҳмонларни кузатишдилар. Кўп одам келганлиги учун маросим чўзилиброқ кетди. Меҳмонларни деярли кузатиб бўлгач, домла ўз муддаосига кўчдилар:

- Мен тақдир тақозосига кўра, уч ойча муддат Саудияда бўлдим ва у ерда муҳожир ижодкор ватандошларимизнинг тақдири билан қизиқдим, уларнинг меросларини имкон даражасида жамлашга ҳаракат қилдим. Шу сафар давомида, тасодифан Қудратиллохон тўрамнинг шеърлар дафтари қўлимга тушиб, у кишининг Амонуллохон тўрамга қариндошликлари борлигини эшитиб қолдим, - дедилар ва у кишининг дадамызга қай жиҳатдан боғланишларини билмоқчи бўлганликларини айтдилар.

Мен шажарамиз ҳақидаги бор маълумотларни олиб чиқиб кўрсатдим ва Қудратиллохон тўрамга оид дадамдан эшитган баъзи воқеаларни айтиб бердим. Домла шажараларимиз тарихини кўздан кечирар эканлар, унга қизиқиб қолдилар ва олиб кетиб, чуқурроқ танишиш ис-таги борлигини айтдилар. Биз рози бўлдик.

Орадан маълум муддат ўтгач, Сайфиддин ҳожи домла омонатни қайтарар эканлар:

- Бу - бебаҳо бойлик. Эсиз, алломанинг шундай шажаралари тарихи, унинг бошқа меросларига ўхшаб биз-

нинг лоқайдлигимиз, ўз тарихимизга, адабий меросимизга эътиборсизлигимиз, унга менсимай муносабатда бўлишимиз туфайли, худди соядек ўчиб бормоқда. Афсус..., - дедилар ва чуқур «уф» тортдилар.

Бу менга қаратилган таънадек вужудимни ларзага солди. Қалбимга қачонлардир тушган чўғни алангалатгандек бўлди.

Чуқур хаёлларга берилиб, юрган кунларимнинг бирида яна туш кўрдим:

Ҳовли томондаги уй даҳлизи эшиги катта очиқ. Мен даҳлиз остонасидан ичкари мўраладим. Даҳлиз ўртасига, бир вақтларда бўлганидек, катта хонтахта қўйилган. Атрофига якандозлар тўшалган, хонтахта устида Ойбувим(катта онам)ларнинг доим ўқиб турадиган табаррук «Қуръон»лари. Хонтахта ёнига бамайлихотир жойлашиб олган Ойбувимларнинг бошларидаги оқ рўмоллари юзларидан таралаётган ёлқинли нурни янада жилолантираётгандай. Ёнларида қиблагоҳим деразадан ҳовли томон назар ташлаб тик турибдилар. Шунда ҳовли тўла одам эканлигини ва улар ниманидир кутаётганликларини ҳис қилдим. Шу пайт мени дадам чақириб қолдилар. Остона хатлаб, оҳиста ичкари кирдим. Ойбувимлар ёнларидан жой кўрсатдилар. Ўзларига хос мулойим овозда ўтиришга таклиф қилдилар. Мен одоб билан у кишининг ёнларидан жой олдим. Ойбувимлар «Қуръон»ни секин мен томонга суриб қўйдилар ва:

- Ўқинг! - дея амр қилдилар.

Ҳовлидаги одамларнинг салобати, Ойбувимлар ва дадамнинг жиддий нигоҳлари мени саросимага солиб қўйган эди. Мен бир қанча фурсат тараддудда туриб қолдим.

Шу пайт дадамлар мулойим ва ёқимли овозда:

- Музайянахон, ойимизни музтар қилмай, ўқинг, - дедилар.

Борлиқ сукунатга чўмган. «Тиқ» этган товуш эшитилмайди. «Қайси сурани ўқисам экан?...»

Хаёлимдан кечган бу саволни Ойбувимлар сездилар шекилли, «Ёсин» сурасини очиб қўйдилар. Ҳаяжон билан

ўқий бошладим. Овозим шу қадар тиниқ, жарангли чикдики, бунга ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Учинчи оятни ўқиб бўлгач, уйғониб кетдим. Қалбимда ажиб бир ҳис, вужудимда ўзгача бир титроқ ҳукмрон эди. Завқли эҳтирос, тасаввур қилиб бўлмас ёрқин туйғу ичра қолгандек бўлдим.

Бир қанча муддат туш таъсиридан қутула олмадим. Уни турлича таъбир қилдим. Бу - қўлга қалам олиш учун руҳларнинг даъвати эди гўё.

Шу тариқа узоқ кунлар дадамнинг меросларини яна кўздан кечириб бошладим. У киши ҳақида ёзилган хотираларни жамладим, қиблагоҳимга алоқадор ҳамма манбаларни назардан ўтказдим. Аммо мақсадга хизмат қилувчи фикрлар асов отдек тутқич бермас, уларни «жиловлашга» ҳали ожизлигим сезилиб қоларди. Шундай дақиқаларда умидсизлик, қатъиятсизлик гирибонимни тутар, ночор қолганлигимдан кўзларимдан ёшлар қуйиларди.

Яна туш кўрдим:

Ҳовлида тумонат одам. Ўртага жойнамоз ёзилган. Унинг олдида дадамлар. Имомгарчиликка ўтмоқлик учун шайланиб турибдилар. Уларнинг ортида иқтидо қилувчилар. Кутилмаганда мени чақириб:

- Сиз азон айтинг! - деб қолдилар.

Эътирозга ўрин йўқ. Жамоат кутиб турибди. Бор овоз билан «азон» чақирдим.

Худди шу дақиқада ўз овозимдан чўчиб, уйғониб кетдим.

Қиблагоҳимнинг унсиз овозлари эшитилгандек, у қалб кўзимни очгандек, сир пардасини кўтариб, ҳақиқатни англатгандек бўлди:

- Эй, муштипар нури дийдам! Сизнинг «азон» айтишга даъватингиз ажодларимиз хоҳиши, уларнинг сизга меҳрибонликлари, сизни ўз ҳимояларига олганликлари ифодаси эди. Иншооллоҳ, хайрли ниятларингиз амалга ошишида, мушкулотларингиз кушойишида уларнинг раҳнамолиги тарк бўлмагай.

Кўзим «ярқ» этиб очилди. Эрта тонгдан бошлаган ишни поёнига етказиш учун қатъий ҳаракатни ният қилдим.

Иншооллоҳ, «ота васияти»нинг бажарилиши - имон бутлигига боис бўлар. Ушбу рисоладан баҳра олган ҳар бир кимса ўтмишдошларимизни, уларга поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ йўлини кўрсатишга ҳаракат қилган бу зотларни эъзоз билан ёдга оларлар, уларнинг ҳақларига бир-икки калима оят тиловат этиб, руҳларини шод этарлар. Истиқлолимизни орзу қилиб ўтганлар қатори қиблагохимиз номини ҳам ёдга оларлар, деган умиддамиз.

ПУРВИҚОР ҚОЯЛАР БАҒРИДАГИ ЧАШМА

*Соҳиби илми ладун¹ эрди, багоят покрой,
Обрў толган эл ичра, илм элин сардафтари.
Шеър илмин номдори, зедни равшан кун каби,
Наср дунёсида гўё эрди меҳри ховари.²
Хулқ атвори мулойим, сўзлари жондек лазиз,
Нутқи гавҳарпошига³ ошиқ эди элнинг бари.
Маҳзани меҳру, вафо эрди кўнгил ганжинаси,
Олами инсоният ичра садоқат заргари.*

(Улфатнинг «Таърих-марсияси»дан)

«Амонуллоҳон Андижаннинг кўрки бўлган хассос шоир, ажойиб тадқиқотчи олим эди. У кишининг оналари Шарқ адабиётининг, тарихининг билимдонларидан эди. Амонуллоҳон ислом дини ақидаларини, тасаввуфни чуқур билар, уларнинг шеъриятдаги ўрнини, аҳамиятини тўлиқ англарди. У академик даражасидаги олим эди. Тарихни, айниқса, Шарқий Туркистон тарихини яхши биларди. Уни Ҳамид Орасли, Воҳид Абдулло, Ғафур Ғулом, Порсоҳон

¹ *илми ладун (а)* - худо томонидан берилган деб ҳисобланган илоҳий илм, яъни тузаса қобилият.

² *меҳри ховар (ф-т)* - шарқ қуёши, қуёш.

³ *гавҳарпош (ф)* - чиройли сўз айтмоқ.

Шамсиев ва бошқа қатор фан арбоблари яхши билар, алоҳида ҳурмат, эҳтиром билан муомала қилардилар».

(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ғанижон Абдулаевнинг Боқир таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан ўтказилган хотира кечасида сўзлаган нутқидан).

*Дидли Боқир мисрасига дош беролмас марварид,
Гоҳ бўларди ишқда мажнун, гоҳ сукутли мўйсафид.
Хулқу одоб бобида эрди халойиқ дилбари,
Зоти Офоқ Хожадан, еттинчи бўгин гавҳари.*

(Иқтисод фанлари доктори Абдуманноб Эгамбердиевнинг «Андижонийлар» қасидасидан)

Қиблагоҳимиз Саййид Амонуллохон тўранинг аждодлари ҳақида, у кишининг шахсиятлари, илмдаги салоҳиятлари, инсоний фазилатлари, турмуш тарзлари ҳақида батафсилроқ тўхталиш зарурати, рисола ибтидосининг «Пурвиқор қоялар бағридаги чашма», - деб номланишига сабаб бўлди.

Пурвиқор қоялар ўзларининг азим ва маҳзун салобати, ўзига хос кўриниши, кўрки, шукуҳи билан борлиқ бутунлигини, унинг турфа оламлигию, мўъжизаларга тўла ўзлигини намоён қилувчи кўзгу, шу билан бирга, қанча-қанча сир-синоатларнинг шоҳиди, ўз қаърида ададсиз хазина-дафиналарни яшириб ётган жумбоқли тилсимотдир.

Зоҳиран, улар мағрур. Мағрурлик - уларнинг сифати, ботиний оламининг ҳифзу-ҳимоясини таъминлаш воситаси.

Шунинг учун бу мағрурлик ҳар қандай кибру, ҳаводан, ўзига бино қўйишдан узоқ бўлган мағрурликдир. Уларнинг алпларникидек урэн қоматлари сабр-бардош либослари билан зийнатланган. Улар борлиқнинг ҳар қандай синовларига қоим турадилар, ҳар бирларига шукроналик билан шокирлик қиладилар.

Қояларнинг сирли олами ҳақида мушоҳада қилар эканман, хаёлан қиблагоҳим нигоҳларидан ўтказилган шажарамиз тарихига назар ташлайман. Аждодларимиз тимсолида қояларга қиёслагулик ибрат, ҳикмат кўргандек бўламан.

Ҳикмат:

*Жувонро суҳбати пирон ҳисори офият бошад,
Ба хоку, ҳун нишинад тир, чун дур аз камон афтод.*
(Бедил)

*Улуғлар суҳбати ёшларга сақланмоқ учун кўргон,
Камондан ажрагач, ўқ қонга ё тупроққа булгангой.*
(Боқир таржимаси).

Дарҳақиқат, қиблагоҳимиз Амонуллохон Валихонов ҳаётлари давомида улуғлар суҳбатиغا эътиқод қилганлар ва имконлари қадар улар «хизмати»га боришни, улуғлар пандлари битилган китоблардан баҳра олишни яшаш мақсади деб билганлар. Шунингдек, ўз аждодлари ўтмиш тарихини ҳам синчиклаб ўрганганлар.

Яратганга шукрлар бўлсинким, биз у кишининг саъй-ҳаракатлари сабаб, ўз аждодларимизнинг ким бўлганликларини, уларнинг ўз даврларидаги касб-корларию, хизмат поялари ва мавқеларини, ҳаётлари мазмунларини англаб олиш шарафига муяссар бўлдик.

Ана ўша манбалар шоҳидлигича, дадамиз Саййид Амонуллохон тўра Валихонов (шеърятда «Боқир» тахаллусини истифода қилганлар) пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг 22-авлодлари бўлмиш Маҳдуми Аъзам ва бу улуғ зотнинг тўртинчи бўғинига мансуб Офоқ Хожа наслидан бўлганлар.

Бу зотларнинг ҳаётлари ва фаолиятлари асосан Шарқий Туркистон билан боғлиқ бўлганлиги сабаб, бу юрт тарихига қисқача тўхталиб ўтиш вазифамизни енгиллаштирар, деб ўйлаймиз.

Аждодлар тарихига бир назар:

Шарқий Туркистонда Ёркент хонлиги қарор топгандан кейин, тахтга Султон Саидхон (1515 - 1533) эгалик қилган даврда, Маҳдуми Аъзам ҳазратлари 1525 йили Ёркентга келадилар.

Маҳдуми Аъзам - Саййид Аҳмад ибн Саййид Жалолиддин Хожаги Косоний ал-Фарғоний (868-949), (1463-1542) нақшбандия таълимоти бир тизимга солган, ўз даврининг етук пир орифларидан бўлган.

Маҳдуми Аъзамнинг тасаввуфнинг нақшбандия тариқати назарий асосларини белгиловчи «Жомеъ-ул - мақомот», «Одоб-ус - солиҳин», «Ганжнома», «Асрор-ун - никоҳ», «Рисолайи Бобирия» каби асарлари бизгача етиб келган ва улар Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти хазинасида сақланади.

Шарқий Туркистонда ислом динининг кенг тарқалиши ва нақшбандия тариқатининг етакчи таълимотга айланиши Маҳдуми Аъзам, унинг авлодлари номлари билан узвий боғлиқдир.

Маҳдуми Аъзам авлодлари мамлакатдаги сиёсий курашларда фаол қатнашганлар, хонлик тахтига даъвогарлик ҳам қилганлар.

Маҳдуми Аъзамнинг энг катта ўғиллари Муҳаммад Амин хожа - Хожаи Калон бўлиб (Муҳаммад Амин хожани шарқий туркистонликлар уйгур тили ва талаффуздан келиб чиққан ҳолда Муҳаммад Эмин деб атаганлар), бу кишининг ўғиллари эса Муҳаммад Юсуф хожадирлар. У киши Мозори Файз ёки Мозор Подшоҳ сифатида танилганлар.

Муҳаммад Юсуф хожанинг ўғиллари Ҳидоятуллоҳ хожа бўлиб, тарихда Офоқ хожа номи билан машҳурдирлар.

Офоқ хожанинг оналари Зулайҳо бегим Қашқар саййидларидан Саййид Алоуддин авлодларидан бўлмиш Мир Саййид Жалилнинг қизи бўлган.

Хожа Ҳидоятуллоҳ 1625 йили Кумулда туғилганлар. Бу оила 1638 йилда, яъни Ёркент хони Абдуллоҳон (1638-1668) даврида Қашқарга кўчиб келади. Офоқ хожа 1660

йили Йўлбарсхон (1668-1670)нинг амакиси Убул Ходибекнинг қизига уйланади.

Офоқ хожанинг беш ўғли ва икки қизлари бўлган. Ўғиллари: Яҳё хожа (Хонхожа), Маҳди хожа (Подшоҳхожа), Абдусмад хожа, Ҳасан хожа (Ғози подшоҳ) ва Қилич Бурҳониддин хожалардир.

Офоқ хожа хонлик тахтини эгаллаш учун Ёркент хони Исмоилхонга қарши кураш олиб борди ва 1692 йили уни қўлга киритиб, 1694 йилга қадар ҳукмронлик қилди. (Омонбой Жалилов. «Офоқ хожа». «Мулоқот» журн., Т. 1993. 53-54 бетлар).

Офоқ хожанинг хонлик тахтини қўлга киритиши билан 300 йил давом этган чингизий Чигатой авлодлари ҳукмронлиги тугатилиб, Хожалар сулоласига асос солинди. Бу сулола XVII-XIX асрлар давомида Шарқий Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига ўз таъсирини ўтказиб келди ва мамлакат мустақиллигини сақлашга қаттиқ ҳаракат қилди. Бу ҳаракат, айниқса, Шарқий Туркистон халқининг Манжур - Хитой сиёсатига қарши олиб борган фаолиятларида ёрқин кўзга ташланди. (Омонбой Жалилов. «Офоқ хожа». «Мулоқот» журн., Т. 1993. 54-бет).

Офоқ хожа Ёркентда, Қашқарда, умуман, бутун Шарқий Туркистон ҳудудида кўплаб масжид-мадрасалар, хонақоҳлар қурдирди. Чунончи, Қашқардаги «Хонхожа ўрдаси», «Масжиди жомеъ», Ёркентдаги «Олтин мазор» ва Кумул, Турфон, Илидаги қатор масжид-мадрасалар ана ўшалар жумласидандир. Бир қатор манбаларнинг кўрсатишларича (кўрсат. асар, 57-бет), Офоқ хожа даъватлари таъсирида тўрт юз мингга яқин киши ислом динини қабул қилган.

Саййид Офоқ хожа ўз фарзандлари Хонхожа, яъни Яҳё хожа билан икки йилу, икки ой (1692-1694) ҳукмдорлик қиладилар ва 1694 йили 69 ёшларида бу дунёни тарк этадилар. У зотнинг жасадлари Қашқарнинг Ёғду деган еридаги «Офоқи алайҳи» мақбарасига дафн этилади.

У кишининг вафотларидан сўнг Ёркент хонлиги тахтига ўғиллари Маҳди хожа (Подшоҳхожа) ўтириб, 1694-1696 йилларда ҳукмронлик қиладилар.

1694 йилда вафот этган Яҳё хожадан уч фарзанд бўлиб, бир ўғилларининг исми Аҳмад хожа (1737-1738) эди. Аҳмад хожа Қашқарда хонлик қилганлар. Унинг икки ўғиллари бўлган: Бурҳониддин хожа (1755-1759) ва хожа Жаҳон (1759). Тарихий манбаларда қайд қилинишича, Шарқий Туркистон Чин империяси томонидан 1757 йилда истило қилинган. (Омонбой Жалилов. «Шарқий Туркистон хожаларидан Махдуми Аъзам авлодлари шажараси». «Туркистон тарихи» журн. Т. 1994 й., август. 12-бет). Қашқар ҳукмдори Бурҳониддин хожа ва Ёркент хони хожа Жаҳон 1759 йилнинг октябрида хитойлар томонидан Пекинга олиб келинади ва ўша ерда дорга осиб ўлдириладилар.

Бурҳониддин хожанинг ўғиллари Саййид Муҳаммад хожа ва Абдуҳолиқ хожалар эди. Саййид Муҳаммад хожанинг уч ўғли бўлган. Улар: Юсуфхон хожа, Жаҳонгир хожа, Маҳмудхон (иккинчи исмлари Баҳовуддин хожа)лар.

Дадамнинг хотираларидан:

«1758 йили хитойлар Қашқарни олган чоғда Офоқий хожаларни қиргин қилишган. Ҳали чилласи чиқмаган хожа Юсуфхонни оналари ўз хизматкорлари Қурбон охунд ва Ашурхон оналардан илтимос қилиб, дош қозон остига яшириб, сақлаб қоладилар ва тунда уларга мурид бўлган уйгурлар ёрдамида чақалоқни шаҳардан олиб чиқиб кетадилар. У Бухорога олиб келиниб, Қурбон охунд ва Ашурхон оналар қўлида тарбияланади. Бола бир оз улғайгач, уни дастлаб Тошкентга, сўнгра Андижонга олиб келадилар». (Шу ўринда дадам бир оз адашганлар. Чақалоқ Юсуфхон эмас, Саййид Муҳаммад хожадир. Бу тарихий таққосланди).

Юсуфхон хожанинг икки ўғиллари бўлган: Муҳаммад Амин хожа - катта хонтўрам, Абдуллоҳ хожа - кичик хонтўрам (Муҳаммад Амин хожа Валихон хожанинг опаларига уйланган, улардан Ҳакимхон тўрам туғилганлар). Жаҳонгир хожанинг ўғиллари Бузрукхон хожа эди. Манбаларда қайд этилишича, 1825-1828 йилларда Чин империя-

сига қарши кўзғолон кўтарган ҳазрат Жаҳонгирхон авлиё Офоқ хожа номини кофирлар томонидан булғанишдан сақлаб қолган.

Маҳмудхон (Баҳовуддин хожа)дан эса Валихон хожа дунёга келдилар. Бу авлодни Шарқий Туркистонда «хожалар» дейишган, Ўзбекистонда «тўралар» ёки «сайидлар» деб атайдилар.

1825-1864 йилларда нақшбандия, «Хожагон» тариқатига мансуб қошғарлик хожалар, Валихон хожанинг амакилари Жаҳонгир хожа (1825-1828), Муҳаммад Юсуф хожа (1830), унинг ўғиллари Муҳаммад Амин хожа, ёки «Катта хонтўрам», шунингдек, тарихда «Етти хожалар исёни» номи билан машҳур бўлган Валихон хожа - Валихон тўра бошчилигида Чин империясига қарши кўтарилган кўзғолонлар (1857) (А. Д. Исиевнинг «Уйгурское государство Йэттишаар» номли асарида бу воқеалар санаси 1847 йил деб берилган) бу авлод тарихи ҳақида тасаввурни кенгайтирувчи маълумотлардир. (Б. Аҳмедов «Марказий Осиё тарихий манбаларининг ўрта асрларда Ўрта Осиё билан Хитой ўртасидаги савдо, сиёсий ва маданий алоқаларни ўрганишдаги ўрни». «Тарихдан сабоқлар». Т. 1994 й. 273-бет).

Шунингдек, «Таворихи Хамсайи шарқий» номли манбадан қуйидаги маълумотни келтириш ўринлидир (Курбон Али Аёғузий асари):

«Жаҳонгир хожа ва Юсуфхон хожа кўзғолонларидан сўнг хитойлар маҳаллий халқнинг исён кўтаришидан хавфсирай бошладилар. Улар Қўқон хонлигига ўз элчиларини йўлладилар ва қўл остидаги шаҳарлардаги хожаларнинг Қошғар (ўша даврда Қашқар эмас, Қошғар деб айтилган – муалл.) томонга ўтишларига монетьлик қилиш тўғрисида музокаралар олиб бордилар. Бунинг эвазига Қўқон хонига ҳар йили ямбу (кумуш ақча: оғирлиги 50 «ян» - 1,8 кг) билан ўлпон тўлаб туришга ваъда бердилар.

Қўқон хони хожаларни Қошғарга ўтказмаслик мажбуриятини олди». (Бу воқеалар 1825-1830 йилларда Нодиранинг ўғли Муҳаммад Алихон хонлиги даврида бўлиб ўтган).

Хожалар сулоласидан энг сўнги ҳукмдорлик Валихон хожага ва Муҳаммад Амин хожанинг ўгли Ҳакимхон хожаларга насиб этган.

Кейинчалик, ҳукм юритиш Қошғарнинг сўнги амири Ёқуббекнинг қўлига ўтиб кетган.

Изоҳ:

Ёқуббек Муҳаммад Амин хожа ва Валихон хожаларни ҳийла билан заҳар бериб ўлдириб юбориш орқали ҳокимиятни бутунлай ўз қўлига олган.

Бу ҳақда Қўқон хони Худоёрхон қўлида 12 йил ва Еттишаҳар ҳокими Ёқуббек қўл остида ҳам яна 12 йил давомида муҳим лавозимларда бўлган Мирза Аҳмад қушбеги ўзининг Ёқуббек ҳақидаги хотираларида шундай ёзади:

«Мен баъзи масалалар юзасидан Алимқул (Худоёрхон ва унинг укалари ўртасида тахт учун кураш авж олган ушбу даврда Алимқул Қўқон хонлигида мингбоши лавозимида фаолият кўрсатган) ҳузурига борган эдим. Сухбат давомида Алимқул руслар тортиб олган ерлар ўрнини бошқа жойлар, жумладан, анча тартибсизликлар рўй бераётган Қошғар (Шинжон) ерлари ҳисобига тўлдириш нияти борлигини айтди ва Қўқон таъсирига тортиш учун Қошғарга кимни юборсак, деб маслаҳат сўради. Мен ўйлаб ўтирмай, Ёқуббекни тавсия қилдим.

...Шундан сўнг Ёқуббек Офоқ хожа авлодларидан бўлган Бузрук хожа билан бирга Қошғарга юборилди. Тўғриси айтганда, Қошғар ҳокимлигига Бузрук хожанинг амакиси Муҳаммад Юсуф тўранинг ўгли Муҳаммад Аминнинг ҳуқуқи кўпроқ эди. Муҳаммад Юсуф тўра бу хонликка аввал 3 йил ҳукмдорлик қилган, хитойлар билан урушда ғалаба қозонишига кўзи етмагани учун 12 йил муқаддам давлатни ташлаб чиқиб кетган эди.

Бузрук хожа иродаси бўш эди... Хожаларнинг иккови ҳам бу пайтда Тошкентда яшар эдилар.

Бу орада Алимқул ҳалок бўлиб, Тошкент руслар қўлига ўтади... Мен Қошғарга отландим. Муҳаммад Амин хожа ҳам Қошғарга отланиб, мени ўзига ҳамроҳ бўлиб боришга ундади... Халқ ҳам, қўшин ҳам Қошғарга келган

Муҳаммад Аминдан вилоятни бошқаришни ўз қўлига олишни сўради. Бундай вазиятда Бузрук хожага энг яхши чора Қошгардан чиқиб кетиш эди...

Бир ҳафтадан сўнг Маккага ҳажга боришни важ қилиб шаҳардан жўнаб кетди...

...Муҳаммад Амин Бузрук хожа ўрнига ўтиргани билан бутун давлат ишлари Ёқуббекнинг қўлида эди. У мени Маролбошига дунгонларни қувиб юборишга жўнатди. Мен шаҳарни қўлга киритиб, бу ҳақда Ёқуббекка хабар қилдим. Лекин хатимга келган жавобда Муҳаммад Амин хожа вафот этганлиги баён қилинган эди... Кўпчилик Муҳаммад Амин хожа заҳарланган, деб шубҳа қиларди...

Унинг ўлиmidан икки ой кейин Валихон тўра ҳам оламдан ўтди (1866).

Айтишларича, бетоб ётган Валихон тўра ҳузурига Ёқуббек ўз одамларини юборган. Ўзларини табиб деб кўрсатган бу кишиларни тўра қабул қилганлар. Улар эса у кишига заҳар берганлар.

Муҳаммад Амин хожа вафотларидан сўнг ҳокимият унинг ўғли Ҳакимхон хожа қўлларига ўтиши керак эди...» (Акмал Акрам ўғли. «Қошгарнинг сўнгги амири». Г. «Туркистон», 1992 й. август).

Бу воқеалар хусусида дадамнинг эсдаликларидан:

«1865 йили Алимқул ўлдирилгач, Саидхон (Худоёрхоннинг укаси) тарафдорлари Қашқарга қочганларида Муҳаммад Амин хожа «Катта тўрам» ҳам бирга эдилар. У киши Қашқарга боришлари билан Бузрукхон тўра ўрнига хон сайланадилар...

...Ёқуббек у кишининг мустақилликларини кўргач, гаров тариқасида ўғли Ҳакимхонни «ўғирлатиб» олдириб боради. (Бунга ҳам Катта тўрам қарши эдилар, Худоёр ҳам истамасди). Уни Маролбошига ҳоким қилади. Лекин кўп ўтмай отаси Ёқуббек томонидан ўлдирилиб, ўзи кучли бир душманга қарши бўлган курашда, унга дош беролмай хавфда қолади. Бунинг устига Валихон тўра ва бошқа бир қанча яқинлари Ёқуббек томонидан ўлдирилганлигини эшитган Ҳакимхон Қашқардан қочиб, (ҳозирги Андижон вилоятидаги) Шаҳрихонга яқин бўлган Ортуш

қишлоғида (Қашқарга яқин жойдаги Ортушдан қочган муҳожирлар қишлоғи) жон сақлайди».

Валихон тўра Ёғду қишлоғидаги «Хожаи Офоқий» мақбарасига дафн этилганлар. Валихон тўранинг бир қизлари ва икки ўғиллари бўлган. Катта ўғилларининг исмлари Саййид Қодирхон тўрам бўлиб, улар кўпроқ «Асакахон тўрам» номи билан машҳур бўлганлар.

Кенжа ўғилларининг исмлари Жўраҳон тўрамдирлар.

Қизларини «Ҳожи Оптов» деб аташган.

Ҳакимхоннинг тўрт ўғиллари бўлган: Маҳмудхон (яна бир исмлари Муҳаммадхон), Иноятуллохон, Ҳидоятуллохон ва Қудратуллохон тўралар.

Дадамнинг хотира дафтарларидан:

«1858 йилги қочишда Валихон тўрам Кетмонтепага келадилар (Қўқон хонидан андиша қилиб). У ерда бир неча йил истиқомат қилганларидан сўнг 1864 йилда яна Қашқарга кетадилар. Мана шу қочқин бўлиб юрган пайтларида Валихон тўранинг маҳрамлари Тўра пошшам бошқаларга сездирмаслик учун лўли қиёфасига кириб, у кишининг ҳузурларига келадилар ва бирга яшайдилар.

Валихон тўрам Қашқарга кетиш олдидан ўз маҳрамлари Тўра пошшага: «Аллоҳ яна бизга Саййид Қодирхонга жўра қилиб ўғил фарзанд берса, исмини Жўраҳон қўйинг», - деб айтганлар.

Худди шу йиллари Жўраҳон тўрам дунёга келганлар».

Саййид Қодирхон - «Асакахон тўрам»нинг фарзандлари бўлмаган.

Жўраҳон тўрамнинг уч ўғиллари ва саккиз қизлари бўлган.

Дадам Амонуллохон тўрам (ёки Саййид Боқирхон) Жўраҳон тўрамнинг кенжа ўғиллари бўлганлар.

Саййид Қодирхон - «Асакахон тўрам» назаркарда киши бўлганлар. Оилада тўнғич ўғил сифатида у кишининг ҳурматлари юқори бўлган. Тахт вориси сифатида ҳам мавқелари баланд эди.

Синглим Қамархоннинг хотираларидан:

«Ойбувимлардан ва бошқа ёши улуғ кишилардан эшитишимча, дадамнинг амакилари асримиз бошларида Асакадаги «Тўра чеки» мавзесида яшаган Саййид Қодирхон ибн Саййид Валихон ҳазратларининг ўрис босқинчиларига қарши халқ манфаатлари йўлида қилган ҳаракатлари, миллатига, эътиқодларига садоқатлиликлари туфайли халқ у кишини ҳурмат билан «Асакахон тўрам» деб атаганлар».

Жўраҳон хожа Саййид Авлиёхоннинг «Мовароуннаҳр саййидлари» китобидан:

«Уйғурободда бир мўсафид истиқомат қилади. Ёшлари 95 да. Миллати - уйғур. Исм-шарифлари Юнусали қори Исҳоқ ўғли. У киши шундай ҳикоя қиладилар:

- Мен ҳам кўпгина уламоларнинг ва саййидларнинг таълимларини олганман. Кўпларининг хизматларида бўлиб, суҳбатларидан баҳраманд бўлганман. Саййидлар деҳқончиликка, боғ ўстиришга берилган, санъатсевар халқ эканлигини яхши биламан. Ҳаётимда бу нарсаларнинг ўзим гувоҳи бўлганман.

Ҳамон эсимда, Асакахон тўрам Валихон тўрам ўғиллари деган саййид авлодларидан ажойиб бир зот бор эдилар. Отга меҳр қўйиб, овга чиқар, катта сайлларда улоқ чопишни ёқтирар эдилар. (Илоҳи ул зоти шарифни худо раҳмат қилсин). Бир куни совуқ хабар келди: қазо қилибдилар. Таъзияга бориб, ғаройиб бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Хушбичим, чиройли кўк от тиз чўкиб, гоҳо тик туриб йиғларди, кўзларидан шашқатор ёш оқарди...

Во дариг! Жонивор ҳам ўз хожасига инсон каби меҳр қўйган бўлса-я!..

Шу манзарани кўриб, тумонат одам орасида йиғламагани қолмагани ҳозиргидай эсимда».

Шажара тарихининг давоми:

Жўраҳон тўрам кенжа ўғилларини ҳар доим жони омонда бўлсин деган ниятда Амонуллоҳон деб ҳамда акаларига ҳурмат юзасидан Саййид Қодирхонга лафздош қилиб, Саййид Боқирхон деб ҳам атаганлар.

Боқирхон исмлари, кейинчалик дадамларга тахаллус бўлиб қолган.

Биз, набиралар, Асакаҳон тўрамни «хон бува», Жўраҳон тўрамни эса «хон дада» дер эдик.

Жўраҳон тўрамнинг ҳарамлари ҳақида:

Моҳлар ойим. Бўтақоралик Долимбойнинг қизи эди. Моҳлар ойим қиз фарзанд кўради, исми *Адолатхон* пошша қўйилиб, у чақалоқлик пайтидаёқ она вафот этади. Шунда Долимбой иккинчи қизи Гулхон ойимни ҳам Жўраҳон тўрага никоҳлаб беради. Гулхон ойим Адолатхон пошшани вояга етказиб, Юсуфхон тўранинг (Орифхон тўранинг дадалари) акалари Холматхон тўра (Булар Андижоннинг Булоқбоши қишлоғида яшар эдилар)га узатадилар. Аммо ундан фарзанд қолмай вафот этган. Гулхон ойимнинг *Амирсойибхон* исмли қизлари бўлиб, у вояга етганда Ҳакимхон тўранинг Иноятуллоҳон тўра исмли ўғлига узатилади.

Амирсойибхон пошша ва Иноятуллоҳонлар «қулоқ сиёсати» пайтларида Афғонистонга кетиб қолганлар ва ўша ерда вафот этганлар. Уларнинг икки фарзанди бўлган: Муаззизхон пошша ва Муқаддас тўралар. Ҳар иккалалари Туркияга кетиб яшаб, ўша ерда вафот этганлар.

Жўраҳон тўранинг яна бир қизлари *Муҳаррамхон пошша*. У аввал Тоштепага, Ҳакимхон тўранинг иккинчи ўғиллари Ҳидоятуллоҳонга узатилган. Ҳидоятуллоҳон ундан фарзанд кўрмаёқ, вафот этган.

Иккинчи рўзғори, қувалик Ҳожи тўранинг ўғиллари Ҳакимхон тўра эди. Ундан қиз фарзанд кўрганлар, исми Адолатхон пошша. Қувада яшайдилар.

Яна бир қизлари *Мукаррамхон пошша*. Дастлаб, Сарғалдоққа, Холматхон тўранинг ўғиллари Султонхон тўрага узатилган. Султонхон тўра урушда ҳалок бўлганлар. Улардан бир фарзанд қолган. Исми Абдусамадхон.

Жўраҳон тўранинг *Абдусамадхон* исмли ўғиллари йигитлик пайтларида вафот этган.

Яна бир ўғиллари *Абдулҳамидхондир*. Гулхон ойим вафот этганларидан сўнг, Азиза пошшага уйланганлар.

Азиза пошшадан тарқалган зурриётлари:

Мунаввархон пошша У Ҳакимхон тўранинг кенжа ўғиллари Қудратиллоҳхон тўрага узатилган. Бир фарзанд кўриб, у ёшлигида вафот этган.

Қатағон йиллари Қудратиллоҳхон тўра акалари Иноятуллоҳхонлар билан дастлаб Афғонистонга, у ердан Аммон шаҳрига ўтиб кетиб, ўша ерда вафот этганлар.

Мунаввархон пошша у киши билан кетишга кўнмай, Асакада қолганлар.

Қудратуллоҳхон тўранинг уч ўғиллари бор: Неъматиллоҳхон (ҳозир Тошкентда яшайпти), Ҳидоятуллоҳхон (Жиддада), Атоуллоҳхон (Истамбулда).

Жўраҳон тўранинг яна бир қизлари *Қамарсойибхон пошша*. У Юсуфхон тўра авлодларига узатилган. Фарзанд кўрмай вафот этганлар.

Яна бир қизлари *Ойпошшахон*. У киши Андижон шаҳрига Тўраҳон тўранинг ўғиллари Муҳаммадхонга тушганлар. Фарзанд қолдирмай у киши ҳам вафот этганлар.

Жўраҳон тўранинг Андижонда ҳам ҳовли-жойлари бўлган. У кишининг Андижондаги завжалари *Саодатхон пошша* эдилар. Ундан икки фарзанд кўрганлар:

Амонуллоҳхон ёки *Саййид Боқирхон тўра*. У киши Муҳиддин ноибнинг эвараси (андижонлик), Насриддин қозининг чевараси, Зухриддин мингбошининг набираси, Насриддинбекнинг қизлари Хонсойибхонга уйланганлар ва беш фарзанд кўрганлар: Музайянахон, Улугбек, Қамархон, Моҳрўяхон, Муаззамхонлар.

Улфатнинг «Гулбоғ» девонидан олинган «Саёҳатнома»дан:

*Боқир бири шоири замона,
Ахлоқу билимдадур ягона.*

*Кўп илму фунундан ақли озоҳ,
Номин атар эл Амони Оллоҳ.*

(Улфат. Гулбоғ. Тошкент, Ғ.Ғулом номли нашриёт, 1988 й., 146-бет)

Қояларга сингиб покланган ва ундаги беғубор маъданлардан озиқланиб шаффофланган ҳаётбахш чашма суви қанча-қанча ташналарни қондириш билан бирга «ибрат кўзгуси», поклик тимсоли сифатида беҳисоб кишиларга руҳий поклик бахш этгани каби, дадам Амонуллохон тўрам ҳазратларининг ҳам руҳлари аждодлари тарбиятидан баҳра олиб, уларнинг «беғубор гавҳарлари» шаффофликларидан қалб, ақл-идроклари камол топиб, худди чашма суви сингари кишилиққа наф келтиришни ўзларига одат қилганлар.

***Тарихчи олим, профессор Сайфиддин ҳожи
Жалилов мақоласидан:***

«Амонуллохон - Боқир меҳмондўст, одамшаванда бўлиш билан бирга ажойиб суҳбатдош, меҳрибон дўст эди. У ҳофизаси кучли, ҳаётга шайдо инсон эди. Шу билан бирга ўта қаноатли, очиқ чеҳрали улфат эди. Кўплаб кишилар холис маслаҳат, ёки ёрдам сўраб Амонуллохонга мурожаат қилар эдилар ва ҳеч ким ноумид қайтмас эди. Ғафур Ғулом асарларининг 10-жилдида шоирнинг Амонуллохонга ёзган хатида бундай дейилган:

«Биродарим Амонулло!»

Андижонлик бир маҳбусдан илтимоснома олган эдим, ким ўзи, нима гап, тушуна олмадим. Сизга юбордим. Ўрганиб (агар малол келмаса), менга маълум қилсангиз. Балки маҳаллий ҳукумат арбоблари билан ҳал бўлгундай ишдир. Ҳар ҳолда бир маҳкум мурожаати жавобсиз қолмас».

Ғафур Ғулом, 28. XII. 1961 й.

Амонуллохон хатни олгач, мазмуни билан обдон танишиб, маҳаллий ташкилотларга боргани ва маҳбус илтимоси билан махсус шуғуллангани каминанинг ёдида. (Яхши инсонлар ёди. «Миллий тикланиш», 1995 й., 15 дек.)

Адабиётшунос олим Тўхтасин Жалолов: «Математик педагог, газалхон шоир ва адабиётшунос олим Амонулло Валихонов доимо комил инсонликка интилган, нозик таъб шахс эди. У камдан-кам учрайдиган ҳалол, ҳалим, хуш-тавозеъ йигит, рафохатида одам ўзини енгил ҳис қилади, суҳбати эса ҳаловатбахш, муомалаларини кўриб ҳавасинг келади», - деб таърифлаган эди. («Ўзбек шоиралари», Т.1961.)

Шоир Улфат:

*Хулқу атвори лойиқи таҳсин,
Ўзгада бўлмагай бу хил атвор.
Таъбида бор эди мулойимлик,
Чумоли, пашша топмаган озор, - дейди.*

ЧАРҲ КАЖРАВЛИГИНИ ЕНГИБ...

Ахлоқий етукликка, яхши фазилатларга интилиш инсоннинг инсоний табиатидан келиб чиқади.

Абу Наср ФОРОБИЙ

Ҳикмат ва иқрор:

Саъдий демиш:

*Кулганди ҳама жаҳонга сен келган чоқ,
Лекин ишинг ўлди йиғламоқ - дод этмоқ.
Шундай яша дунёдаки, сен борурда кул,
Йиғлаб қолсун бошга сочиб эл тулроқ.*

Менинг афсусим (Боқир):

*Кулган эди эл, жаҳонга мен келган чоқ
Лекин ишим ўлди йиғламоқ - дод этмоқ,
Афсус, яшамабманки, борурда кулсам,
Йиғлаб қолса, бошга сочиб эл тулроқ.*

Ҳужжатларнинг шоҳидлик беришича, қиблагоҳим Амонуллохон - Саййид Боқирхон тўра замон оқилу до-нолардан юз ўгирган, кажрафтор чарх ҳукми устуворлик

қилган, долғали, нотинчлик авж олган бир пайтда, 1925 йилда Андижонда дунёга келганлар.

Оналари Саодатхон пошша бўлиб, биз у кишига «Ойбуви» деб мурожаат қилардик. Ойбувимлар назм таъб, ўқимишли, доно, шарму-ҳаёли, ўзларида ахлоқ-одобларни мужассам этган муқаммал инсон эдилар.

Дадамларга дастлабки сабоқларни ҳам у киши берганлар. Дадалари Жўрахон тўрам 1928 йилда 63 ёшларида вафот этганлар.

Башорат:

*Нега бу фалак солғуси гурбатқа мени,
Ҳар лаҳза туғангусиз машаққатқа мени,
Не чора қилай, нетайки, тенгри гўё,
Меҳнатни менга яратти, меҳнатқа мени.*

(Бобур).

1932 йилга келиб кенг кўламда амалга оширила бошланган «қулоқ қилиш» сиёсати туфайли бутун ерсув, боғ-роғлар тортиб олинган бўлишига қарамасдан, 1934 йили зўр-базўр ҳаёт кечириб имконини бериб турган ҳовли-жой ҳам тортиб олиниб, дадамлар кўчага чиқариб ташланган (ўша пайтда тўққиз ёшда эканлар), 7 ёшли сингиллари ва Ойбувимлар билан биргаликда ҳаммаҳаллаларидан бирининг даҳлизидан бошпана топишга мажбур бўлдилар. Кейинчалик, ҳозирги Аҳмадбек ҳожи кўчасида ўзларига жой қилиб кўчиб чиқдилар.

Кажрафтор чарх ўз «ўйинлари» билан Ойбувимнинг бардошларини, қиблагоҳимнинг иродаларини синашда давом этарди.

Шу йилларда у киши, кутилмаганда, «сиёсий ўйин» қурбони бўлиб қамоққа олинадилар.

Тафсилот ва тарих:

1942 йилда Синьцзянда ҳокимият тепасида турган Шен Шицай шартномага хилоф равишда СССР билан иқтисодий, сиёсий, маданий ва ҳатто дипломатик

алоқаларни узиб, АҚШ, Англия ҳукуматлари билан ўз алоқаларини мустаҳкамлайди. 1943 йилнинг январ ойида у агрессияга даъват этувчи Гоминдон партиясини тузади.

Шен Шицайнинг ҳаракати билан Урумчида Англия ва АҚШ элчихоналари иш бошлайди. Шу йилларда Хитой коммунистларига, совет-хитой дўстлиги тарафдорларига қарши кескин ҳаракат бошланади. Улар таъқиб қилинади, турли сабаблар баҳона қилиниб, кўплари қамоққа олинади ва отиб ташланади (Новейшая история Китая, М. 1984).

Шен Шицай бу фаолияти учун ҳокимиятдан четлаштирилади. Аммо Синьцзяндан кетишдан олдин у ерда қаттиқ террор ўтказди. Айтишларича, унинг буйруғи билан 120 минг одам қамоққа олинади. 50 мингдан ортиқ одам турли йўллар билан ўлдириб юборилади (Кўрс. асар).

Изоҳ: Шарқий Туркистонда гоминдончилар партиясини тузиш ҳаракати бошланган кезларда, 1940 йилда мазкур гуруҳга қарши «Озодлик ташкилоти», «Миллатни қутқариш», «Шарқий Туркистон халқи революцион партияси» каби турли уюшмалар тузилган бўлиб, уларнинг асосий мақсади қуроли қўзғолон йўли билан Шен Шицайни ҳокимиятдан четлатиш эди.

Шу тарзда Фулжада ҳам «Озодлик ташкилоти» номи билан Ҳарбий революцион қўмита тузилган эди. Бу гуруҳ аҳоли ўртасида катта фаолият кўрсатиб, қуроли бўлинмалар ташкил қилади, озодлик ҳаракатини авж олдиради ва 1944 йилнинг 7-10 ноябрларида Фулжа, 1944-1946 йилларда бутун Или округи озод этилади.

1944 йил ноябрининг 12-сида Фулжада Шарқий Туркистоннинг янги президенти бошчилигида вақтли революцион ҳукумат тузилганлиги тантана билан эълон қилинади.

Фулжада тузилган вақтли революцион ҳукумат раҳбарлигига қонуний ҳақдор шахс сифатида Саййид Амонуллохон Боқирхон тўра тавсия қилинган эди.

Аммо бу лавозимни эгаллашга дадам ҳам, оналари ҳам рози бўлмаганларидан кейин, совет органлари томонидан дадам вақтинча қамоққа олинади.

Ойбувим дадамларга берган маслаҳатларида ҳақ бўлиб чиқадилар. Орадан кўп ўтмай, дадамнинг сиёсий курашларда иштироки йўқлиги исботланиб, озод этиладилар. Аммо у кишига нисбатан ишончсизлик, ҳар бир ҳаракатига шубҳа билан қараш анча вақт давом этади. Муқим иш жойига эга бўлмай, иқтисодий тангликни бошидан кечирадилар.

Ниҳоят, меҳрибон инсон Ҳамзахон ака Юсупов дадиллик кўрсатиб, дадамни ўзлари раҳбарлик қилаётган бухгалтерия мактабига ўқитувчиликка қабул қиладилар.

Дадам Фарғона педагогика институтининг физика-математика факультетига сиртдан ўқишга қабул қилинадилар ва институтни тамомлаб, мактабларда математика ўқитувчиси бўлиб ишлайдилар.

Андижон шаҳрининг 8, 18, 20-ўрта мактабларида, шунингдек, шаҳарнинг услубий таянч мактабларидан бўлмиш 29-ўрта мактабда математика ўқитувчиси ва ўқув ишлари бўлими мудир вазифаларида фаолият кўрсатганлар. 1957 йили «Совет мактаби» журналда босилган «Талантли ёш педагог» номли мақолада қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин: «Ўртоқ А. Валихонов Андижон шаҳридаги 29-ўрта мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлайди. У ўзининг меҳнатсеварлиги, ўқувчиларга пухта билим беришда жонкуярлиги, изланувчанлиги билан ўқувчилар ва оналарнинг ҳамда мактаб жамоасининг ҳурматиغا сазовор бўлди. Унинг қўлида таълим олган кўпгина ўқувчилар ҳозир Тошкент, Фарғона, Самарқанд олий ўқув юртларининг физика-математика факультетларида муваффақиятли ўқимокдалар. Улар ўз устозларига тез-тез хат ёзиб турадилар. Шулардан бири Ўрта Осиё Давлат университетининг IV курс студенти У. Самадов: «Ҳурматли ўқитувчим Амонулло ака! Мен Сиздан жуда миннатдорман. Чунки ўрта мактабда

Сизнинг берган кенг, чуқур билимингиз олий ўқув юртида муваффақиятли, юқори баҳолар билан ўқишимга катта ёрдам бермоқда», - деб ўз хатида самимий миннатдорчилигини изҳор қилади.

А. Валихонов бир қанча илмий ва методик мақолалар муаллифидир: «Тескари доиравий функцияни ўқитиш», «Берунийнинг тригонометрия соҳа-сидаги энг муҳим ишлари», «Ал-Хоразмийнинг тенглама ечиш усуллари», «Улуғбекнинг астрономия мактаби» кабилар. Талантли ёш педагог доимо қунт билан изланишда».

Дадам 1958 йили Андижон Давлат педагогика институти ректори Ғанижон ака Абдуллаев таклифига биноан институтга ишга ўтадилар.

Шу йиллардан у кишининг осойишта ҳаёти бошланади. Ўз умрларини хайрли ишга: талабаларга билим беришга, илмий тадқиқотлар олиб боришга, ижод билан шуғулланишга, дўстлар учун, шеърият равнақи учун, оила осойишта ҳаётини таъминлаш учун сарфлайдилар.

Институтда 20 йил давомида катта ўқитувчи, «Бошланғич таълим услубияти» факультетининг («педфак») декан муовини, декани ва физика-математика факультети декани каби лавозимларда ишлаганлар. Бобур номли Андижон Давлат университетида тайёрланган «Улар хотираси барҳаёт» номли тўпламда қиблагоҳим ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилган (Муаллиф С. Жалилов):

«Институтда XX асрнинг 60-70 йиллари ўзига хос адабий муҳит вужудга келиб, Андижонга ташриф буюрган олиму, адиблар бу ерда тўпланишар, уюштирилган адабий гурунгларга А. Валихонов доимий равишда бош-қош бўлар ва ташкилотчилик қиларди.

Шу билан бирга мумтоз шеъриятимизнинг долзарб мавзуларида маърузалар қилар, республика ва вилоят матбуотларида адабиётшуносликнинг баҳсли масалалари юзасидан ўз қарашларини баён қилувчи мақолалар эълон қиларди.

Унинг «Навоий - аллома», «Навоий ва фан», «Навоий - мусиқашунос», «Хамса» сабоқлари», «Хамса»даги фалакиётга оид маълумотларнинг манбалари», «Жомий ва Навоий» каби илмий мақолаларида навоийшуносликнинг муҳим масалалари юзасидан баҳс юритилса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги бир қатор мақолалари бобуршуносликнинг долзарб муаммоларига бағишлангандир. Олимнинг «Оташин шоира», «Жодузабонлик», «Маънавиятимиз дурдонаси», «Алломалар отаси», «Барҳаёт сиймолар» каби мақолалари эса адабиётшуносликка, шунингдек, тарих ва фалсафага алоқадор баъзи муаммоларга бағишланган бўлиб, улар Амонулло Валихоновнинг қомусий билим эгаси эканлигини, илмий талқинда ўз услуби ва овози бор олим сифатида аллақачон шаклланганини кўрсатади... Амонулло Валихоновнинг «Ғазал нафосати» (Т.1985) номли йирик илмий асари эса навоийшуносликка қўшилган ўзига хос улуш бўлдики, андижонлик адабиётшуносларга ҳам обрў келтирди, десак, хато бўлмайди» (Ўша тўплам, 67-бет).

Йирик тилшунос олим, филология фанлари доктори Фатҳиддин Исҳоқов ва филология фанлари номзоди Абдулазиз Абдулҳамидовлар ўзларининг «Соҳиби илми ладун» номли мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2003 йил 13 июн) шундай ёзадилар: «Амонуллохон бадият намуналарини қадрловчи, ундан маънавий озуқа олувчи ва уни шунчаки баҳолаб ўтувчи кишигина эмас, шу билан бирга, унга улуш қўшишга интилувчи ижодкор, нозиктаъб шоир ҳам эдилар. Амонуллохон - шоир Боқир мумтоз шеърятимизнинг билимдони, синчков тадқиқотчиси сифатида ўз шеърлари орқали инсонни шарифнинг улуглигини, унинг юксак ахлоқий фазилатларини, гўзалликни мадҳ этади, инсон камолотида тарбиянинг доимий ва муқаддас ўрнини таъкидлайди. Тарбия ишида инсон амал қилиши лозим бўлган бош фазилат - одамийликдир. Боқир шеърлари билан мумтоз шеърятимиз ўртасидаги муштаракликни таъминловчи

куч, шоир ижодига ўтмиш шеърятининг энг яхши анъаналари сингдирилганини тасдиқловчи мезон, уларда ўқувчини ўйлашга даъват этувчи, кишини ибрат олишга чорловчи мазмуннинг устуворлигидир.

Боқир шеърятига бадий санъаткорлик нуқтаи назаридан ёндашилса, уларда ақл ва тажриба кучи билан ечиладиган, ўқувчини узоқ ўйлантириб қўядиган ўринларга кўп дуч келамиз:

*Гулда шабнам сувидин шуъла сочар кун нури,
Бу таажжубки, қилур сув ичинда ўт изҳор.*

«Фасли баҳор»да келтирилган бу байтда баҳор фаслининг одатий манзараси ифодаланган:

«Гул япрогида шабнам, шабнамда қуёш нури жилваланиб турибди» дейилмоқчи. Бироқ шоир буни «мумтане» (бўлиши мумкин бўлмаган нарсани бўлиши мумкин тарзида изоҳлаш) санъати қолипига солиб, сўз санъатини намоён қилган. Халқ тилида ўт билан сув - қарама-қарши нарсалардир. Ўт ичида сув, сув ичида ўт бўлиши мумкин бўлмаган ҳолат, лекин кун нурининг шабнамда акс этиши буни мумкиндай қилиб кўрсатади. Боқир ўз шеърини асарларида тимсоллар яратишда юзаки, чала, мантиқий боғланмаган ифодаларга ўрин бермайди, аксинча, етарли билим, ўлчов асосида теран тафаккур ва илоҳий илҳом билан иш кўради, мантиқ ва моҳият талабларига риоя қилган ҳолда ўз салафлари анъаналари изидан бориб, уларга ҳурмат ва баланд эътиқодда бўлади. Шоир, шинавандалар таҳсинига тушган кўпсонли намуналардан биргина мисолни - Боқирнинг Бобур ғазалига боғланган мухаммаси бандини эсга олиб ўтмоқчимиз:

*Ғаҳи қир бағрига ел сабза мавжидин бериб тўлқун,
Ғаҳи боғ кўйнига кун нури тобидин тўкиб олтун,
Ғаҳи бўлбўл чекиб бўй ила ранг завқидин лаҳну-ун,
Ғаҳи саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Ғаҳи саҳни чаман гул чехрасидин аргувонидур.*

Улфатий домладан бирор сўз ёки ибора маъноси-ни сўрасак, ўз жавобларини айтиб бўлиб: «Яна Амонуллохондан сўранглар, у киши мендан кўра билим-

донроқ», - деб қўярдилар. Амонуллохоннинг вафоти муносабати билан ёзган таърих - марсиясида домла надомат билан у кишининг таърифларини қилиб «соҳиби илми ладун эрди» деб ёздилар. Илми ладун - худо сунган илм, илоҳий қувват билан касб этилган илм, демакдир. Ҳақиқатан Амонуллохон тўранинг табиатида бу сифат очиқ сезиларди.

Устознинг ақл-заковатига, қомусий илмига тан берардик, бизни ҳайратга соларди, суйган бандасининг жисмига бу илми Яратганнинг ўзи ҳадя этган деб иқрор бўлардик, шундай баркамол устозимиз, дўстимиз борлигидан қувонардик».

Дадамнинг эълон қилинган ижод намуналари қуйидагилардир:

1. Маҳаллий ва марказий матбуотда 50 дан ортиқ шеърлари ва элликка яқин илмий-оммабоп мақолалари чоп этилган.

2. Собир Абдулла, Ҳабибий, Сайфийларнинг асарларида дадамнинг улар билан муштарак мушоаралари, мухаммасларидан намуналар берилган.

3. Тўхтасин Жалоловнинг «Ўзбек шоирлари», «Бону», «Нафосат оламида» номли асарларида айрим шеърлари берилган.

4. Ғафур Ғулломнинг «Мактублар» жилдида ҳам ижодларидан айрим намуналар берилган.

5. «Чертганда дуторимни» номли тўпламда бир қанча шеърлари эълон қилинган.

6. Абдурахмон Жомий ғазаллар тўпламидаги 22 та ғазал, Ф. Исҳоқовнинг «Гулханий «Зарб-ул-масал»и» асарида 2 ғазал, Паҳлавон Маҳмуд рубойларидан 24 таси дадамнинг таржималарида эълон қилинган.

7. 1984 йили Увайсийнинг «Кўнгил гулзори» асарига сўз боши ёзиб, шоир Улфат билан ҳамкорликда чоп эттирганлар.

8. 1985 йили Увайсий асарларининг русча миниатюра нашри чиққан («Прогресс» нашриётида). Унинг тузувчиси ва таржимони дадам эдилар.

9. 1985 йили Ғафур Ғулом нашриётида «Ғазал нафосати» номли асари нашр этилган.

Булардан ташқари уч гуруҳ ишлари нашр қилишга улгурмай қолиб кетган. Қуйида мазкур ишлар рўйхатини келтирамиз:

Нашрга тайёр ишлар

Биринчи навбатда:

- | | |
|---|-----------|
| а) Талқинлар ва тақризлар | 10 б.л. |
| 1. Шеърят ва ҳарфлар | 2 б.л. |
| 2. Оташин шоира (Увайсий ҳақида) | 1 б.л. |
| 3. Жодузабонлик (Фурқат маҳорати ҳақида) | 0,7 б.л. |
| 4. Воқеий ҳикоятлар | 0,25 б.л. |
| 5. Шиоримиз - дўстлик | 0,3 б.л. |
| 6. Маънавиятимиз дурдонаси («Ятиматуд - даҳр»га тақриз) | 0,65 б.л. |
| 7. «Маҳбубул-қулуб»нинг баёнига тақриз | 0,65 б.л. |
| 8. «Фундаментал тадқиқот» (М. В. Стеблева асари ҳақида) | 1 б.л. |
| 9. Озроқ заҳмат чекилса эди... | 1,5 б.л. |
| 10. Эътиборсизлик - хатонинг онаси | 0,4 б.л. |
| 11. Диалектологияга оид бир асар хусусида... | 1 б.л. |
| б) Навоийнинг андижонлик издошлари | |
| 1. Навоийнинг андижонлик издошлари | 3 б.л. |
| 2. Барҳаёт сиймолар | 0,5 б.л. |
| 3. Маънавий бойлигимиз хазинаси | 0,25 б.л. |
| 4. Манзур | 0,4 б.л. |
| 5. Ҳам олим, ҳам шоир (Анисий ҳақида) | 0,5 б.л. |
| 6. Шоир Улфатнинг ойинадори | 0,75 б.л. |
| 7. К. Аҳмадий | 0,25 б.л. |
| 8. Н. Қўзи | 0,25 б.л. |
| 9. Ҳ. Солиҳова, В. Дадабоевлар кўлёмаларига тақриз | 0,65 б.л. |
| 10. В. Раҳмоновга жавоб | 0,15 б.л. |

11. Нусрат ва Ёлқин тўпламлари
қўлёзмаларига тақриз 0,25 б.л.

Иккинчи навбатда:

- Киноя ва мажоз лугати (Анисий билан
ҳамкорликда) 8 б.л.
1. Бош сўз (А. Валихонов) 1 б.л.
 2. Лугат 7 б.л.
 3. Бадиалар (Ўзимнинг шеърларим) 8 б.л.

Учинчи навбатда:

- а) Шоир ва шуур 6,5 б.л.
1. «Бобур» имлоси ҳақида 0,5 б.л.
 2. Шуурнинг кучайиши 1 б.л.
 3. Улуғ салаф ҳақида буюк халаф 0,6 б.л.
 4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур 0,45 б.л.
 5. Бобур ижодига Навоий таъсири 0,6 б.л.
 6. Бобур газалиётининг баъзи
хусусиятлари 0,5 б.л.
 7. Бобур газалларида тазод санъати 0,5 б.л.
 8. Бобур газалиёти нашрлари хусусида 0,75 б.л.
 9. Ўшнинг фазилати... 0,45 б.л.
 10. Фундаментальное исследование 1 б.л.
- б) Бадр Чочий қасоиди (Анисий иши,
нашрга тайёрловчи - А. Валихонов) 8 б.л.
1. Бош сўз (Анисий, А. Валихонов) 1 б.л.
 2. Қасоид 7 б.л.

(Бу маълумотларни дадамнинг ўзлари ёзиб қолдирганлар)

Оталари вафот этгач, дадамнинг ва бир ёшли сингилларининг тарбияси Ойбувимнинг зиммаларида қолади. Ойбувим уларни ҳам ота, ҳам она ўрнида тарбияладилар. Улар ота дийдорига ташна қалбларни она меҳри, сахий муруввати билан қоплашга ҳаракат қиладилар. Ўксик кўнгилларни кемтик қилмаслик онаизорнинг бирдан-бир мақсадига айланади.

Кўқонқишлоқдаги Ҳабибий музейи илмий ходими Жўрабой ака Қўлдошев хотираларидан:

«Мен пахтаободлик уйғурман. Амонуллохонга ихлосим баланд бўлганлигидан, хонадонларида тез-тез бўлиб турардим. Бу хонадонда мени лол қолдирган нарса, у кишига нисбатан оналарининг ўта меҳрибонлиги, ҳурматларини жойига қўйиб, авайлаб муомала қилишлари эди.

У киши зукко, ўқимишли, қаноатли аёл эдилар. Амонуллохон дастлабки саводларини оналари кўлида чиқарганлар. Аруз илмини, форс тилини оналари ёрдамида, мумтоз шеърятимиз сир-асрорларини у кишининг таъсирида ўзлаштирганлар».

Дадам оналарини бағоят ҳурмат қилардилар. Амрларини сўзсиз бажарар, маслаҳатларига қулоқ тутар, у кишининг рухсатлари бўлмагунча бирор ишга қўл урмасдилар.

Оилага ҳар доим Ойбувим бош-қош, фармонбардор, ҳам қалқон эдилар. Биз фарзандлар ҳам шунга одатланган, шу руҳда тарбияланган эдик. Оиламиз ҳаётининг тўқислиги, файз-баракотлилиги, хонадонимизнинг саранжом-сарихталиги, фаришталлиги Ойбувимиз туфайли, у кишининг оқиллиги, саъй-ҳаракати билан боғлиқ эди.

Дадамга хос одатлардан бири шу эдики, агар улфатлари билан олисроқ жойга боришлари зарурати пайдо бўлиб қолса, албатта, Ойбувимдан рухсат сўрардилар. Бирор сабаб бўлиб улар билан кўриша олмай қолсалар, келиб кетишга имкон топа олмай қолсалар, сабаб кўрсатилган бир-икки оғиз сўз битилган қоғозни бирортасидан юбориб, оналарини огоҳ қилардилар. Ҳеч қачон оналарининг хавотирланишларига йўл қўймаганлар.

Дадамнинг оналарига меҳр-муҳаббати дўстларига ҳам маълум эди.

1977 йил 7 февралда Ойбувим ҳаётдан кўз юмганларида дадам устоз Ҳабибийдан шундай мазмунда мактуб олган эдилар:

«Ассалому алайкум!

Қимматли ва самимий дўстим Амонуллохон! Сизнинг бола-чақангиз билан саломат яшамоқлигингизни дўстона тилайман.

Сизнинг меҳрибон онангиз дунёдан кўз юмган эмиш. Ўз кўлингиз билан узатибсиз.

Мен эшитиб кўп афсусландим. Чунки сизга ҳам ота, ҳам она эди. Инсонга етимлик мерос бўлиб келган.

Мураббаъ:

*Шонли дўстимдан хабар мухбир демиш,
Бошига солмиш фалак шўришлик иш,
Бу етимлик эл учун мерос эмиш,
Кўхно дунёда ўтиб кўп ёзу қиш.*

**Дўстингиз Ҳабибий, котиба Дилафрўз.
13.III. 1977 йил.»**

Ойбувимнинг айтишларича, дадам сингиллари Қамарсойибхон пошшага ҳам жуда меҳрибон, мурувватли, эътиборли бўлган эканлар. Қўлларидан келганича унинг отасиз эканлигини билдирмасликка, кўнгли истаган нарсани топиб беришга ҳаракат қилар, энг яхши нарсаларни сингилларига илинара эканлар.

1942 йилнинг баҳор пайтларида дадамнинг бошларига катта бир мусибат тушади. Қамарсойибхон пошша оғир дардга чалиниб вафот этадилар. Ўз сингилларига қаттиқ боғланиб қолган дадам қайғу-изтиробларини қанчалик яширишга ҳаракат қилмасинлар, мотамзада оналарининг армонлари изҳори бўлган қуйидаги марсия уларни қайта янгилар эди:

(Марсиянинг асл нусхаси йўқолган. Синглим Қамархоннинг ёшликда ёд олганлари асосида қайта тикланди. Шунинг учун муҳтарам китобхонлар хотоларини авф этарлар деган умиддамиз...)

Бу кун қон йиғламай нойлай, мен ул

жонимдан айрилдим,

Юрагим қуввати, ҳам танда дармонимдан айрилдим.

Менда йўқ энди тоқат, сабру сомонимдан айрилдим.

Кўзим нури Қамарсойибхоним - жонимдан айрилдим.

Дариго, сад дариго, моҳи тобонимдан айрилдим.

Мени айб айбламанг, дўстлар, этай

золим фалакдан дод!

*Яқомни чок этиб, кўздин тўкиб қонлар, қилай фарёд!
Келиб ушбу вафосиз дунёда бир бўлмадим дилшод,
Қамарсойибхоним - жонимдан айрилдим, ажалдин дод!
Дариго, сад дариго, моҳи тобонимдин айрилдим.*

*Бул икки дурни камлик бирла еткурдим камолига,
Бўлибон булбули шайдо, буларнинг гул жамолига,
Қувонурдим, қараб ҳар дам, они сарви ниҳолига,
Нетай, бевақт ҳазон этди, эссиз фасли баҳориди,
Ҳазон ўлди баҳорим, боғу бўстонимдин айрилдим.*

*Бу баҳри бебақо ичра келиб ул орази раъно,
Атодин қолди бир ёшда етим, ул қомати зебо,
Ёши еттига етганда ватансиз қолди бу барно,
Бўлиб кўчманчилар, доим мусофир, ҳам дури якто,
Кўзим нури Қамарсойибхоним - жонимдан айрилдим.*

*Уйинг кўйгур фалак, менга неча турли жафо этди,
Ўлим тийгин уруб кўксумга бағримни яро этди,
Ажал боди келиб, фасли баҳоримни яғмо¹ этди.
Вужудим хирманига ўт кўйуб, дийдам дарё этди,
Ул ўн етти яшар гул гунча хандонимдан айрилдим.*

*Азал тақдирига тадбир, ё чора топилмайдир,
Етиб келса қазо, ёш, навбаҳор деб раҳм қилмайдир,
Масал: кетган-келур, фавт топган - зинҳор келмайдир,
Агарчи хонумон сарф қилсанг, ўлган тирилмайдир,
Ажалнинг дастидан минг дод!*

Дармонимдан айрилдим.

Бундай дамларда ўтилларига бирдан-бир малҳам яна Ойбувимнинг ўзлари эдилар. Қазога рози бўлишлик, кулфатга шукроналик ва унинг дафъига умидворлик билан бардош

¹ яғмо (ф) – талон-тароҷ, бузғунчилик

қилмоқлик банди мўмин амали эканлигини сингдирувчи ҳам оналари эдилар.

Ойбувимнинг ҳикоя қилишларича, дадам сингилларига жуда меҳрибон бўлган эканлар. Ҳар қандай вазиятда сингилларининг кўнгилларини авайлаб муомала қилар, ҳатто улар мактабдан келмагунларича, қоринлари қанча оч бўлмасин, овқатланмай кутиб ўтирар эканлар.

Қиблагоҳимнинг қуйидаги байтлари сингилларига атаб битилган эди:

*Ўз қўлим бирла қўйиб, ер остига танҳо сизи,
Уйга мен қандоқ кетурман, меҳрибоним, алвидо!*

Ёки:

*Ўйласам, шамъи чирогим, моҳи тобоним укам,
Қолди дийдори қиёмат, алвидо, жоним укам.*

Дадамнинг бизга, фарзандларига бўлган меҳрлари, кўрсатган муруватлари ҳар қандай тавсифдан устун эди.

Уларнинг хулқ-атворлари, оилада ўзларини тутишлари, бизга муносабатларидаги самимийлик, бағрикенглик, шу билан бирга ўзларигагина хос қатъийлик ва талабчанлик ибратгина эмас, балки толеъимиз, Яратганининг бизларга инояти эди.

Улар ҳар биримизнинг ёшимизни, феъл-атворларимизни, кўнглимизни ҳисобга олиб муомала қилардилар.

Агар биз томондан бирор айб иш содир этилса, қандайдир сабабларга кўра бизнинг хонадонга муносиб бўлмаган иш қилинса, дадам юшоқлик билан, сирли, кишининг жон-жонидан ўтиб кетадиган оҳангда: «Сиз шунақа эси йўқ бўлиб қолдингизми?» - деб танбеҳ берардилар. Бундай танбеҳ биз учун калтаклагандан ортиқроқ таъсир қиларди.

Баъзан айрим камчиликларни, одатга айланиб қолган атворларимизни эркалаб, мутойиба билан гапириб ўтардилар. Масалан, синглим Қамархон тозалikka ортиқриоя қиларди. Шунинг учун дадам баъзан ҳазил билан: «Қамархон сувни ҳам ювиб ишлатади», - деб кўярдилар.

Қуйидаги воқеа ҳеч хотирамдан ўчмас керак, деб ўйлайман.

Институтни янги битириб (1971 й.), врачлик дипломи-ни олган укам Улуғбек кўп ўтмай бетоб бўлиб қолди. У бир оз шифохонада даволаниб чиққач, дадам уни Қримга - Анапага дам олиш учун юбордилар. Ўглининг олисда-лиги, қолаверса мусофир юртдалиги дадамга тинчлик бермай, кун ора қанда қилмай унга хат ёзиб турардилар. Дадажонимнинг фарзандларига бўлган муҳаббатда қанчалик бағрикенг, самимий бўлганликларини таъкидлаш мақсадида у кишининг Қримда дам олаётган укам Улуғбекка ёзган бир хатини тўла келтиришни маъқул кўр-дим:

«Ассалому алайкум, Улуғбек!

Мен илгари куни Сизнинг кейинги ёзган хатингизни (4.III.даги) олдим. Соғлигингизни билиб, хурсанд бўлдик. Яқинда кўришиш умидидамиз. Музайянахонлар келган эдилар. Хужастахон ҳам Сизни соғинибди, кўп галиради. Жиянларингиз Хужастахон ва Масъудхонлар билан бирга кеча кетишди. Сиздан кўпгина бодом, апельсин ва яна аллақандай мева, афтидан, Қримнинг пистаси шекилли, олдик. Раҳмат! Сизга озгина пул юбордим (йўлқира учун), оларсиз. Самолётингиз жуда кеч келар экан. Қайси куни келишингизни аниқ айтиб, телеграмма берсангиз, мен Сизни Тошкентда кутиб олардим. Телеграммада рейс но-мери, куни, иложи бўлса, вақтини кўрсатинг. Балки бун-дан кейин хат ёзишгунимизча ўзингиз келиб қоларсиз. Шунинг учун такрор ёзяманки, ортиқча юқларингизни (қишлик ботинка, жемперларни) посилка қилиб бериб юборинг. Ўзингизни қийнамай, енгилроқ келинг. Ўзингиз-ни эҳтиёт қилинг! Биздан ҳамма ўртоқларингизга салом айтинг.

Салом билан дадангиз Амонулло.»

Институтни тугаллаб, врач бўлиб ишлаётган ўғилларининг курортдан қайтиб келишларига қанчалик жонсарақлик?!

Дадам набираларини жонидан ортиқ севардилар. Улардан бирортаси бетоб бўлиб қолгудай бўлса, ишга кетишларидан олдин ҳам, ишдан қайтаётганларида ҳам,

баъзан тушликка чиққан пайтларида ҳам вақт топардилар-да, шифохонага келиб, уларнинг ҳолидан хабар олиб кетардилар.

Умрларининг сўнги пайтларида, беморликдан қаттиқ азоб чеккан дақиқаларда ҳам «фарзандларимнинг кўнгиллари бузилмасин» - деган андишада тортаётган оғриқ азобларини сездирмасликка ҳаракат қилар, ҳар қандай ҳолатда ҳам зорланмас, дард-изтиробларини ошкор қилмас эдилар.

Қуйидаги воқеа ҳеч ёдимдан кўтарилмайди: дадамнинг аҳволи оғирлаша бошлаганлигини сезган шифокорлар қон томирларига қандайдир дори юбордилар. У акс таъсир кўрсатдим, дадамнинг аҳволлари, кутилмаганда, янада оғирлашиб қолди. Барчамиз ёнларидан жилмай, маънос бир аҳволга тушдик. Гўё дард дадамини «олиб кетмоқда» эди.

Орадан маълум фурсат ўтгач, у киши бир оз ўзларига келдилар. Аҳволимизга назар ташлаб, ўз умрлари охирлаб бораётганини сездиларми, бизларга жуда мунгли, аммо ҳаммамиздан ризо оҳангда: «Сизларни қийнаб қўйдим. Қилган хизматларингизга рози бўлинглар!» - дедилар.

У кишининг бу сўзлари қалбларимизни ўртаб юборди. «Дод!» деб юборишдан ўзимизни базўр тўхтатдик. Дардимизни ичимизга ютиб, ҳолатимизни ошкор қилмасликка уриндик. Шу пайтдаги бирдан-бир мақсадимиз у кишини умидсизликдан чиқариш, шифо топиб кетишларига ишонтириш эди.

Дадамнинг касалликлари сабаб бўлиб, 60 йиллик юбилейлари ўтказилиши кечиктирилганлиги учун тантана кунларида тақдим этишни ният қилган машқ шеърим эсимга тушди.

Бир оз кўнгиллари кўтарилармикан деган умидда, зртасига сал ўзларига келганларида, «машқ»имни кўрсатишга журъат қилдим: «Шуни назарларидан бир ўтказиб берсалар. Аммо «гуноҳимни» кечирсинлар... Ўзларига маъқул бўлса, юбилей кунларига чиройли қилиб ёздириб қўяман», дедим.

Дадамнинг юзларида сезилар-сезилмас ёқимли табассум пайдо бўлди. Машқимни, одатларича, шошилмай кўздан кечирдилар. Ушбу машқ у кишининг назарларидан ўтганлиги учун ҳам, ҳужжат тариқасида уни айнан келтиришни маъқул кўрдим:

*Ҳўп улуғлар, ҳам азизлар қизларига жон қадар,
Минг ташаккур, меҳрибоним, бузругим, жоним падар.
Бўлмагай ташбеҳ мукамал, ҳар сўзи гавҳар десам,
Таърифин қилмоқ учун сўз гавҳари етмайди, кам.
Беқиёс меҳру-мурувват соҳиби, олижаноб,
Камтарину, камсуқум, ширинсухан жоним отам.
Бир нафас билмай ҳаловат, чекса юз заҳмат ва лек,
Ўйламас ўз роҳатин, деб: безавол юрсин болам.
Одабийлик дарсидан берса сабоқ оқшомлари,
Айлагай йўлим мунаввар, минг шукр, ҳар субҳидам.
Илму-одоб борасида мен учун намунасиз -
Бебаҳосиз, қиблагоҳим, бузругим, эй муҳтарам.
Бўлмади ташбеҳ мукамал, ҳар сўзи гавҳар дедим,
Таърифин қилмоқ учун сўз бойлигим етмайди, кам.*

* * *

Ҳикмат:

*Хулқингни рост қилгил, ҳар сориғаки борсанг,
«Ахсанта!» - дер бори эл, яхши от чиқорсанг.*

(Бобур)

Қиблагоҳим Бобурнинг ушбу фард-муаммосини тез-тез такрорлар эдилар. Бунинг сабабини кейин англагандек бўлдим. Унда айтилган ҳикмат, дадамнинг руҳларига тўла ҳамоҳанг эди. «Хулқни рост қилмоқлик» у кишининг ҳаёт мазмунлари мезони эди: Бундай эътиқод у кишига оналари сабоғи орқали ўтган эди. Кейинчалик, Абдулазиз қори ва Орифбек каби ёшликдаги дўстлари билан биргалликда андижонлик таниқли уламо ва шоир Абдулмажид қози домла Ҳофиздан, араб, форс адабиётининг етук билимдони Муҳаммадхон махсум ака Маҳжурийдан араб, форс тилларини ва адабиётларини, мумтоз шеърятимиз илмларини, шариат аҳкомларини ва ахлоқ қоидаларини

чукур ўрганиш натижасида бу эътиқод янада барқарорлашган эди.

Уларга қўшимча равишда, турк, уйгур, рус, немис тилларини мукаммал эгаллашга ҳаракат қилдилар. Ўз билимларини мустаҳкамлаш мақсадида, (ўзлари учун) араб, форс, рус тилларида сўзлашув ва изоҳли луғат тузганлар. Илм у киши учун эҳтиёж омили бўлиш билан бирга таскин манбаи ҳам эди.

Жўрабой ака Қўлдошев хотирасидан:

«Биз Амонуллохон билан Фарғона Давлат педагогика институтида бир вақтда ўқиганмиз. У киши математика факультетида, мен эса ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил кўрдик.

Амонуллохон ўртоқлар орасида қобилиятининг юқорилиги билан ажралиб турарди. У ҳар жиҳатдан домлаларимизга маъқул эди. Улар Амонуллохондаги қомусий билим, иқтидорни ўз вақтида пайқай олган эдилар».

У кишидаги илмий баркамоллик, тадқиқотчи сифатидаги етуклик, айниқса, Навоий илмий-адабий мерослари талқинларида, Бобур шахсиятини, илмий меросини атрофлича изоҳлашда, шеъриятидаги бетакрорликни кашф қилишда, уларни соф илмий нуқтаи назардан ўрганишда, Бадр Чочий қасидаларига қилган изоҳларида, Фузулий олами ҳақидаги қарашларида, маҳаллий истеъдодларга қилган ҳомийликларида ва уларни «кашф» қилишларида яққол намоён бўлган эди.

Дадамнинг «Ғазал нафосати» китоби қўлёзмаси билан танишиб чиққан Ваҳоб Раҳмонов шундай ёзибдилар: «Навоийни тадқиқ этиш учун яна бир Навоий керак эди аслида. Боқир эса Навоийни тадқиқ этибгина қолмаган, балки кашф этган. Тадқиқ этиш эмас, кашф этиш йўлидан борган. Ҳар бир боби бир номзодлик ишига арзигулик тадқиқот. Китобни қўлга олиб, ҳатто овқатланишдан ҳам қизганиб, бир ўтиришда ўқиб тугатиб, сўнг овқатланишга ўтирдим».

Албатта, қиблагохимнинг илмий камолоти, эл-юрт ўртасида шуҳрат топиши у киши мулоқотда бўлган, уни ўз бағрига олиб, катта мактаб вазифасини ўтаган ўзига хос илмий-адабий муҳит, катта ҳаёт мактабининг самараси эди. Бу - Ҳабибий,

Махжурий, Сайфий, Анисий, Улфат, Хуррам, Ҳошимжон Раззоқ, Восит Саъдулла каби қаламкашларни, Аббос Бакиров, Комилжон Жабборов, Қосимжон Охунов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Йўлдошбой Кийиков, Гуломжон Ҳожиқулов, Маҳмуджон Қодиров сингари санъаткорларни, Ғанижон Абдуллаев, Сайфиддин ҳожи Жалилов, Абдумажид Абдуллаев, Фатҳиддин Исоқовдек олимларни ва бевосита қалам тебратмасаларда, адабиёт, санъатни нозик ҳис қилувчи, илмий мушоҳадада ҳар қандай илм аҳли билан баҳслаша олувчи Эшон Саид ака Шаҳобиддинов, Солижон қори ака Восилжонов, Аҳмадрафиқ Қамбаров, Султонхон Фозилов каби ўз даврининг зукко кишиларини атрофига бирлаштирган Андижон адабий муҳити эди. Шунингдек, улар дўстлик ришталари билан боғланган Ғафур Гулом, Собир Абдулла, Тўхтасин Жалолов, Мақсуд Шайхзода, Эркин Воҳидов, Иброҳимжон Ғофуров, Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Воҳид Абдулло, Ботирхон Валихўжаев, Шавкат Шукуров, Бокий домла, Мунирхон Муинзода, Чархий домлалар иштирок этган Тошкент, Самарқанд, Хўжанд, Қўқон илмий-адабий муҳитлари эди.

Шубҳасиз, дадамнинг республикамиз илмий-адабий доираларида ҳам танилиши, кенг жамоатчилик эътиборига тушишлари, Тожикистон, Қирғизистонда ҳам эътироф этилишлари Андижон илмий-адабий гурунги иштирокчилари томонидан тез-тез уюштириб туриладиган «ўтиришлар», Сайфиддин ҳожи ака Жалилов ибораси билан айтилганда, «Нафис мажлислар» самараси эди.

Тошкентлик олим Муҳаммаджон Воҳидовнинг мактубидан:

«Ассалому алайкум, ҳурматли дўстим Амонуллохон!

Сиз зоти олийларига ва Сиз орқали барча андижонлик биродарларимга саломимни юбормоқчиман.

Амонуллохон, ҳали хотирамдан Ўшу, Андижондаги ажойиб суҳбатлар заррача хиралашгани йўқ. Жуда ажойиб таассуротлар билан қайтдим. Сизларга минг раҳмат!..

...Агар янглишмасам, Зокиржон Фурқат бир ерда шундай деган экан:

*Одам эрмас ҳар киши, гар айламас ёд Андижон,
Чўх мусофир хотирин айлаб турар шод Андижон.
Умри кечсин дашт аро мажнун каби ул кимсанинг,
Қадрига етмай, этар ўлса ёмон от Андижон.*

Ҳақ айтган гап экан. Чунки Андижонда бир марта бўлиб, андижонликлар билан суҳбатда бўлган одам умрининг охирига қадар унутмайди!

Салом ва эҳтиром билан: Муҳаммад Воҳидов.

22. 12. 1970.»

Деярли ҳар ҳафтада, турли манзилларда қанда қилинмай ўтказиладиган бу «нафис мажлислар»да катта эътибор шеърхонликка, мушоараларга қаратилар, оралиқда бўлиб турадиган мусиқий лаҳзалар шеърхонликдан жунбушга келган қалбларни ўз сеҳрлари билан жиловлагандай бўлар, кетидан турли мавзуларда илмий, шеърий баҳслар, фикр алмашувлар бўлар, ибратли ҳикоялар ўртага ташланиб, ҳар ким ўзи кўрган, эшитган қизиқ-қизиқ воқеаларни ҳикоя қилардилар.

Андижон адабий гурунгининг ўзига хослиги, назаримда, уларда турли мавзулардаги мушоараларга кенг ўрин берилганлигида, унда ҳикоя қилинаётган воқеаларнинг мавзу-мазмун кўламининг кенглигида ва ижрочиликдаги маҳоратида ёрқин намоён бўлар эди.

1944 йили август ойида таниқли опера артисти Саттор Ярашевнинг Ғафурахонга уйланиши муносабати билан қуйидаги мушоара яратилган:

*Бу Ғафурахон ва Саттор Ярашевларнинг тўйлари
учун хурсандлик садоси ва базм гулистони таърифиди
ошуфта булбулларнинг лаҳну навоси.*

Улфат: Шарафли тўй бугун, аҳбоблар, мастонавор ўйнанг,
Тузиб хурсандлик базмини, диллар беғубор ўйнанг.

Боқий: Олиб қўлларга нозик созлар, овози хуш бирлан,
Чолиб ноз офаринлиқ куйида чанггу,

рубоб, ўйнанг.

Боқир: Муҳаббат гулшанида ғунчаи васл очилур чоги,
Етишди бу маҳал, гўё эрур фасли баҳор, ўйнанг.

- Маҳжур:** Тутарлар шодликнинг бодасин гул юзли
жононлар,
Қулиб кайфу сафолар, олмайин бир дам қарор,
ўйнанг.
- Улфат:** Икки севган кўнгуллар бирлашур бу саъд¹ соатда,
Кўрунсин шодлик акси, бўлиб ойинадор ўйнанг.
- Сайфий:** Бири тўтйи шаққарлаб, биридур булбули
хушхон,
Икки ёш бир бўлиб, даврон гули боғ ичра бор
ўйнанг.
- Хуррам:** Икки хушхон бўлиб жўр, мунча ҳам яхши
ярошибдур,
Яшашсин кўп замонлар қўша қариб барқарор,
ўйнанг.
- Ҳабибий:** Бу тун Боқий, Ҳабибий, Улфату, Маҳжур ҳам
Хуррам,
Яна Сайфийю, Боқир, айтиб-айтиб ёр-ёр, ўйнанг.
- В август, 1944 йил.*

1946 йили Ғафур Ғуломнинг Яшар ва Ўзар исмли фарзандлари вафотлари муносабати билан ёзилган марсия-мушоара ҳам «нафис мажлислар» иштирокчилари ҳақида тасаввур ҳосил қилувчи ҳужжат бўлиши мумкин:

- Улфат:** Биродар, ажрамишсан бемаҳал фарзанди
жонингдан,
Ҳаётинг лаззати, лаъли лаби шаққарфишонингдан.
- Анисий:** Фалак золим сенинг фарҳунда² аҳволингни
рашқидан,
Айирмушдир Яшар бирлан Ўзардек қаҳрамонингдан.
- Маҳжур:** Вужудинг осмонидан тушиб ерга Куну Ойинг,
Ики нури уёқмиш,³ оҳким, ному нишонингдан.
- Мунир:** Жафожў, бемурувват марг ҳайликим қароқчидур,
Ики гул гунчани торож этибдур бўстонингдан.

¹ саъд - қутлуғ, бахтли

² фарҳунда (ф)- бахтли, саодатли, қувончли

³ уёқмиш - ботмиш

- Улфат:** Ўлумнинг сарсари йиқмиш ики нозук ниҳолингни,
Олиб кетмиш қилиб бедод иккисин икки ёнингдан.
- Хузурий:** Бири булбул, бири тўти эди боғи умидингда,
Фигонким, айрилибсан хушнаво ширин
забонингдан.
- Сайфий:** Синиб тушмиш қанотинг ногаҳон теккач ажал тоши,
Учиб шунқорлар бу қадри олий ошиёнингдан.
- Боқир:** Тириклик маркабини¹ шодликларга етакловчи,
Жилвдорингни элтибдур қазо илги инонингдан.
- Ҳошим:** Етим бир бўтадекким, бўзламишсан ун чекиб
маҳзун,
Ажал яғмогари бевақт айирмиш карвонингдан.
- Маҳжур:** Эшитгач бу хабар аҳбоблар мотамда ўртандик,
Табий, тушди учқун бизга ҳам ўтли фиғонингдан.
- Маҳжур:** Сенинг суйингни ўйлаб, дийдадан хуноби ҳасратлар,
Тўкармиз барчамиз, чунким муҳибби²
жонажонингдан.
- Сайфий:** Қадинг ҳам бўлмасин мотам юкидан, кўзларинг
пурнам,
Кўзинг нури кетиб, ҳам айрилиб сарви равонингдан.
- Маҳжур:** Мураккабдур жаҳон авзои фарҳат бирла қайғудан,
Бу маъни маҳфий эрмасдур маҳакки³
имтиҳонингдан.
- Мунир:** Тулуь⁴ этса неча порлоқ кавокиблар⁵ ажаб эрмас,
Ики юлдуз агар учди тириклик осмонингдан.

¹ *маркаб (а) - улов*

² *муҳиб (а) - севувчи, дўст тушувчи*

³ *маҳак (а) - қумуш ва олтинларга суртиб, уларнинг тозалигини ажратадиган тош*

⁴ *тулуь (а) - чиқиш, кўриниш, балқиш.*

⁵ *кавокиб (а) - юлдузлар.*

Хуррам: Бериб мотамларингга хотима, соғ бўл ўзинг
йиллар,
Эшитмай мунглиғ ун минбаъд аҳли хонадонингдан.
Маҳжур: Сепиб сув баҳри илмингдан мусибат оташин
сўндир,
Вагарна ўртанур дунё сенинг доғи ниҳонингдан.
Мунир: Мусибат тарихи чун навҳа¹ бирла оҳ чекдиким,
Кесилди васл йўли ахтари² бахт иқтиронингдан³.
Улфат: «Фироқинг гами»дан жабр чекконинг бўлиб
тарих,
Қилур бу рамзни изҳор табъи нуқтадонингдан.
8 май, 1946 йил.

Дадамнинг архивларида академик Воҳид Абдул-
лонинг бир мактуби сақланадики, у билан танишиш
қиблагоҳим мансуб гуруҳнинг илм аҳли, шеърят му-
ҳиблари, давралардаги мавқелари нечоғлик эканлик-
ларини тасаввур қилиш имконини беради:

«Андижон анжумани кунларида қоғозга туширил-
миш ушбу тухфаи ночиз мулло Амонулло дўстимга
хотира!

Ҳурмат билан камина мулло Воҳид Абдулло Са-
марқандий.

*Қадимий ўзбек ўғлон шаҳрлардан Андижондир бу,
Қадим бобо, қадим момо, қадимлардан нишондир бу.
Қадимлардан қамал қаттолида қақроқ эди юртим,
Бугун озоду обод, офарин, ороми жондир бу.
Оқарда оби замзам ортиқ энди мақтанолмайдир,
Баҳодир баҳр бунёди жавоҳирларга кондир бу.*

¹ навҳа (а.) - мунгли йиғи, нола.

² ахтар (ф.) - юлдуз

³ иқтирон (а.) - яқин келиш, йўлиқиш, учрашиш.

*Йигитлар сервиқору, қизлари лочину, қамчинму,
Оқ олтин ўлкасин карвонларига сорбондир бу.
Саҳарларда чаман сайр ахтариб сарсон кезиб*

юрманг,

*Қадамда настарин, нарғис, атиргул бўстондур бу.
Фидойи меҳнатидин мақсади ҳосиллигин ёзсам,
Неча дафтар, неча девонга сигмас дostonдир бу.
Ярашмиш суҳбат аҳлига суҳансанжлик чуноноким,
Дудогидин табассум тушмагай, ширин забондир бу.
Амонулло, Азим, Улфат, Фани, Фаттоҳ, Ғулам,*

Хуррам,

*Дилоро базми назмида газалхон, нуқтадондир бу.
Ғазалларким Навоий, Бобуру Машраб, Ҳабибийнинг
Тилидан зоҳир ўлмиш, дилда нақши жовидондир бу.
Тасанно, Воҳидо, таҳрир этурда уқтириб айтгил,
Жаҳони жони жонинг Андижонинг - Андижондир бу».*

Қиблагоҳимнинг таниқли кишилар билан бўлган шахсий мулоқотлари у киши илмий салоҳиятининг янги-янги қирралари очилишидагина эмас, дўстлари даврасининг кенгайишида, машҳурлик миқёсининг ортишида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Дадамнинг архивларидан:

«Ассалому алайкум, ҳурматли Амонуллохон ака!

Аввало сизга самимий биродарлик саломини йўллаб, сиҳат-саломатлик ва ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Сониян, дўстона мактубингиз ва холисона тақризингизни олиб ғоятда хурсанд бўлганлигимни изҳор қиламан. Мана, қимматли вақтингизни сарфлаб, «Йатимат ад-дахр»ни синчиклаб ва қунт билан ўқибсиз. Сизнинг ҳақингиздаги тасаввуримиз янада кенгайди. Жанобингизга жуда катта раҳмат. Сизнинг мактубингиз миллий маданиятимизга бўлган муҳаббатингиз нишонасидир. Ёзган фикр ва мулоҳазаларингиз ғоятда мазмунли ва тўғри. Ўйлайманки, бундан буён Сиз ва бизни қизиқтирадиган айрим илмий мав-



**Амонулло Валихонов
Боқир**



Боқир(2-қаторда, ўртада)нинг йигитлик даври.

1952 й.



Амонулло Валихонов 29-ўрта мактабда 10-синф ўқувчиси Шоввоз Ҳомидов (ҳозирда тиббиёт фанлари доктори, профессор) билан биргаликда геометриядан машғулот пайтида.

1957 йил



Ёш Боқир бир гуруҳ олимлар даврасида.

Биринчи қаторда ўтирганлар (чапдан): Ҳошимжон Раззоқов, Амонулло Валихонов.

Иккинчи қаторда ўтирганлар: (чапдан): Акрамжон Иброҳимов; Ҳоди Зарифов; Фафур Гулом; Порсоҳон Шамсиев; Собиржон Иброҳимов.

Турганлар (чапдан): Имоиддин Қосимов; Абдулаҳад Азизов; Тожибой (Наманган); Абдурашид Азизов (Анисийнинг ўгли);

1958 йил, 15 апрель, Андижон.



Андижон, 1979 й. февраль. Академик Воҳид Абдулло ва профессор Ботирхон Валихўжаевлар андижонлик ижодкорлар, олимлар даврасида.



Боқирнинг ҳамфикр суҳбатдошлари:

Ўлтирганлар (чапдан): Абдулҳамид Абдураззоқов (Хуррам); Тўхтасин Жалолов (адабиётшунос олим); Имоиддин Қосимов (Улфат);

Тик турганлар (чапдан): Саид Эшон ака, Ғанижон Абдуллаев; Амонулло Валихонов (Боқир)

1975 йил 24 июнь, Андижон.

зулар ҳақида фикр алмашиб турсак, бир-биримиздан мамнун бўлур эдик.

Тақризни «Гулистон»га юборган экансиз, уни рўёбга чиқарамиз. Меҳнатингиз учун яна бир карра раҳмат!

Ҳурмат ва самимият ила Исматуллоҳ ибн Абдуллоҳ¹.

24.05.1977.»

«Муҳтарам Амонуллоҳон!

Паҳлавон Маҳмуд рубойлари «Гулистон» журналининг шу йил 11-сонида босилади. Бу хусусда Асқаджон билан келишиб қўйдик². Бунинг учун таржималар 15 августгача менинг қўлимда бўлиши шарт. Таржима тамом бўлиши билан дарҳол машинкада уч нусха кўчириб, икки нусхани менга юборишингиз керак. Мен учун Андижоннинг хуштаъб, хуштавозе ва ўктам йигитларига, яъни барча ёру дўстларимизга самимий салом топширинг. Ҳаммаларингизга сиҳат-саломатлик ва хушнудлик тилаб:

Тўхтасин Жалолов. 17.07.1975.»

Албатта, юқоридагидек нозик табиат, нуктадон кишилардан таркиб топган Андижон адабий, илмий муҳити қиблагоҳимга аждодларидан мерос бўлиб ўтган барча улуғворлик сифатларининг тўла рўёбга чиқишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Дадам ҳаётларининг сўнгги йилларида (1983 йилдан) Андижон адабиёт музейининг мудирининг сифатида иш бошлашлари ҳам у кишининг айрим яширин қирралари очилишида, ўз истеъдодларини тўла намоён қилишларида ўзгача имконият яратди.

Худди шу йилларда музей жойлашган Жомеъ биноси адабий марказга айланди. Ҳар куни бу ерга илм аҳли, шоирлар, санъаткорлар ва уларнинг мухлислари

¹ Исматулло Абдуллаев – филология фанлари доктори.

² Асқад Мухтор – «Гулистон» журналининг бош муҳаррири.

йигиладиган бўлди. Андижонга йўли тушган таниқли кишиларнинг деярли ҳаммаси шу ерга жамланар, керакли кишиларни шу ердан топишиб, узундан-узоқ суҳбатлашар ва шундан кейингина мўлжалланган манзилга йўл олардилар.

Музейга бош сақловчи сифатида ишга қабул қилинган Солижон қори ака Восиджоновнинг ишга зрта келиши барча ўртоқларнинг шу ерга тўпланишиб, биргаликда нонушта қилишлари учун баҳона эди. Эрталаб бошланган «нонушта» кўп ҳолларда кечга қадар давом этарди.

Солижон қори амакимнинг маслаҳатлари ва қиблагоҳимнинг тинимсиз ҳаракатлари, фидойиликлари билан Андижон адабиёт музейи кўрғазмаси деярли қайта жиҳозланди, янги-янги манбалар, маълумотлар билан бойитилди. Маҳаллий шоирларнинг мерослари тўпланди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ғ. Абдуллаев ва тарихшунос олим Сайфиддин ҳожи ака Жалилов хотираларидан:

«Андижон адабий муҳити, Андижон адабиёт музейи ҳақида гап кетса, кўпчиликнинг кўз ўнгидан ҳаракатлари юмшоқ, қарашлари ювош, камсуқумлик билан жилмайиб жавоб берувчи олим Амонулло Валихонов ўтади.

Зукко олим, нозиктаъб шоир Амонуллохон Андижонда Бобур номидаги адабиёт музейини ташкил этиш борасида иқтидорли ташкилотчи эканини намоён этди...»

* * *

Ибрат:

*Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўлдан сўр,
Зилоли завқ шавқин ташнаи дийдор ўлдан сўр.*

(Фузулий).

Қиблагоҳим Фузулийнинг юқоридаги байтини умрларининг сўнги даврларида тез-тез такрорлаб турар эдилар.

Дадам шифохонада узоқ ётиб даволандилар. Дўстлари шифохонада ҳам, уйга келганларида ҳам ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилдилар. Қўлларидан келганича кўнгилларини кўтаришга, ҳазил-мутойибалар билан «дарддан йироқлаштиришга» ҳаракат қилдилар. Бундай пайтларда қиблагоҳимнинг ўзлари ҳам ҳазил-мутойибаларда иштирок этишга уринар, дарднинг оғирликларидан озор чекаётганликларини сездирмасликка, дўстларига таскин беришга интилардилар.

1986 йилнинг декабр ойлари эди. Қосимжон ака Охунов ўзлари бир оз бетоб бўлганликлари сабабли, дадамдан хабар олгани кела олмаган эдилар. Шунинг учун ўзларини дуруст сезишлари биланоқ дадамга кўнгироқ қилиб узр сўрадилар:

- Шамоллаб қолганлигим учун ҳузурингизга бора олмаяпман.

Дадам шу пайт у кишининг лақабларига ишора қилиб¹:

- Кеча қалин қор ёғиб, болалар билан узоқроқ ўйнаб қўйибсиз-да! Эҳтиёт бўлинг, яна қор бўрон остида қолиб, йўқолиб қолманг,-дедилар.

Бу ҳазилдан икковлари мириқиб кулишгани эшитилиб турарди.

Шу суҳбатнинг эртасига дадам кома ҳолатига тушиб қолдилар. Шифокорларнинг қаттиқ саъй-ҳаракатлари сабаб, уч кундан сўнг яна бир оз ўзларига келдилар. Бундан хабар топган дўстлари дадамни кўргани келдилар.

Шу кунлари Қосимжон ака ҳам ўзларини тузалган билиб, Улфат домла, Саид Эшон акалар билан биргаликда хонадонимизга файз киритдилар. Дадам уларни кўрдилару, ўзларини дадилликка солиб,

¹ Қосимжон Охуновнинг лақаби «ёш бола» эди.

ўринларидан турдилар, меҳмонларга пешвоз чиқмоқчи бўлдилар. Шунда Қосимжон ака дадамни тўхтатиб:

- Таксир, ўринларидан турмасинлар, уриниб қола-дилар. Уша ерга «чўккалай қолсинлар», - дедилар.

Дадамнинг лақабларига ишора қилиб¹ «чўккалай қолсинлар» дейилиши ўртада самимий кулгу уйғотди. Кўзимизга дадам ўз аслларига қайтгандек, дардлари чекингандек кўринди. Бу суҳбатдан кейин дадам ўзларини анча енгил ҳис қилдилар.

Назаримда, қиблагоҳим бетоб ётганларида «дўстлар васли» қудратини бошқаларга нисбатан теран ҳис қила олган эдилар. Ўз дўстларидан миннатдор эдилар. Шу билан бирга дўстлари хизматларини ўзи истаганича қила олмаганидан афсусланиш, армон акс этиб тургандек эди.

Қиблагоҳимнинг меросларини кўздан кечирар эканман, у кишининг қаламларига мансуб ушбу газал диққатимни тортди:

*«Бу касаллигим муносабати билан жондан
азиз дўстларга узрнома,
Гарчи уни ёзишда ожизлигини намойиш
айлади қўлимдаги хома.*

*Қилди ҳужум танамга ажаб бедаво касал,
Ётқизди қўйди, кучни олиб ўтмайин ҳаял.
«Дорини кўп ичиш, дедилар, дардинга сабаб»,
«Хайрул ӯмури авсатуҳо²!»-эрди кўп гўзал.
Бағримга урди найзасин дард лошқари,
Тешди жигарни дард ўқи, йўл топғали ажал.
Баргин тўйишга-ю, ҳашаротин этишга дафъ,
Ҳар не сочилса пахтага, менга пичоқ мисол.*

¹ Амонуллоҳоннинг лақаби «бузрук» эди.

² «Ҳар ишнинг ўртачаси яхши» - ҳодис.

*Ҳозиқ табиблар неча заҳмат чекишдилар,
Дардим иложин этгали маҳкам қилиб багал.¹
Жон дўстларки, саъю² таважжухлари³ ила,
Дардим шифосин тилашур эрди ҳар маҳал.
Кўбдан таважжуху ҳаракатлар натижаси,
Соғлиқла дард ўрин талашурлар адал-бадал.
Боқир, де шукр токи тириксан, умид этиб,
Бергувчи дард, берса давосин, ажаб матал.
Жондин азиз дўстларим, афв этинг мени,
Ки сусту нодуруст эса ҳам битдим бу газал.*

1986, ноябр.»

1986 йилнинг ноябрида битилган бу газал қиблагоҳимнинг ўзларига чиқарган ҳукми эди.

Зеро, бу пайтда у киши руҳиятлари умид ва умидсизлик курашлари гирдоблари орасида эди. Ўзларига қанчалик таскин бермасинлар, атрофдагилар бу дарднинг ўткинчи эканлигига қанчалик ишонтиришга ҳаракат қилмасинлар, яғмогар хасталикка қарши чорасизлигини ҳис қила бошлаган эдилар.

Бу «чарх кажравлиги»ни енгиб, ўзи хоҳлаган тарзда ҳаёт кечириш имкониятини ярата олган, иқболини дўстлари даврасидан қидирган ва фақат ўша ерда топган кучли ирода соҳибининг «тақдир ҳукми» олдида ўз ожизликларини эътироф этишлари эди.

Мана бу эса дадамнинг энг сўнги ёзган газалларидир:

*Жаҳонга кимки келмиш-кетмаги охир муқаррардир,
Келиб-кетмак русуми барча инсонга баробардир.*

¹ багал (ф.) - қўлтиқ, қўйин

² саъй (а.) - астойдил ҳаракат, ғайрат.

³ таважжух (а.) - юзланиш, хайрихоҳона қараш

*Келиб, кўймоқ қадам тенгдир қадам кўймоққа кетмакка,
Келиб-кетмак, келиб-кетмак, келиб кетмак саросардир.*

*Жаҳонга нега келмиш? Мақсадин билсин аниқ ҳар ким,
Буни ким билмагай, кўнгли анинг доим мукаддардир¹.*

*Келиб-кетмакда маъно йўқ, агар беманфаат бўлса,
Ватан, эл нафъин йўлаш яхши инсоний сифатлардир.*

*Нечунким, тарбият айлар Ватан-эл одам авлодин,
Кишининг эл-Ватан меҳри билан кўнгли мунаввардир.*

*Элу-юрт ўз жигарбандин қилурда тарбият, гўё -
Берувчи санъати олтун-қумушга жилва заргардир.*

*Ватан - эл қилган ўз фарзандига бу меҳрибонликлар
Жигарбандин дилида ишқ ўтин ёқувчи аҳгардир².*

*Садоқат-ла Ватанга - элга хизматга белин боғлар
Ватан ишқин дилида сақлаган эр, гар диловардир.*

*Элу - юртга садоқат зоҳир айлаш-айлаш инсонлик,
Бунга ким арзимас-ул арзимас эрликка, астардир.*

*Бу ерга токи келди, эл-Ватанга айласин хизмат,
Кўнгулни тоза тутгай, кимки бу ишга сафарбардир.*

*Зарурат бўлса Боқир, эл - Ватан йўлида жонинг бер,
Бу хил раҳравга мангуликнинг авжи чун муяссардир.*

30 ноябр, 1986 йил.

1986 йил декабрнинг 27 сида қиблагожим руҳлари омонат жасадларини «Бобо Саъдиддин» қабристонига

¹ мукаддар (а) - қирланган, хираланган, гамли.

² аҳгар (ф) - ёниб турган олов, лашча чўз

қолдириб, боқийлик дунёсига, абадий барҳаётлик оламига парвоз қилди...

Дафн маросимидаги дил изҳорлари:

Профессор Ғанижон Абдуллаев:

«Амонуллохон бирор одамга қаттиқ гапириб кўнглини қолдирмаган, бирор кишини хафа қилмаган, хушмуомала, хуш хулқ инсон эди. У ҳаммага фақат яхшилик қиларди. Ҳаммага наф етказгиси келар эди.

Вилоятдагина эмас, республикада, ҳатто бошқа республикаларда ҳам уни чин дўст сифатида қадрлар эдилар. У ўта билимдон, зукко олим, нозик табиатли шоир эди. Бир сўз билан айтганда, у энциклопедист олим, «халқ академиги» эди.

У шогирдлари қалбида, ёзган китоблари саҳифаларида, шеърлари мазмунида абадий яшайди».

Фатҳиддин Исҳоқов:

«Агар бошқа вилоятларга борганимизда, бизларни у ердагилар танимасалар, «биз Амонуллохоннинг дўстлари бўламиз» десак, дарҳол ҳурмат билан, иззат-икромлар билан бизларни қабул қилишар, меҳмондўстликни ўрнига қўйишар, бир пиёла чойсиз жавоб бермас эдилар. Андижон аҳли жуда катта жудоликка учради. Ҳаммамиз учун азиз, ардоқли бўлган Амонуллохонни сўнгги йўлга кузатяпмиз».

Иқтисодчи олим Ҳасанохун Мусаев:

«У чин маъноси билан аҳли дониш тўраси бўлганлиги учун ҳам ҳаммага ардоқли, ҳурматли эди. Энг афсусли томони шуки, шунчалик ақлу заковат, билим, донишмандлик тупроққа кўшилиб кетди».

Бу «Дил изҳорлари»ни вақтлар ўтиб, хотиротлар ичидан топиб олиб кўздан кечирар эканман, хаёлан Ҳасанохун Мусаевга эътироз билдирган бўламан: «Йўқ! Ақлу заковат, билим, донишмандлик тупроққа кўшилиб кет-

майди! У авлодлари қонида, шогирдлари заковатида, дўстлари хотирасида қайта ҳаёт бошлайди. Унинг муҳиблари, мухлислари тирик экан, унинг номи улар билан абадий яшайди, уларнинг ҳаёлий суҳбатдоши сифатида, уларга «ҳаёт сабоғи»дан дарс беришни давом эттиради».

Шоир Улфат:

Азиз ва мўътабар олим, баланд истеъдодли шоир, нафис табиатли муаллим, қадрдан укахоним Амонулло Валихонов вафотига

ТАЪРИХ - МАРСИЯ

Минг таассуфким, бу кун бизларни мотамда қўйиб,

Ўтди оламдин ажойиб фазл аҳлин сарвари,

Соҳиби илми ладун эрди, бағоят покўй,

Обрў топган эл ичра илм элин сардафтари.

Шеър илмин номдори, зеҳни равшан кун каби,

Наср дунёсида гўё эрди меҳри ховари¹.

Эрди устоди Навоий, ҳам Фузулий шеър аро,

Хотирида ёд эди ашъорларининг аксари.

Хулқ-атвори мулойим, сўзлари жондек лазиз,

Нутқи гавҳарпошига ошиқ эди элнинг бари.

Дарсгўйлик қилди фанлар боргоҳи ичра кўп,

Топди зийнат сўзларидан илм элининг минбари.

Маҳзани меҳру вафо эрди кўнғил ганжинаси,

Олами инсоният ичра садоқат заргари.

Асл зоти шахзода, фикри олий ижтиҳод²,

¹ меҳри ховари (ф.т) – Шарқ қуёши, қуёш

² ижтиҳод (а.) – интилиш

*Ҳимматин олдида паст эрди жаҳон сийму зари.
Эл аро номи Амонullo, ўзи покиза табъ,
Назм аро Боқир лақаб, ашъор элин тожи сари.
Бедаво дардга гирифтаорликда чекди ранжлар,
Бўлди ожиз дафъига бул кун замон ҳозиклари.
Олтмиш уч ёшида кўз юмди жаҳонни тарк этиб,
Айлади умрин ҳазон бераҳм ажал горатгари¹.
Илм қомуси эди, афсус, минг афсуским,
Борди тупроқ кўйнига бундоқ билимнинг пайкари.
Ёнди мотам ўтида дўстлар, бари фарзандлар.
Кулга айлантирди жонни бу жудолик аҳгари².
Келмоғу кетмоқ эмиш инсонга қонунни азал,
Сабрдин йўқ ўзга чора, биз қадарнинг чокари³.
Минг тўққиз юз саксон олти эрди милодий сана,
Охири эрди декабрнинг, юмилди кўзлари.
Фавти тарихин ёзарда Улфатий қилди савол,
Ақл пиридин не деб тарихи мотам парвари.
Фазл элининг суҳбатидин деди ул узгач «нигоҳ»
Бўлгуси тарихи фавти⁴, «Фазл аҳлин сарвари».*

Андижон, 1407 ҳижрий.

¹ горатгар (а.-ф.) - талончи, ҳужум қилувчи

² аҳгари (ф.) - чўга

³ чокари (ф.) - хизматкори

⁴ фавти (а.) - вақти

ХУШ КЕЧАР УМРИМ МЕНИНГ...

Ҳикмат:

*Сен менга дўстларингни кўрсат, мен сенинг
кимлигингни айтаман.*

Ибрат:

*Эй кўнгил, ёр эт ўзингга қадрлик дилхоҳ¹ дўст,
Сен билан ҳар ишда бўлсин жон каби ҳамроҳ дўст.
Бўлса чин дўстинг ҳамиша қайғудан озад сен,
Ёвса гам борони бошга, дафъига ҳиргоҳ² дўст.
Эҳтиёт эт, дўст танлаш чоги жамъият аро,
Бўлмасин сенга яқин, гофил топиб гувроҳ дўст.
Дўсти нодондан зийрак душманни афзал дейди халқ,
Айлагай душман ишини, бўлса нодон гоҳ дўст.
Қўнса бошингга Ҳумо, бахтингга мағрур бўлма, ҳеч,
Бўлмаган ҳеч кимсага бу мансаб ила жоҳ³ дўст.
Молу, мансабга биров дўст бўлса қилма эътимод,⁴
Кўрсатур гарчи ўзини сенга давлатхоҳ дўст.
Дўстларнинг суҳбатидан топдинг, Улфат, эътибор,
Шукр қилким, суҳбатингдан қилмади икроҳ⁵ дўст.*

ДАДАМНИНГ ДЎСТЛАРИ

Қиблагоҳимнинг ажиб бир одатлари бор эди. Қачон хо-
надонимизга улфатларини таклиф этган бўлсалар, кайфият-
лари кўтарилиб кетар, қилинаётган тайёргарликларни зимдан
кузатардилар-да, ўзларича Собир Абдулланинг:

¹ дилхоҳ (ф.) - дил тоҳлаган

² хиргоҳ (ф.) - чодир

³ жоҳ (ф.) - амал, мартаба

⁴ эътимод ёки иътимод (а.) - ишониш, ишонч, суюниш

⁵ икроҳ (а.) - жирканиш, нафратланиш.

*Хуш кечар умрим менинг чин дўсту аҳбоби билан,
Дўсту аҳбобим азиз ахлоқу одоби билан.*

матлаъси билан бошланувчи газалини хиргойи қилишни яхши кўрадилар.

60-йилларнинг бошларида яратилган бу газал ўз даврида машҳур бўлиб кетганлиги учун уни тўла келтирмам:

*Хуш кечар умрим менинг чин дўсту, аҳбоби билан,
Дўсту аҳбобим азиз ахлоқу одоби билан.*

Ошноларсиз гўзал боғу, чаманни на қилай?

Завқсиз ўтгай куним, бор айш асбоби билан.

Қадру қимматлар ҳарорат бахш этиб дўст қалбига,

Доимо кўнглим ёритгай меҳрининг тоби билан.

Топмасанг бир яхши дўст, бедўст ўтган яхшироқ,

Бўлма дўст ҳаргиз кишининг кўнгли қаллоби билан,

Бўлмагай хурсандлигим бедўст, ўртоқ боғ аро,

Базм агар бошланса ҳам Ҳайём майи ноби билан.

Бир нафаслик яхши суҳбатга сотурман, ким олур?

Масжиду тоат ибодатларни меҳроби билан.

Ишқдан қайтаргучи гар юз китобдур, мақтама,

Тенг эмас ҳаргиз муҳаббатноманинг боби билан.

Ёт агар қўй сўйса ҳам йўлингга, Собир, бормагил,

Дўст ила суҳбатни туз, ёвғону, ардоби билан.

Назаримда, бу газал дадамлар ва дўстлари учун ёзилган эди. Чунки, Собир ака Андижон театрига адабий эмакдош бўлиб хизматга келган дастлабки кунлариданоқ, бу ердаги адабий гуруҳ билан боғланган ва уларнинг ажралмас ҳамсуҳбатига айланган эдилар.

Самимият асосига қурилган бегараз, беминнат бу дўстликнинг меҳр-оқибат, ибрат қилиб кўрсатишга арзийдиган жиҳатлари кўплиги учун ҳам бу шеър у кишининг андижонлик дўстларига бўлган садоқатлари изҳори сифатида катта аҳамиятга эга.

Самимий дўстликнинг аҳамиятини дадамини тупроққа қўйиб келганларидан кейин, кўчамизнинг бошидан бир одам фарёд чекиб келаётганликларини кўрганда илк бор туйганман. «Фарёд чекиб келаётган бу одам ким бўлди экан?» - деб турганимизда, дарвозадан дадамнинг яқин

қадрдонларидан Сайфиддин ҳожи ака Жалилов кириб келди-да, дадам ётган жойга юзларини босдилар ва чуқур, дардли изтироб билан, кўз ёшларини тўхтата олмай: «Менинг Амонуллохон дўстим қани?! У бизларни ташлаб кетдими?! Мен дўстимни охирги йўлга кузата олмай қолдим-ку!» - дея афсуслар чекдилар.

Маълум бўлишича, у киши дадамнинг қазоси етган пайтларда бошқа жойга кетган бўлиб, дафн маросимидан беҳабар қолган эканлар. Уйларига келибдилару, нохуш хабарни эшитибдилар ва тўғри бу томонга йўл олибдилар. Шу кунни Ҳожи амакимлар бизларга қош қорайгунча қайғудош бўлдилар, ҳол-аҳвол сўраб келгувчиларни бизлар билан кузатишдилар.

Дўстга садоқат, дўст хонадонидагиларнинг қайғуларига ҳамдардлик қиблагоҳимнинг ўшлик дўстлари Муҳаммад Усмон ака Азизов томонидан ҳам ўзгача тарзда намоён этилди.

1987 йили «Хотира куни»да дадамнинг ётган жойларини зиёрат қилиб, уйга энди келиб турган эдик, Муҳаммад Усмон амаки келиб қолдилар. Бомдод вақтида бугун «Хотира куни» эканлиги эсларига тушибди-да, Ўшдан тўғри шу ерга келибдилар. Хорғинлик, узоқ дард тортган одамларда бўладиган ҳаракатдаги сустлик, нафас олишдаги нотекисликдан унинг бу ерга қийинчилик билан етиб келганликлари сезилиб турарди.

Маълум бўлишича, улар дадамларни «охирги йўл»га кузатиб кетгач, икки кундан сўнг инфаркт бўлиб касалхонага тушибдилар ва узоқ вақт даволаниб, бир кун аввал шифохонадан чиқибдилар.

У киши узоқ вақт тиловат қилиб, савобларини ўтганларга, жумладан, дўстларининг руҳи покларига бағишладилар. Сўнг бизларга таскин бериб, бир оз вақт гаплашиб ўтирдилар. Ўринларидан туриб, дўстининг қабрларини тавоф қилиш нияти борлигини айтиб, «Бобо Саъдиддин» қабристони томон йўл олдилар.

Шубҳасиз, Муҳаммад Усмон амакининг бу ҳимматлари ибратомуз, чин инсоний фазилат эди.

У кишини кузатиб туриб эдикки, бизлардан ҳол-аҳвол сўраб, устозини хотирлаб ўтиш учун Тошкентдан Маҳкам Маҳмудов икки ижодкор ўртоғи билан келиб қолдилар. Улар ҳам бизларга қўлидан келганича таскин беришга ҳаракат қилиб, устози қабрларини зиёрат қилиш ниятини айтиб, рухсат сўрадилар.

Шу куни ҳадсиз-ҳисобсиз кишилар қиблагоҳимни йўқлаб келдилар.

Кўз ўнгимда 50-йилларда бўлиб ўтган қуйидаги воқеа намоён бўлди.

Дадам қаттиқ хасталик билан шифохонага тушиб қолганларида Воҳиддин амаки (Аббос Бакировнинг жияни) бирор кунни қанда қилмай ҳар куни аввал шифохонага борардилар. Кейин Ойбувимлардан хабар олиш учун хонадонимизга келардилар. Дадамнинг болалиқдан дўстлари бўлган у киши бизникига келганларида, албатта, бизларнинг кўнгилларимизни кўтариб, дадамнинг сихат топаётганлигини айтардилар ва «Менга қандай хизматлари бор?» - деб сўрардилар.

Ривоят:

Луқмони ҳакимдан сўрабдилар: «Дўст неча хил бўлади ва қай бирлари садоқатда собит бўладилар?»

У киши жавоб қилибдилар:

- Дўст уч хил кўринишда намоён бўлади: «Кўз дўст», «қўл дўст» ва «қалб дўст».

«Кўз дўст» - фақат кўз кўзга тушганда дўстликни изҳор қилади. Ва бошқа пайтларда дўстини эсга ҳам олмайди. Бу - дўсти бевафо.

«Қўл дўст» - дўстликни мол-дунёга қараб қуради ва қўлда ҳеч вақо қолмаганда дўстини ташлаб кетади. Бу - хиёнаткор дўст, дўсти бебақо.

«Қалб дўст» - қалбинга дўст бўлади ва на мол-дунён, на унинг қошида бўлиш-бўлмаслигинг дўстлик риштасини уза олмайди. У борлиги билан сенинг мушқулотингни осон қилишга интилади ва ҳеч нарса тама қилмайди. Бу дўсти беминнат, дўсти бовафодирки,

улар билан дўстликнинг ришталарини абадийликка боғлаш, иккала дунёнинг саодатига эришишдир.

Ушбу хотиротлар баҳона дадамнинг дўстларини бир-бир хаёл кўзгусидан ўтказар эканман, уларнинг ҳам-малари «қалб дўст»лар бўлганлигига ишонч ҳосил қиламан. Улар қиблагоҳим вафотларидан кейин ҳам бизларни ташламадилар, имкон топишлари билан йўқлаб турдилар, кўнгилларимизни кўтардилар.

1997 йили аям фалаж бўлиб ётиб қолдилар. Бундан хабар топган дадамнинг укашонлари Махсумхон ака ва дўсти қадрдонлари Эшон Саидхон аканинг ўғиллари Заҳириддин аямдан хабар олиш учун келишди. Уларни кўриб аям ўзларини тўхтата олмай узоқ йиғладилар. Улар тасалли бериб: «Аллоҳ суйган бандасига дард берар экан. Хафа бўлмасинлар. Иншооллоҳ, дардини берган, шифосини ҳам ўзи беради», - дейишиб, аямнинг кўнглини бир оз кўтаришга ҳаракат қилдилар.

Қиблагоҳим Саййид Амонуллохон тўранинг кимлигини, албатта, у киши дўст тутинган кишилар қандай тоифадаги кишилар эканлигидан билса бўлади.

Дадамлар ўз дўстлари сифатида, аввало, Андижон адабий гурунги аъзолари Ҳабибий, Махжурий, Сайфий, Анисий, Улфат, Хуррам, Хошимжон Раззоқов, Восит Саъдулла, Азимий каби шоирларни, Аббос Бакиров, Қосимжон Охунов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Йўлдошбой Кийиков, Фуломжон Ҳожиқулов каби хофизу бастакорларни, зурафо аҳллари Эшон Саидхон ака Шаҳобиддинов, Солеҳжон қори Восиджонов, Султонхон Фозилов, Аҳмадрафиқ Қамбаров, Маҳмуд Қодиров, кўқонқишлоқлик мулла Муҳаммаджон қори ака, Ғанижон Абдуллаев, Сайфиддин ҳожи ака Жалилов, Фатҳиддин Исҳоқов, Фозилжон Икромов, Махсумхон Маҳсумов, Абдугани Ҳамидов ва улар билан гурунгларда иштирок этган қатор ҳарифлари ва улар орқали боғланган Тошкент илмий-адабий муҳитидан Ғафур Фулом, Собир Абдулла, Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Орифхон Ҳатамов, Тўхтасин Жалолов, Эркин Воҳидов, самарқандлик Воҳид Аб-

дулло, Ботиржон Валихўжаев, Шавкат Шукуров кабиларни билганлар.

Ҳикмат:

Фақат илм билан баландмас одам,
Аҳду вафо билан баланд паст одам.
Сўзи билан иши бир бўлса агар,
Ҳар нарсадан баланд, муқаддас одам.

Юқоридаги мисралар дўст танлашда қиблагоҳим эътиқодларига ҳамоҳанг эди. Улар учун дўстлик, аҳду вафо, сўз билан иш бирлиги, одамийлик муқаддас ҳисобланарди.

Дўстлик шартларига, аввало, у кишининг ўзлари қаттиқ амал қилардилар. Дўстларини йўқлашда, улардан хабар олишда фидойилик кўрсатардилар.

Тўхтасин Жалоловнинг «Бону» китобидан:

«Уш бозорига келганда Амонуллохон ўзбек анъаналарига мувофиқ ширмой нон, қанд, бодом, писта каби нарсаларни харид қилди-да, яна атрофга жавдираб қарай бошлади. «Ҳа!» - десам: «майиз керак эди», - деб қолди. Ҳолбуки, шу қандолатчининг ўзида олтин каби сап-сариқ кишмиш бор эди. Мен кишмишга ишора қилиб: «Бу бўлмайдими?» - дедим. Амонуллохон мийиғида кулиб:

- Йўқ, домла, қора майиз керак, - деди.

Ахтара-ахтара, ҳора майиз топдик. Лекин Амонуллохон: «25 грамм майиз тортиб беринг», - деб қолди. Бу гапни эшитиб, мен ҳам, майизфуруш ҳам ҳайрон бўлдик. Лекин майизфурушнинг ўзга чораси йўқ эди. У 25 грамм майиз тортиб берди. Мен Амонуллохонга савол назари билан қарадим. У:

- Сабр қилсинлар, бунинг сабабини кейин биладилар, - деди.

Шарафиддин ака бизнинг йўлимизга мунтазир эканлар, остонадан қадам қўйишимиз билан:

- Мозор босиб келган дўстлар дийдорини кўришдан бисёр мамнунман, - дея зарофат қилди.

Бизда «Мозор босган нон» деган таъбир бор. Ундай нон табаррук бўлади. Уни кўзга суртиб ейишди. Аммо «Мозор босиб келган дўстлар» таъбири тамом янги бўлиб, хушнуд кулгига сабаб бўлди.

Катта боғнинг ўртасида қурилган меҳмонхонага кирдик. Шарафиддин ака Амонуллохоннинг қўлидаги нарсаларни кўриб:

- Нега овора бўлдилар. Ахир дастурхон кўтариб юриш хотинлар одати-ку, - деб «койиб» берди.

Амонуллохон ҳам ҳазил занжирини бўшатмай:

- Эскиларнинг «мулла киши - хотин киши», деган мақоллари бор. Икки мулла бир бўлиб, бир аёлчалик иш қилган бўлсак, бизни маъзур кўрасиз, - деб жавоб берди. Яна кулги, чақ-чақ бошланди. Мезбон дастурхонга кириб кетганда, Амонуллохон 25 грамм майиз ҳақида сўз очди:

Фарғона йигитларининг қизиқ одатлари бор. Бир-бирларига лақаб қўйиб, чандишиб, аския қилишмаса, кўнгиллари тўлмайди. Қора майиз у кишининг лақабларига ишора. Аслида эса Мақсум акам (Шарафиддин акани дўстлари Мақсум ака деб аташарди) умрларида кўкнори ичган эмаслар. У киши кўпинча тафаккурга берилиб, хомуш ўтирадилар. Кўкнорининг сукутга кетиши билан Мақсум аканинг ана шу ҳолатида ўхшашлик бор. Шунга ишора қилиб, ҳарифлари унга «Кўкнори» деб лақаб қўйганлар.

Тўкин дастурхон ёзилди. Шарафиддин ака бизларга чой қўйиб бериб, ўз пиёласини лабига олиб борган ҳамон Амонуллохон «шошманг» ишорасида қўл кўтариб, ўрнидан қўзғолди. Шарафиддин ака ҳам турди.

Амонуллохон узр сўраган оҳангда:

- Хом сутган эмган банда-да, бир нарсани тамом нутибман. Сизга андижонлик ёру - дўстлардан тухфа келтирган эдим. Лутфан қабул этсинлар, - деб, ўн қават қоғозга ўралган бир нарсани Шарафиддин акага узатди.

Шарафиддин ака ҳанг-манг бўлиб, кутилмаган туҳфани оча бошлади.

Бу ўн-ўн икки дона қора майиз эди. Бирдан шундай қаҳ-қаҳа кўтарилдики, учаламизнинг кўзларимизга ёш тўлди.

Бу - сўзсиз аския эди. Лекин бу ҳақоратомуз, дилозор, яланғоч аския эмас, бегараз закийликнинг бир товланиши эди».

Дадамнинг дўстларига бўлган самимиятини тасдиқловчи яна бир одатлари у кишининг турли байрамлар, улуғ кунлар, айрим маросим муносабатлари билан эринмай табрик хати, шеър, телеграмма билан, ёки вақт топиб ўзлари шахсан муносабатларини изҳор қилиб қўйиш одатлари эди.

Жумладан, 1965 йил бўсағасида дадам ўша пайтда Тошкентда яшаётган Анисий домлага табрикнома йўллаганлар. Бу табрикномага 1965 йил 6 январда у кишидан жавоб хати олганлар.

Бу хат бевосита мавзуга алоқадор бўлганлиги учун уни тўлиқ келтирамыз:

С Новым годом!

*Боқиро, келди хатинг тилда «С Новым годом!»
Мени қутлаб бу янги йилда «С Новым годом!»
Сизга ҳам бу янги йил мен каби қутлуғ бўлсин,
Эски йилдек яна бу йилда «С новым годом!»
Келсангизлар йигилиб, байрам этарга дўстлар,
Шавқи суҳбат тўла кўнгилда «С Новым годом!».
Орзусида ширин суҳбатингизнинг доим,
Етар эрдим сизга ҳар йилда «С Новым годом!».
Бир гўзал ҳуснига мафтун ўла бормай қолдим,
Бели нозиклиги йўқ қилда «С Новым годом!».
Барча эл топди зафар меҳнат ила ўтган йил,
Янги йил байрами ҳар элда, «С Новым годом!».
Яна бир ёш қаридим деб, хафа бўлмаг, Улфат,
Яшаринг зоҳиру ҳам дилда, «С новым годом!».
Бўлингиз катта, Қосимжон ака, сиз ҳам ўйнанг,*

*Шару сурнайча тутиб қўлда, «С Новым годом!».
Қўйдингиз бир қадам олдинга яна, эй Боқир,
Тез юриш сиз каби йўқ филда, «С Новым годом!».
Дўстлар суҳбатига илгари кел, эй Хуррам,
Қувватинг бўлса агар белда, «С Новым годом!».
Ҳаммангизга тилагидир бу Анисийнинг: бўлинг
Бахту иқбол уза бир хилда, «С Новым годом!».*

1965 йил, 6 январь.

Мазкур табрикни олишлари билан дадам унга шундай жавоб ёзган эдилар:

*Келди хат Муллакадан «тил»да «С Новым годом!»
Барчани қутламоғи дилда, «С Новым годом!»
Севиниб, хатни олиб, кўп ўқидик хўп кулишиб,
Хат биринчи эди бу йилда, «С Новым годом!»
Бўшашиб парпашадек йўлда узоқмиш хатингиз,
Ўқилиб ёки неча тилда «С новым годом!»
«Чарху чармак, йигу дук, танда - таноб, найча-дудук»-
Деб, - ўчиргич, савату пилта - «С Новым годом!»
Ўқиёлмасдик ўқиб, не эканин унда радиф,
Русча ёзилмаса чернилда «С Новым годом!»
Эски йилларда эди ҳазил «С Новым годом!»
Ҳазил бўлди бу янги йилда «С Новым годом!»
Орзусида ширин суҳбатингизнинг доим,
Кутар эдик Сизни ҳар йилда «С Новым годом!»
Келмадингиз, йигилиб байрам этардик бирга,
Шавқи суҳбат тўла кўнгилда, «С Новым годом!»
Қутласак янги йилин, балки қабул айлар ўшал -
Бели нозуклиги йўқ қилда, «С Новым годом!»
Бўлди бир анъана йил бошида табрик айлаш,
Бизда бор, лек йўқ «Инжил»да «С Новым годом!»
Қутламоқ бирни бири расм бўлибдир - дейлишиб,
Мақсадин сидқ ила, ҳар элда «С Новым годом!»
Кўнгли ёшдек, ўзи кексарса-да, Қосимжон ака,
Тонги концерт ҳали ҳам тилда «С Новым годом!»
Кексалик кайфини сурмоқда Имоиддин акам,
Яшариб зоҳирию дилда, «С новым годом!»*

*Қош кериб, ҳаммадан аввал гапириб сўхбатда,
Хуррам этмоқда кучи белда «С Новым годом!»
Биз даги илгарига битта қадам қўйдик, то
Бўлмагай бунча қадам филда, «С Новым годом!»
Сизга соғлиқ ила бахт истағувчи дўстларингиз
Кўнглида мақсади бир хилда, «С Новым годом!»
Гап уланди, кечиринг, ҳазил учун Боқирни,
Ҳазил бўлди янги стилда, «С Новым годом!».*

1965 йил, 6 январь.

Мана бу эса дадамга шоир Фафур Гуломдан келган ҳазил тарзидаги манзумадир.

(Изоҳ: Дадам бу улкан алломани гоят ҳурмат қилганлари учун ҳовлимизда етишган анор, беҳиларга писта қўшиб посилка жўнатганлар. Аммо улар маълум сабабларга кўра юборилган одамга ўз вақтида етиб бормай, почтахоналарда уч ойдан ортиқроқ вақт давомида туриб қолган ва яроқсиз ҳолга келгандан кейингина, Фафур амакининг қўлларига етиб борган).

«Амонуллохон Валихоновга.

Ҳурматли Амонуллохон!

Беҳад ва бепоён саломдан сўнг биз учун тортган машаққатингиз учун ташаккур айтишга ижозат беринг. Биз учун юборган совгаларингизни бугун 23 февралда бориб олдик. Яшик устида адрес аниқ ёзилган бўлса ҳам, қвитанцияда «Ташкент, Гулямову» дебгина ёзилган экан. Яшик омборда, қвитанция кассирда, кимга аталганлигини билмай қарийб уч ой қолиб кетибдур. Вокзалда ишловчи бир қўшнимиз хабар топиб келди, бориб олдик, сўнгра қуйидаги мазмунни таҳрир қилдик. Манзума будур:

*Аввало Сизга ва ёронларга кўпдан кўп салом!
Доимо бўлсин дилингиз шоду дастингизда жом.
Дўст кўнглин овламоққа шунчалар ҳурмат билан,
Пешкаш қилган экансиз, дастрас бўлди тамом.
Гарчи биз бу хушxabардан таппа тақ уч ой кейин,
Яъни февраль охирида, бул ажаб топдик паём.*

Чунки Анжон бирла Тошкентнинг ароси бу сафар
Роп-расо қиш умрига тенгдаш бўлиб қилмиш давом.
Сиз багажга юкни топширганда қиш кирган эса,
Бизга теккан чоғда қиш юк тангибон қилмиш хиром.
Билмадим, қандай чатоқлик ўртада юз бергану,
Юк багажний искаладда тўхтаган, хуллас калом.
Қун кеча бир йўл тасодифан билиб қолдик қаранг,
Кимни ҳам бу ишда айблашга деёлмай миму лом.
Шунчалик ҳам содда, бепарва бўлурмикан киши,
Тақсирим, лозим эди икки оғиз сўз тилгром.
Ҳовлиқиб вокзал сари бордик билиб паспорт билан,
Ўртада бир нуруний сандиқ турар муҳри кулом.
Нафси бадга учраганмишман қариган чоғда,
Донасидан беҳабарман, ушбу сандиқ бўлди ром.
Ким юборган, қайдану қандай муюм, билмас эдим,
Йўқ эди: «Дўстинг фалон ибн фалон» дегувчи ном.
Бу йили Тошкент ҳавоси гоҳ нам, гоҳи совуқ,
Чаккадан галвир мисоли ҳамма дому ҳамма том.
«Нух тўфони» - багаж омборидан бир кафтча сув,
Бизнинг яшиқ ҳам қайиқдек ўртада зул эҳтиром.
Дув ёпишдилар, жузжуқлар, юкни давра олдилар,
«Не экан?» - деб дилда қолмай сабру тоқат бир гиром.
Бири қайчи, бири болта, бири теша ушлаган,
Бу муаммони ечишга кўргузуб зўр эҳтиром.
Сиз «Алиф лайло» китобида балиқчи эртагин
Ҳой-наҳой яхши билурсиз, тўр солур эрди мудом.
Бир қуни тўрига тушмиш муҳрбандлик бир кўза,
«Ғазна топдим», - деб шўринг қургур қилиб савдойи хом.
Кўза муҳрини кўчиргач, бир қаро дуд бурқираб,
Ахраманга айланиб, олдида тутмишдир мақом.
Худди шундай бўлди, тақсир, қопқоғин қилгач қиё,
Етти рангли бир тутун куп-кундузни қилди шом.
Қуз қуни боғда гурури - чун жазо тортиб анор,
Ич қаролик бирла тақдир олмиш эрди интиқом.
Сиз қаросонлик касаллардан беҳи ҳолин сўранг,
Малла пўстиндан нишон йўқ турш чехра, талх ком.
На вузжудида қадимий заъфарон ҳаддан асар,
Қолган умрида бу шўрликка қиём бўлмақ ҳаром.

*Яхши ҳам бу можарода ниста лаб очмай омон.
«Оғзини очган балого мубтало», - дейди авом.
Маҳз бир кулгу учун назм айладим, афв айлангиз,
Хурматингиз камситишга қалбим эрмас қитта ром.
Дўсти ёрон йўқлаганда бош баланд, кўкдан ошиб,
Илтифотларга ташаккур айтувчи Ғафур Ғулом.*

Мендан уй ичи, қавму - қариндошларингизга, биродарларимиз Абдулаҳад, Имодиддин, Солижон, Аҳмад Рафиқ, Хурхўжа эшон, Солижон оқсоқол ва бошқаларга салом айтадурлар, деб, яна бир салом билан Ғафур Ғулом.

1954 йил, 28 февраль»

Донишмандона тафаккурнинг, дўст сидқиға, унинг софлигига бўлган юксак ишончнинг намунаси ва чуқур самимият, бегараз ҳазил-мутойиба билан йўғрилган бу манзума узоқ вақтлар дадамнинг дўстлари кўлидан тушмай ўқилганлиги, латифа қилиб сўзланганлиги, уларда ўзгача завқ, кўтаринкилик уйғотганлиги, уларнинг бу ажойиб инсонга абадий боғланиб қолишларига боис бўлган сабаблардан бири эканлиги маълум.

Қиблагоҳимнинг Ғафур амаки ҳақидаги хотираларидан:

«Ғафур аканинг қазоси етган куни биз улфатлар билан лола сайлига чиққан эдик. Кеч қайтдик. Ҳориб келиб, дам олиб ётиб, ухлаб қолибман. Унинг вафоти ҳақидаги хабар шу вақтда радиодан эълон қилинибди.

Мени чарчаб келган деб, Ойбум ва Тўфахон аямлар (дадамнинг катта қайноналари - М.А.) менга бу хабарни ўша пайтда билдиришмапти. Бир оз ором олсин, дейишибди. Эрталаб тургач, бу хабарни эшитиб, машинам билан Имодиддин акам (шоир Улфат) нинг олдиларига етиб бордим. У ҳам қайгуриб, мени ҳой-наҳой етиб келади, деб кутиб ўтирган экан. Биргалашиб институтга ўтдик.

Ғафур Ғуломни дафн этиш маросимида иштирок этиш учун шаҳар ижроия кўмитасидан олти кишини тайинлаган эканлар: Ҳошимжон Раззоқов, Ғанижон Абдуллаев, Имодиддин Қосимов (Улфат), Абдулаҳад Азизов (Анисий), Абдулҳамид Хуррам ва мен.

Жўнаш учун поездга буюртма берилиб, жойлар брон қилинган экан.

Вақт ўтказмай, тезда вокзалга қараб чопдим. Кассага бориб, Тошкентга билетни сўрасам, «Билет йўқ!» - деган жавоб бўлди. Сабабини сўраган эдим:

- У билетларни эгалари олиб кетди, - деган жавобни эшитдим.

Мен ҳайрон бўлдим. Диққатим ошди. Бўғилиб машинада кетаётсам, Турсуной Каримова¹ олдимдан чиқиб қолдилар.

- Йўл бўлсин? - деб сўрадилар.

Мен аҳволни тушунтирдим.

У киши мени ўзлари билан бирга шаҳар ижроия қўмитасига олиб бордилар. Ўша ерда шаҳар ижроия қўмитаси раисига:

- «Дарҳол Тошкентдан самолёт чақиринг ва беш дақиқадан кейин менга натоҳасини айтинг!» - деб тайинлаб, чиқиб кетдилар.

Шу заҳоти самолёт учун буюртма берилди ва самолёт айтилган вақтда етиб келиб, 17 киши Тошкентга учдик.

Аэропортдан таксида дафн маросими ўтказилаётган жойга зўр-базўр етиб бордик.

Кейин билсак, бизга аталган билетни Фафур Фуломнинг вафотини эшитган унинг ихлосманди, ўзини «унинг дўстиман», деб таништириб юрадиган Ҳожимат ака деган киши олган ва дафн маросимига етиб борган экан. Бу шундай бўлибди:

Фафур аканинг вафотини эшитган Ҳожимат ака вокзалга бориб, Тошкентга билет сўрабди.

- Йўқ! - деб жавоб қилишган экан, «ўлимга кетяпман десам, бир илож қилиб беришар», деб ўйлаб, кассирга:

- Похорон, похорон, - депти.

Кассир брон қилинган билетнинг бири шу одамга экан, деб ўйлаб, билетнинг бирини унга бериб юборипти. Унинг орқасида навбат кутиб турган яна бир йўловчи ҳам уни кўриб туриб, «похорон» деса билет берар экан», деб, у ҳам «похорон»га кетяпман» деб, иккинчи билетни олибди. Шу тариқа

¹ Турсуной Каримова ўша йиллари Андижон вилояти ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари эди.

менга ва Имодиддин акамларга аталган билетлар бошқа одамларга бериб юборилган экан.

Фақат Турсуной опанинг шижоати туфайли биз Тошкентга дафн маросимига етиб борганмиз».

Дадам бу хотираларни бизга вафотларидан уч кун аввал сўзлаб берган эдилар ва «Турсуной опа ана шундай айрим эркаклар ҳам қила олмайдиган ишларни қилар эди», - деган эдилар.

Охирида эса, бизга қарата:

- Катталарнинг гапларини уқиб олиш керак, - дея гапларига яқун қилган эдилар.

Бу бизга дадажонимнинг сўнгги васиятлари эди назаримда..

Ҳовлингиз хувиллаб тутмоқда мотам,

Ғамгиндир волидам сақлайди сукут.

Сўзлари шаккардан лазизроқ отам,

Ёдингиз дилларда ҳар он, ҳар минут...

Қиблагоҳим ўзлари боғланиб қолган кишиларга улар ҳаётлиги чоғидагина эмас, вафот этганларидан кейин ҳам садоқат расмини қаттиқ сақлар эдилар.

Бунга у кишининг дафтарларини варақлаб ўлтириб, Аҳмад Рафиқ Қамбаров номлари билан боғлиқ сатрлару, саҳифаларга назарим тушиб, яна бир бор ишонч ҳосил қилдим:

Аҳмад Рафиқ қабр тошига. Боқирдан:

Кўнгли ёдини сақлар, тил мудом Аҳмад Рафиқ номин,

Жойин жаннат, гариқи раҳмат этсун ҳақ ани, омин!

Ўша саҳифаларга терилган инжуларни ўқиб, сиз ҳам бунинг гувоҳи бўласиз, деган умидда ва менинг нечоғлик ҳақ эканлигимни тасдиқлашингиз илинжида уларни сизга ҳавола қилишни лозим билдим:

Бу - қадршунос дўстим суҳбатининг хумори ва унинг ҳажри келтирган аламлар изҳори. (11.2.1983 йил).

Дадам ёзиб қўйган изоҳ: 11.2.1983 йили Андижон шаҳридаги мактабда Алишер Навоий таваллудининг 542 йиллиги ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 500 йиллиги нишонланди.

*Оҳим фалакка чиқди то кирди ерга ёрим,
Ашким оқизди ўртаб ҳажр ўти жони зорим.
Ҳижрон ўти эмиш тунд, ўрлайди кўкка ҳар дам,
Паст айлай олмади ҳеч бу ашки шашқаторим.
Сабрим била қарорим эргашди соя янгли,
Чун борди ёр - борди сабрим била қарорим.
Кетмас кўзим ўнгидан сиймоси эртаю - кеч,
Фикрида кечгуси ҳар оқшом била наҳорим.
Ёд айладик букун биз Бобур, Навоийларни,
Афсус, бўлмади бу базм ичра ул нигорим.
Базм ўлса қанча ширин, аччиқ билинди шунча,
Бу ерда бўлмагач, ул лаъли шакарнисорим.
Ёрни ҳаёли базми Боқиргадур овунчок,
Чун боргач, ўзи қолди базми ҳаёли ёрим.*

Навоий ва Бобур таваллуди кунлари ва дўст ёди қиблагоҳимга сезиларли таъсир кўрсатди шекилли, орадан кўп фурсат ўтмай, илк баҳор завқидан жўшадилар ва «Маликул калом» Лутфийга тазмин тариқасида Аҳмад Рафиқ Қамбаровнинг руҳи покларини шод этиш мақсадида, қуйидаги ғазални битадилар:

*Кўкарди чаман, гулузорим қани?
Сихи сарв бўйлуқ нигорим қани?
Қулумсиб, чечаклар юз очмиш бугун,
Юзи гул, табассум шиорим қани?
Баҳор эрди кўнгли фараҳ бергали,
Фараҳбахш кўнгли баҳорим қани?
Тутуб лола Оҳангарон тоғлари,
Қутар, орази лоловорим қани?
Кўзумдин оқар сув чаман сайрида,
Бу ишда менга ихтиёрим қани?
Қарор ила сабримни олди фироқ,
Қани эмди сабру қарорим, қани?
Ғанимат ҳаёт гул чоғи, Боқиро,
Бу гул фасли ул гулузорим қани?*

6.03.1983 йил.

Ушбу саҳифаларни қайта-қайта кўздан кечирар эканман, хаёлимга қуйидаги фикр муҳрланиб қолганлигини ҳис қиламан:

Кўкарди чамон, бузрукворим қани?..

Кўзларимдан ёшлар оқади, ўзимни тўхтата олмай армон қиламан. Ҳар йили такрорланувчи баҳор тонгида мен ҳам дадамга энг яхши кунларни илинаман. Ноилож қолганда, тақдирга тан бераман. Ўзимча сўзланаман:

...Паррандаю, дарранда, курт-қумурсқалар ҳам баҳор нафасини сезган ҳолда яшаш учун куймаланадилар. Аммо орамизда баҳорнинг чин шайдоси бўлган Сизнинг йўқлигингиз қалбларни тирнайди, сўнгсиз армонлар гирдобига ташлайди мени! Қани энди ҳаёт бўлсангизу, яшнаш ва ёшариш фасли бўлмиш наврўзи олам тонгида табаррук қаламингиздан тўкилган дурлардан оқ саҳифалар юзи гул-гул яшнаб кетса!

Ўзалликка ошуфта дилларнинг ёниши, гул ишқида шайдо булбуллар хониши газалларингизда тараннум этилса!

Ҳамон ёдимда... Ўша қиш уйда ўтиравериб димиқиб, зерикиб кетганингиз, баҳорни жуда ҳам соғинганлигингизни айтиб, «Кўклам келса, кўк сомсалар ер эдик», - деб Наврўзни интиқлик билан кутганларингиз...

Ўша баҳорни кўриш Сизга насиб этмади!

Кўк сомса билан сийлаш эса бизга!..

Бу сўзларингиз армон бўлиб қолди, эсиз!..

Булар менинг қаламга кўчган армонларим:

Сиз интиқ кутган бу Наврўзи олам -

Тонгида мен Сизни хўп интиқ кутдим.

Кўк сомса ёпарди Сизга деб, - онам,

Тандир ҳам қолипти мунгайиб - етим!

Булбуллар қизил гул ишқида ёниб,

Куйлаган сахарни Сизга илиндим!

*Жудолик ўтида бағрим ўртаниб,
Дадажон, баҳорни Сизга илиндим!..*

ДЎСТЛАР ДАДАМ ТАҚДИРИДА

Қиблагоҳимнинг дўстлари, уларнинг дадам тақдиридаги ўринлари ҳақида ўйлар, у киши вафотларидан сўнг ўтган йигирма йиллик вақт давомидаги хотираларни сарҳисоб қилар эканман, Боқирга хос инсоний фазилатлар ана ўша дўстлар таъсирида мукамаллашганлигига имон келтираман.

Дарҳақиқат, қиблагоҳимга хос илм, шеърият хусусида фикр билдиришдаги шижоаткорлик, ўз ҳукмларини «ўтказиш»даги дадиллик устозлари қаторида бўлган Сайид Эшон ака Шаҳобиддинов ва Имоиддин Улфат таъсири бўлса, у кишидаги андишалилик, муомаладаги юмшоқлик, шубҳасиз, Шарқ адабиётининг улкан билимдони, дўстларини «юмшоқ»лиги билан ром этган Анисий домла фазилатлари самараси эди.

Дадамда айрим пайтларда пайдо бўладиган хокисорлик, ўта юмшоқ табиатлилик - беозорликда ўз умрини улфатларининг хизматига бахшида қилган, ўта хокисор, бетакрор ахлоқи ҳамида¹ эгаси Абдулҳамид Хуррам фазилатлари ўз муҳрини қолдирган.

Назаримда, қиблагоҳимда ўзгаларга малҳам бўлиш, хонадонидагиларга катта эътибор билан қарашга одатланиш, ўта камтарлик ва жамиятдаги кишилар даврасидаги ўз мавқеини, ўз ўрнини англай билиш хислати дадамнинг доимий маслаҳатгўйи, умрининг сўнгги дақиқаларигача хонадонимизнинг энг азиз кишиси бўлиб келган Солеҳжон қори Восиджонов ибратларидандир.

Бу - қадршунос акахоним Сайид Солеҳжон Маҳдум муқаллаби Иқболнинг вафоти муносабати ила ёзилмиш марсия ва таърих:

¹ ахлоқи ҳамида - яхши ахлоқ

Бир улуғаким, менга хурматли эди, берди хабар:
 «Бўлмиш ул Озода бул кун доҳили¹ хулди² барин»
 Солди кўнглим мулкига ушбу хабар бир инқилоб,
 Ким умид очган чечакларни йўмирди ул барин.
 Исми Солеҳжон ўзи солеҳ эди ул покбоз,³
 Пешвоси ўз замонин аҳли солеҳ элларин.
 Фазли бобида агарчи айтгали қўймас эди,
 Хулқи тўсмасди назокат пардасидин манзарин.⁴
 Хулқи хуш-ла эл аро гоятда хурматли эди,
 Табъи мавзун⁵ -ла, лекин бениҳоят камтарин.
 Бир касалликким илашди, қасди жон нақди экан,
 Зоҳиридин билмади эл дард муҳлик⁴ музмарин.
 Кўп ҳазоқат аҳли дардин дафъ этолмай бўлди лол,
 Нафъи бўлмай ҳеч дору бирла игна ништарин.
 Игнадин қилсанг тикон бог томига, - дер шоири, -
 «Ори тўсмас йўлларин боди ҳазоннинг сарсарин».
 Кўкка чирмашди бу мотамда фиғону, нолалар,
 Ун чекиб, қавму-қариндош, ёру-дўст, кимким қарин.⁵
 Сўрса Боқир бўйла «бемантиқ» ўлум тарихини,
 Бу сифат бўлмиш жавоби нуктадонлар сарварин:
 «Коми⁶ дунё»дин бўлуб озод ул озодаваш,
 Фавти тарихини қилди: «Доҳили хулди барин!»
 Август, 1986 йил.

¹ доҳил (а) – кирган, кирувчи

² хулди барин (а) - жаннат

³ покбоз (ф) - 1) истараси иссиқ, ёқимли; 2) садоқатли ошиқ, чин ошиқ

⁴ манзарин (а) – 1) кўриниши, сурат, шакл; 2) қараладиган жой

⁵ мавзун (а.) - 1) ўлчанадиган, қоматга яраша бичилган; 2) тузилиши келишган, чиройли

⁴ муҳлик (а.) - ҳалок қилувчи, ўлдирувчи, йўқ қилувчи

⁵ қарин (а.) - яқин, қалин дўст

⁶ ком (ф.) - тилак, истак

Кечагидек эсимда. 1970 йил май ойи бошлари...

Одатдагидек, Май байрамини дўстлари даврасида ўтказиб, Тошкентга қайтиб келган Абдулахад амаки Азизов - Анисий домланинг вафот этганлари ҳақидаги кутилмаган мусибатли хабар у кишини хурсандлик билан кузатиб қолган барча дўстларини қаттиқ қайғуга солади.

Бу совуқ хабар келиши билан дўстлари у кишининг жасадларини, кун иссиқ бўлишига қарамай, машинада Андижонга олиб келадилар ва катта жамоа иштирокида «Бобо Саъдиддин» қабристонида дафн этадилар.

У кишига бағишлаб Ҳабибий, Маҳжурий, Улфат, Хуррам ва бошқа дўстлар қаторида дадам ҳам марсия - таърих ёзадилар ва ўзларининг у кишига қанчалик боғланиб қолганликларини «жонсиз шоҳид» орқали изҳор қиладилар:

*«Бу - алломайи замон, менга дўсти қадрдон
Абдулахад ака Анисийнинг вақтсиз вафоти
муносабати билан ёзилган марсия ва таърих:*

*Воҳким, чарх урди нишу кўксим афғор айлади,
«Ўтди, - деб, - Мулло Анисий!» - яъни ахбор айлади.
Бу аламким, шиддатидан тинди кўз, айланди бош,
Дарди сар пайдо қилиб, кўзумни хунбор айлади.
Эй муганний, «Гиря» у «Нолиш» навосин рост қил,
Ким фигон чекмакни лозим чархи гаддор¹ айлади.
Бемурувват чарх гулёр ошиқи ул ёрдин.
Айриди то бизни, бизни тарк гулёр айлади.
Эрди базморо, Анисий исмидек ёру анис,²
Ёру дўстин базмининг таркини ул ёр айлади.
То ажал соқийси йўқлик жомини сунди анга,
Ул адамнинг³ бодасин ошом⁴ ночор айлади.*

¹ гаддор (а) - 1) алдамчи, хиёнатчи; 2) бераҳм золим

² анис (а.) - 1) улфат, дўст, ошно, ҳамдам; 2) ёқимли;

³ адам (а.) - 1) йўқ, йўқлик; 2) нобуд, ўлим;

⁴ ошом (а.) -) ейиш, ичиш; 2) сўзга қўшилганда: ичувчи маъносида

Қилмагон эрди ямон иш, умрида бир бор ҳам,
 Айлади кўп-кўп ямон иш, гарчи бир бор айлади.
 Келса ул, байрамлар ўтгай эрди пуржўшу¹ хуруш²,
 Келмади байрамда ҳам, муштоқи дийдор айлади.
 Шоир олим эди, фазлу хунарда мислсиз,
 Бор эди то ўзни илму фазлда бор айлади.
 Чун Навоий гулшанидин бўлди гул термоқ иши,
 Хонайи дилни муаттар тоза гулзор айлади.
 Токи жазм этти қасоид³ боги сайрин азмига,
 Бу чаманга боғбонлиг расмин изҳор айлади.
 Бадрким, фарду⁴ воҳид⁵ эрмиш қасоид бобида,
 Они шарҳида яди байзо⁶ намудор⁷ айлади.
 Бадрнинг сиррин тасарруф қилди ул, тафсир ҳам,
 Ким қасоид илми ичра кашфи⁸ асрор⁹ айлади.
 Шеър сиррин воқифидин изласам таърихини,
 Уқдириб Боқирга ушбу сўзни такрор айлади.
 Шеър сиррин кашф қилгон эрди, марги¹⁰ ногаҳон,
 Соли фавтин «Кошиф-ул - асрори ашъор»¹¹ айлади.
 1970 йил, май-июнь

Дадам умрларининг охирларига қадар Анисий домла номларини тилларидан туширмадилар.

У кишининг камтарлиги, ҳар қандай шароитда ўзларини хушнуд, сипо тута билишлари замирида қанча-қанча улугворлик, ўзгаларни эҳтиёт қилиш андишаси ётганлиги

¹ пуржўш (ф.) - 1) завқли, шод; 2) ҳаяжонли

² хуруш (ф.) - қичқириш, ҳайқириш.

³ қасоид (а.) - қасидалар

⁴ фард (а.) - якка, ёлаиз

⁵ воҳид (а.) - битта, якка, ягона

⁶ яди байзо (а.) - 1) оппоқ кўл; 2) зўр, куч, қудрат

⁷ намудор (ф.) - кўринишли, кўриниб турган;

⁸ кашф (а.) - очиш, топиш

⁹ асрор (ф.) - сирлар, яширин нарсалар

¹⁰ марг (ф.) - ўлим, ажал

¹¹ ашъор (а.) - шеърлар

қиблагоҳимни у кишига боғловчи ришта бўлганлигига, кўп пайтларда унинг ўша фазилатларидан ибрат олганлигига ишонч ҳосил қиламан.

Дадамнинг барча дўстлари табиатан ҳазил-мутойибани нозик тушуна оладиган, аскияга мойил, закий кишилар эди. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ўтиришлар, учрашувлар, ҳатто телефондаги суҳбатлар ҳам аскиясиз ўтмас эди.

Албатта, бу соҳада устоз Ҳабибийга бас келадигани кам эди.

Бинобарин, дадамнинг ҳазилларидаги мукамаллик Ҳабибий домла таъсири эди. Буни дадамнинг у кишининг вафотлари муносабати билан битилган куйидаги марсия - таърихидан ҳам англаб олиш мумкин:

*Ўзбекистон халқ шоири, устод Муҳаммад Зокир
ака Ҳабибийнинг вафотлари муносабати билан ёзилган
таърих:*

*Менга хабар ўлдиким, жаҳонни
Тарк айлади шоири суҳанвар.
Афсуски, бормиш ул суҳандон,
Сўз қадрини англагувчи заргар.
Кўп нозук эди шууру, фикри,
Шоирлар аро ул эрди сарвар.
Озода, гўзал ватанни куйлаб,
Ҳурматга бўлиб эди сазовор.
Эл мадҳида тебратиб қаламни,
«Халқ шоири» номи ҳам муяссар.
Шеърда таҳаллуси Ҳабибий,
Дўстликда садоқати муқаррар.
Гарчанд эди кўп улуг сифоти,
Эл ичра тутарди ўзни камтар.
Мойил эди таъби кўп ҳазилга,
Суҳбат чоғи дўстлар ила лобар.
Покиза кўнгул билан қиларди,
Маҳфилни¹ сафоли ҳам мунаввар.
Кўпларга қиларди меҳрибонлиг,*

¹ маҳфил (а.) - мажлис, базм

*Гамхор эди барчага баробар.
Тўқсонга ёши етушгач, умри -
Бағрига вафонинг урди ханжар.
Боқир деди: «Эй вафоси йўқ умр,
Ақлим бу алам йилин сўроқлар!»
Эълон этиб, умри бевафо дер -
Тарихини: «Шоир сўханвар!»*

28.04.1980 йил.

Дадам у кишининг вафотлари муносабати билан ўтказилган барча маросимларда ўзлари иштирок этибгина қолмай, ёр-дўстларини уюштиришда ҳам бошқош бўлдилар. Уларнинг хонадонларидан умрларининг охирларига қадар, масофанинг узоқлиги, соғлиқларининг ҳолати ва ишларининг кўплигига қарамай тез-тез хабар олиб туришни тарк қилмадилар.

Ҳабибий домла вафотларидан сўнг тўрт ойлар чамаси ўтгач, 1980 йилнинг 16 августида Андижон адабий гурунги устунларидан, дўстлари даврасида «Тирик тарих» номи билан машҳур бўлган шоир Хуррам - Абдулҳамид Абдураззоқовнинг ҳам бу дунёни тарк этишлари дадам учун, дўстлари учун катта йўқотиш бўлди.

У кишининг ўта хокисорликлари, боз устига ҳаётда тоқ ўтганликлари, бошқа дўстлари қатори дадамларга ҳам қаттиқ боғланиб қолганликлари қиблагоҳимга қаттиқ таъсир қилди ва ўзларининг изтиробларини акс эттирувчи қуйидаги марсия - таърихни битдилар:

Қадршунос акаҳоним, гоят хокисор инсон Абдулҳамид ака Хуррам вафотига таърих:

*Менга етди мусибатдин хабарким,
Жаҳонни тарк этиб бормиш у Хуррам.
Жаҳондин кўз юмиб, афсус-афсус,
Қўйибдур охират соривга мақдам.¹
Эди бир кўнгли тоза, яхши инсон,
Тариқи одамият ичро маҳкам.*

¹ мақдам (а.) - қадам қўйиш;

Кишиларни улуглашда тенги йўқ,
 Ўзи кўп хоксору камтар одам.
 Эди Абдулҳамид исми-ю шахси
 Анга монанд: мақтовли бир олам.
 Чаманзори ҳаёт ичра муҷаррад¹ -
 Кезиб саксон йил этди тарк бу дам.
 Тузуб кўп боғу бўстон ўз элига,
 Қўйиб кетди неча гулзор қўркам.
 Кўп эрди фазли, шоирлик шуури,
 Тахаллус шеъри ичра доғи Хуррам.
 Отарди ёру дўсти «Жонли тарих»,
 Билурди чунки кўп гап, илдизин ҳам.
 Эди гарчи лақаб, «умри абад»дек,
 Вале «умри абад» ҳам топди барҳам.
 Муқаррардир жаҳон таркини қилмоқ,
 Сикандардур агарчи, Сом ё Жам².
 Ёзишга фавти тарихини Боқир,
 Қалам олиб кўлига, тутди мотам.
 Солиб қайғуга ёру дўстин ўтгач,
 Демиш тарихини: «Бормиш у Хуррам».
 16.08.1980 йил.

Қиблагоҳимнинг дўстлари, уларнинг бир-бирларига муносабатлари, феъл-атворларию хулқ-саъжиялари ҳақида ёзилган таърих - марсиялар, хотиротлар ва бошқа мавжуд манбалар асосида фикр юритар эканман, дадамнинг дўст танлашдаги, уларга эъзоз-эътибор кўрсатишларидаги, дўстлик тамойилларига риоя қилишларидаги ўзига хосликлари, одамийлик, инсонийликни қандай тушунишлари Ҳабибий домланинг «Оқилу девона» газалига боғланган мухаммасларида тўла ўз ифодасини топганлигига ишонч ҳосил қилдим.

Шу сабабли ушбу тахмисни қиблагоҳим мухлисларига илиниб, уни тўла келтиришни лозим билдим.

¹ муҷаррад (а.) - танҳо, ёлғиз.

² Жам - Эроннинг қадимги афсонавий подшоҳларидан бири, яъни Жамшид

Шояд ушбу муҳаммас сабаб қиблагоҳим хотиралари ворислар даврасида яна бир бор тилга олинса, у кишининг ҳақларига калимот ўқилса ва уларнинг савоблари у муборак зот руҳи покларига етиб бориб, тангри таоло раҳматларига сазовор бўлса.

Бу - Муҳаммад Зокир аканинг Ҳофизона газали лаззатидан баҳраланмак ҳосили,

Ва бу газални «қўпайтириш»га бўлган шавқ туфайли қўйилган қадам маҳсули.

ОҚИЛУ ДЕВОНА

*Қўнғул олмоқда улфат-улфату, бегона-бегона,
Сабақ бермоқда мактаб-мактабу, майхона-майхона,
Наво тўзмоқда бойқуш-бойқушу, бедона-бедона,
Лаб очса сўзга оқил-оқилу, девона-девона,
Нечук иш бўлса, танбал-танбалу, мардона-мардона.*

*Ишонма баъзи савлатни қўриб, охири чиқар ишқал,
Жилода фарқи бўлмас, бўлса мис гарди билан зарҳал,
Мато танлар эсанг, ақлинг кўзини яхши оч ҳар гал,
Қўнғулни берма суратга боқиб, сийратга боқ аввал,
Билимдонларга мунчоқ-мунчоғу, дурдона-дурдона.*

*Гўзаллик, яхшликни касб қил, тугённи касб этма,
Қўнғул ойинасин покиза тут, нуқсонни касб этма,
Бўлакни англа тўғри, тўғри юр, бўҳтонни касб этма,
Азизим, росту, бир сўзли бўл, ёлгонни касб этма,
Киши тақдир этарда чин-чину, афсона-афсона.*

*Ҳаё бирлан адаб - ёшлик чиройин ортдирур, зинҳор,
Ёқимлик айлар элга кимсани ҳуш ҳулқ ила атвор,
Тутар хотирда бу зарбул масални, бўлса ким ҳушёр,
Яшар ўз эркида ёшу-қари, аммо адаб даркор,
Қадам қўйганда лобар-лобару, мастона-мастона.*

*Ёрутмас дил уйин ишқ, ўзни куйдирган билан ҳар ким,
Ҳарорат олмас, ул ўт сори юз урган билан ҳар ким,
Етишмас бул ҳаваслик йўлида юрган билан ҳар ким,
Чин ошиқ бўлмаган, ишқ узра лоф урган билан ҳар ким,
Чароғ олдида қўнаиз-қўнғизу, парвона-парвона.*

*Чин инсонлар учун эл қайғусидан ҳоли бир дам йўқ,
Биров гафлатда, лекин, бошида бу ҳақда ўй ҳам йўқ,
Эшит, Боқир, бу сўзни ҳақлигига ҳеч шубҳам йўқ,
Биров халқ узра қайғурса, бировда заррача гам йўқ,
Ҳабибий, йўла, гофил-гофилу, фарзона-фарзона.*

МАКТУБЛАРДА ЖИЛОЛАНГАН ТАРИХ

*Ҳижрон аро ёд этиб, мени шод айла,
Маҳжур¹ кўнгулни гамдан озод айла,
Бу хатни анинг учун битдим мунда,
Кўрган сайин хатимни, мени ёд айла.*

(Бобур).

Забардаст шоиримиз Бобурнинг юқоридаги рубоий-сини мутолаа қилар эканман, унда катта ҳикмат, ибрат кўргандек бўлдим.

Назаримда бу улкан донишманд даъвати қиблагоҳим тилидан қилинган ва мен амал қилишим лозим бўлган бир васият, мени мақсад сари йўлловчи ёруғлик, ҳақиқатга элтувчи бир машъал эди.

Қиблагоҳим мерослари ичида турли мактублар ҳам анчагина. Уларда мактуб эгаларига боғлиқ тақдирлар,

¹ маҳжур (а.) - айрилган, ҳижронда қолган

тарихлар, уларнинг инсоний қиёфалари, ҳар бирининг ўзига хос фазилатлари, дадамга бўлган муносабатлари ёрқин намоён бўлган.

Андижон адабий муҳити вакиллари билан Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва бошқа маданий марказлардаги ижодкорлар, илм аҳли ўртасида мактублар воситасида илмий-адабий алоқалар бетўхтов давом этган.

Мактублар хоҳ табрикнома бўлсин, хоҳ ўз ижодлари намуналарига дўстларининг фикрларини билиш истагида юборилган бўлсин, барчаси юксак бадиий савияда ёзилганлиги билан ажралиб туради.

Шунинг учун унинг айримларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилишни, уларда акс этган тарихни абадийлаштиришни лозим топдик. Мактубларда тилга олинган, тарихимизга дахлдор улуғ кишиларнинг кўплари бугунги кунда «абадий уйқу»га кетган кишилардир. Уларни эслаб ўтиш, табаррук мактубларини ворисларига етказиш, уларни ибрат қилиб кўрсатиш ҳар жиҳатдан хайрли бўлиши шубҳасиз.

Қиблагохимнинг ўзлари Ўзбекистон халқ шоири Ҳабибийдан келган мактубларни «Олтин қалам» рўқни билан «Дўстларга мактублар» деб номлаб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасида ёрита бошлаган эдилар (1986 й. 19. XII).

Боқир изоҳи: Муҳтарам ғазалнавис (шоир Ҳабибий назарда тутилмоқда - *М. В.*) ўзининг отахонлигига муносиб равишда ҳамма соҳадан хабардор бўлиб турардилар. Баъзан айрим масалаларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшиш у кишига одат эди ва дўстларни ҳам бу жиҳатдан «қўзғаб» турарди.

Масалан, 1961 йили қўқонлик фозил отахонлардан Пўлодjon домла Қажумов зиёратига борганимизда, у киши водий адибларини абадийлаштириш мақсадида бир мажмуа тузаётганлигини айтиб, бу ишда баъзи маълумотларни топишга ёрдам беришимизни илтимос қилди.

У киши бу ҳақда Муҳаммад Зоқир акага ҳам хат ёзган экан.

Ҳабибий мактуби:

«Ассалому алайкум, азиз дўстларим Имодиддин ва Амонуллохон!

Мен бола-чақаларим билан тинчман, соғман. Сизларнинг ҳам ўз вазифаларингизда муваффақиятли давом этиб, бола-чақа ва ёру дўстлар билан эркин яшамоқларингизни дўстона тиламоқдаман.

Имодиддин, Сизлар Қўқонга келиб, адабиётшунос, ширинсухбат, камтарин табиат, аҳли табъларга мухлис, пиру - бадавлат олижаноб домла Пўлодджон ҳазратларининг зиёратларига мушарраф бўлганликларингизни маълум қилиб ёзган руқъайи шодиёнангизни олдим.

Шу кунларда ёзувчилар билан Самарқанд сафарига бориб эдик. У ердан келсам, Пўлодджон ҳазратларидан хат келган экан. Унда Абдулғафур Муҳиб, Абдураззоқ Бимий, Қори Юсуф Мунтазирларнинг ғазаллари, оталарининг номлари, ёшлари ва қаерда вафот этганликлари ҳақида маълумотга эга эмасликларини ёзган экан.

16-числода у кишидан яна хат келди.

Сизларнинг зиёратларингиздан ҳаддан ортиқ хурсандликларини санъаткорона безаклар билан тавсифлабдилар. Юқоридаги шоирлар ҳақида чуқурроқ маълумот бериш Амонуллохонга юклатилган. Сизларнинг ташрифларингиз ҳақидаги маълумотни Азизхонга¹ ҳам ёзилганлиги айтилган. Яна октябрнинг яримларида Тошкентга келмоқчи бўлганликларини ҳам айтганлар...

Зокиржон (Ҳабибий) 17.09.1961 й.

Пўлодджон Қаюмов мактубидан:

«...ёш таланти шоиримиз А. Ж. Валихоновга!

...Лутфан этган илтифотингиз учун ташаккур ва раҳмат!

Қиссагина биографиянгиздан хабардор бўлдим.

7-дафтаримизнинг 18-саҳифасида Ҳабибийнинг газалига этган мухаммасингиз мундариждур.

¹ Азизхон Пўлодджон домланинг ўғли, академик Азиз Қаюмов

Қисман Ҳабибий домланинг берган маълумотларича, Андижонда эмас, «Асака» қасабасида 1925 йилда туғилган, деб кўрсатилган эди. Эътиборга қайси тўғридир?

Онангизнинг оталари бўлмиш, Бедилхон фозиллардан бўлмиш зотни Фарғона водийси фозилларидан санаб, ҳаёт-мамотларидан хабардор этсангиз эди, номлари дафтаримизда ёзиб қолдирилар эди».

П. Қаюмов. 22.XI. 1961 й.

Пўлодхон домла Қаюмовнинг иккинчи мактубларидан:
«Муҳтарам укамиз А. Валихонов Боқирга!

...Бедилхон тоғангиз тўғрисида, у мавлоно Жалолиддин Румийнинг маснавийларидан мутолаа этувчи бўлган. Маълум бўлишича, андижонлик Шаҳобиддинхон Махдум бедилхонликда машхур бўлиб, фозиллардандур. Сизга тоға эканлар. 1931 йил вафотларидур.

Онангизнинг оталари бўлмиш Мелихўжа мироббоши вафотлари 1909 й. Кўргонтепада дафн этилган.

Кекса шоирлар сингари шеър сўзлаганингиздан менинг хануз ҳайронлигим бордур.

Фазлий Намангоний айтганидек:

Бундайки нуктадон сен, ким эрур устодинг?

Ой касби нур қилмас, то офтоб кўрмай.

П. Қаюмов. 22.XII. 1961 й.

Профессор Ғанижон Абдуллаевга Самарқанддан, академик Воҳид Абдуллодан келган мактубдан:

«...ушбу байтларни мадрасаи мунажожима устига тўқдим. Албатта, Улфат домла ва Амонулло ҳазрати олийлари ўз назари кимиё осорларини югуртириб, сайқал берурлар!».

Ғазали Воҳид Абдулло:

Офтоби оразинг, олампадох, савлат билан,

Дил мулкин забт этди тенги йўқ давлат билан.

Давлати ҳуснингдин ортиқ ганж борми, дилрабо,

Келмагай давлат кишига гам, алам, ҳасрат билан.

Менда не гам, не алам, не ташвиши фардолигим,

*Сен эурсан давлатим, меҳринг тўла шафқат билан.
Шафқатинг жонимга жон, қонимга қон, онимга он,
Она юртим оламимдир сендаги иффат билан.
Иффатинг кони жавоҳир кўзларимнинг гавҳари,
Гавҳар одамда бўлур ҳикмат билан, ҳиммат билан.
Ҳиммату, ҳикматларингга, Воҳидо, жонлар фидо,
Одаму, олам ривожу дўсту - ёр, улфат билан.*

Воҳид Абдулло. 15.XII. 1977 й.

Академик олимнинг ўз газалини Улфат ва Боқир назаридан ўтказилишини илтимос қилиши, менинг назаримда, аввало, домла Воҳид аканинг ўта камтарлиги бўлса, иккинчидан, юқоридаги шоирларнинг истеъдодига бўлган катта ишонч белгисидир.

Воҳид Абдулло газалининг Улфат ва Боқирлар назаридан ўтганидан кейинги ва дадам дастхати билан битилган кўриниши:

*Офтоби оразинг, оламуру, савлат билан,
Мулки дилни забт этибдур офтоб талъат билан.*

*Талъати хуснингдан ортиқ ганж борми, дилрабо?
Келмагай давлат кишига гам, алам, ҳасрат билан.*

*Менда не гам, не алам, не ташвиши фардолигим,
Сен эурсан давлатим, меҳринг тўла шафқат билан.*

*Шафқатинг жонимга-жон, қонимга-қон, онимга-он,
Она юртим завқлангай сендаги иффат билан.*

*Иффатинг кони малоҳат, кўзларимнинг гавҳари,
Гавҳар одамда бўлур ҳикмат билан, ҳиммат билан.*

*Ҳиммату ҳикматларингга, Воҳид этгай жон фидо,
Одаму олам ривожу дўст билан, улфат билан.*

Ушбу газалнинг машҳур ҳофиз Фаттоҳон Мамадалиев томонидан куйга солиниши ва юсак маҳорат билан куйланиб, шуҳрат топиши ҳам беҳикмат эмас.

Дадамнинг адабиётшунос олим Тўхтасин Жалоловга ёзган мактубидан:

*«Агар чанд йўллар йироқдур ва лекин
кўнгиш тортадур йўл танобиму оё?
Нечукким, хаёлим учар ул сориға:
Жалоловга гаҳо, Ваҳидовга гаҳо!*

Ассалому алайкум, Тўхтасин ака!

Ҳаётингиз йилномаси қўлимга тегди.

Ундаги мактуб мазмуни сабабидан бошим кўкка етди, йўқ, йўқ, балки бу ишонч туфайли кўкдан ҳам шундай юқорига ўрладик, Зоҳир Фарёбийнинг бир байтини озгина ўзгартирилса, бунга мувофиқ бўлади:

*Юксалди бошим ончаки, ул ердан отса тош,
Минг йилча вақт ўтса, Зухал томига тушар.*

Фурсатдан фойдаланиб Сизни, оила аъзоларингизни, шунингдек, Эркинжон, Абдуллажон ва бошқаларни Баҳор байрами билан қизгин табриклайман.

Салом ва камоли эҳтиром билан Амонулло.

18. IV. 1970 й.

Изоҳ: Тўхтасин Жалолов ўзининг ҳаёт йўлини акс эттирувчи «Ҳаётим йилномаси» деб аталган бир мажмуъани тузган эди. Уни ҳаётининг сўнгги йилларида дадамга келтириб топширган ва ўқувчиларга етказиш ишончини у кишидан кутган эди. Яна, унда бир мактуб ҳам бўлиб, унда: «...Ҳаётим йилномаси»ни Сизга, Сизни эса худога топширдим», - деган сўзлар бор эди. Аммо, афсуски, муаллиф орауси амалга ошиб улгурмай, оғир дардга чалинган дадамнинг ўзларини Аллоҳнинг даргоҳига топширдик.

«Ҳаётим йилномаси» дадам вафотларидан кейин Тўхтасин Жалоловнинг қизи томонидан Тошкентга олиб кетилган.

Қиблагоҳимга юборилган мактублар ичида, шубҳасиз, Собир Абдулланинг қаламига мансублари салмоқ

жиҳатидангина эмас, мазмунига кўра ҳам алоҳида эътиборга сазовор. Чунки унинг мактублари ўзи ёзган бирор ширин байт ёки ғазал, кўп ҳолларда ҳайратангиз муҳаммаслар билан зийнатланарди.

Собир Абдулла мактубларидан:

«Муҳтарам укашонимиз Амонуллохон!
Ваалайкум ассалом!

Тансиқ мактубингизни бугун олибоқ, мазмунидан беҳад қувонч ҳосил қилиб, шу кунийёқ жавоб мактуби ёзишга муваффақ бўлдим.

Навой кечаси ҳақидаги газетанинг мухтасар хабарини ўқидим. Ўша кечанинг иштирокчиси бўла олмаганимдан афсусланган эдим. Бу ҳақдаги хушxabарингиз, айниқса, Сизнинг ташаббусингиз билан дунёга келган монтаж ва унинг саҳнада намоийиш этилиши, биз учун хурсандчиликдир...

Сизга бир ғазал ўқиб берай:

*Букиб қаддинг сенинг, кўчди жаҳондан уч суюнч тоғлар,
Тўқиб ашқинг сенинг ул уч биродар, дўстун ўртоғлар.*

*Фирок, ҳижрон, жудалик шиддати жонингни қийнардин,
Юзинг юлдинг, ва лекин шунчалар қийналди тирноғлар.*

*Дема, титратма тушди жон ила жисмимга! Бу азди,
Шу мотам ваҳшидин Тошкентимизга тушди титроғлар.*

*Жудалик доғи кетмас, - дедилар, албатта, бу ростдир,
Юракка нақш этилди уч қават мотамсаро доғлар.*

*Ҳазон етмай ҳали, тарк этди гулбоғларни уч бозбон,
Чаман қон йиғлади, саргарди гамдин барча япроғлар.*

*Чекиб ҳар андалиб юз нала, санъат тутди зўр мотам,
Навой гўмбази жунбушга кирди айрилиқ чоғлар.*

*Бири улкан миришкор, жонкуяр, халқ ўғли - мард Усмон¹,
Бири ул Тўхтасин² ким, куйига халқ эрди муштоғлар.*

*Бири халқ шоири, номи Гафур, шеър базми мумтози,
Халойиқ қалбида доим яшар, албатта, бундоғлар.*

*Ўзи кетди, ва лекин бу улуг уч пахлавон устоз,
Аларнинг ишларини халқимиз, албатта, ардоғлар.*

*Кўзинг сурт яхшилар қабрига, равшанлик етар шояд,
Не тонг, Собир, алардин тўғийё касб этса тупроғлар.
Камоли самимият билан Собир Абдулла
5.12.1966 й.*

Бу улкан шоирнинг 1962 йилда Имодиддин амаки ва дадамларга ёзган мактублари ҳам ўзига хос бир тарих:

*«Дўстим Имодиддин - Улфат ва Амонуллохон!
Улуғ айём билан табриклайман.*

Шу билан бирга Сизлар орқали, менсиз ўтадиган байрам суҳбатида иштирок этувчи барча аҳбобларни бир-бир табриклайман.

*Дўстлар олмас малол, бир хат билан қутлуғласам,
Барчангизни шу улуг айёмда дилдан йўқласам.*

Амонуллохон! Бугун эрталаб почтадан яна Сиз жўнатган конвертни очиб, «девон» парчасига назарим тушгач, фараҳлигим ошди, ташаккур! Жуда ҳам мана шундай закийликларингиз бизни доим қойил қолдиради...

Менинг юрагимни куйдириб, мулла Абдулаҳад акам Андижонга кетдилар. У кишидан бир халтада салом юбордим, албатта, етиб боргандир. Шундай бўлса ҳам яна мазкур мактубни ёзишни эп кўрдим...

Байрам суҳбатига топган гул, топмаган бир бош пиёз нақлига кўра, янги ғазаллардан бирини юбордим. Умид қиламанки, борганда Фаттоҳхонлар айтишиб беришади.

¹ Усмон Юсупов.

² композитор Тўхтасин Жалилов

*Тамшаниб, ширин лабинг қилдим хаёл,
Айлади ширин хаёл комимни¹ бол.*

*Кўзларинг бир лаҳза тутқич бермагай,
Шўху бебошликда менга эй гизол².*

*Термулишдан кўзларим нури кетиб,
Бўлмиш икки мардумим³ ҳуснингга хол.*

*Васлсиз кун - гарчи кун носоз эмиш,
Ҳажрсиз тун - гарчи тун созу ҳалол.*

*Қолмади ҳижрон учун муҳтожлик,
Васлни этгач ишорат ул ҳилол.*

*Ёзди ўтмиш шоири ҳижронни кўп,
Қолдириб менга узун шарҳи висол.*

*То баловат топди касбим Васл ила,
Умрлар мадҳинг билан топдим камол.*

*Ишқ изҳоримга қатринг келмасин,
Бир табассум қилгилу, кўнглимни ол.*

*Ёзгали, Собир, агар олса қалам,
Жилмаяр қаршисида минг ой жамол.*

Жиддий нарсалар орасида гоҳ-гоҳ шундай нарсалар ҳам ёзилиб қолади. Хатосини айбга буюрмайсизлар.

Ҳурмат ва самимият билан:

**Собир Абдулла.
27.4.1962 й.**

Назаримда Собир амакининг мактублари қиблагохимнинг руҳий-бадий оламини белгилашдагина эмас, мактуб муаллифининг маънавий оламини тасаввур

¹ комимни (ф.) – оазимни

² гизол - оҳу

³ мардум (ф.) - қорачи (кўз қорачиғи)

қилишда ҳам келажак авлодга кўп нарсалар бериши мумкин. Устоз шоирнинг яна бир мактуби:

«Қимматли Амонуллохон!

Ассалому алайкум!

9-да¹ ёзган мактуби хуш марғубингиз ва унга илова этилмиш муҳаммасингизни бугун олиб, қайта-қайта, иштаҳа билан ўқидим, ортиқ қувондим. Муҳаббатингиз учун раҳмат!

...Ҳар ҳолда «қимирлаган қир ошар», - дегандек қалам тебратиб, кундалик план бажарилаётибди.

«О» ҳарфи билан ёзилган ғазални шу мактубга илова қилгим келди:

*Орази² гулранг, шароби лолагун³, эй соқие,
Ошкоро тут қадах, ҳам ёшурин боққил қиё,
Тўй дединг, тўй кечасида неча бор тутдинг қадах,
Сипқориб ёшлар қатори, базм тарқалгунча то.
Навқиронлик бахш этиб қизлар, йигитлар давраси,
Ўксиган, чўккан кўнгилни қайтадан қилди бино.
Тўй қизил, майлар хино рангу, қадахлар қирмизи,
Яллаю рақслар самимиёна, чин кайфу сафо.
Соқие, тутган қўлинг қайтаргали чорам қани,
Сен деганда: «Кексаликка бу шароб бўлгай даво!»
Тўй дединг, тўйгунча боқдим тўйга, аммо тўймадим,
Мунча ҳам ёшлик гўзалдирким, мен унга мувтало.
Оҳким, қайтмас яна ёшлик, уни сўзлаш билан,
Соқийи гулчехра илгидин⁴ ичиб шому-сабо.
Қўлда жом, Собир, йигитлик чоғларимни эсласам,
«Ёр аксин майда кўр», деб жомдин чиқди садо».*

Шу кеча-кундузда улфатим тонг отар қоғоз-қалам бўлиб, ҳар кеча бир неча банд ёки бир неча ғазаллар ижод қилиш билан кўчага камроқ чиқиб, уриниб ётибман.

¹ 9.10.1964 й.

² ораз(а) – юз, бет, чехра

³ лолагун (ф) – қизил, лола ранг

⁴ илги – қўли

Роман ҳали босмаҳонада. («Муқимий» романи назарда тутилмоқда. - М. В).

Биздан кейин ёзган ўртоқларимнинг асарлари «замонавий» бўлганлиги учун олдинроқ нашр этилиб, бизники «шул эрур айбим Муқимий» бўлиб, сурилиб келмоқда.

Бечора Муқимий... Ҳаёти ўзи шундай оғир қийинчиликларда кечган эди. Унинг ҳақидаги роман ҳам ўшаларни бошидан кечирмоқда.

Сўзни мухтасар қила қолай!

Каминадан Имодиддин Қосимовга, Ғанижонга ва Андижондаги кўнгли яқин кадрдонларимнинг ҳаммаларига бир-бир менинг соғинчли саломимни етказгайсиз.

Камоли ҳурмат билан Собир Абдулла.

12.10.1964 й.

Қиблагоҳим Андижон вилояти Адабиёт музейи бўлими мудирини бўлиб ишга ўтганларидан кейин, турли наشريётлар, адабиёт муҳиблари, шеър ихлосмандларидан кўплаб хатлар ола бошладилар.

Ибратли томони, мактуб эгаларини тўла қаноатлантирувчи жавоб қилиш ҳаракатида бўлардилар.

Жумладан, 1981 йилнинг 21 апрелида адабиётшунос Ваҳоб Раҳмоновдан шундай мактуб олдилар:

«Муҳтарам Амонуллохон ака!

Сиз шоир Абдулваҳоб Сайфий билан шахсан таниш кишисиз. У шоирнинг ижодий маҳсуллари Сизга аён. Шунинг учун Сиздан мени қизиқтирган бир масалани ойдинлаштиришга ёрдам сўрайман.

Маълумки, Сайфий Фурқат ҳақида дoston ёзганидан сўнг, мактаб программаларига бирданига иккита шеъри «Соғиниш» ва «Туф» кириб келди ва дарслик - хрестоматиялардан жой олди. Мен «Гулистон» журнали орқали (1975, № 6) чиқишимда «Соғиниш» газалининг автори масаласида баҳс юритган эдим. Энди навбат «Туф» шеърига келди. Менинг мулоҳазамча, ҳеч қаерда ёзма нусхаси бўлмаган бу ҳажвий асарни шоир Сайфий Фурқат тилидан ижод қилиб, ўз достонига киритган. Турли сабаблар

билан мактаб программаси ва дарсликларидан чиқиб кетган бу шеър олий мактаблар учун ёзилган «Ўзбек адабиёти тарихи» (учинчи қисм) дан мустаҳкам ўрин олган. Унда шеър тексти тўла эълон қилинган бўлиб, тегишлича таҳлил ҳам қилинган.

Агар шу шеър биографиясидан воқиф бўлсангиз, мактуб орқали ўз мулоҳазангизни билдирсангиз. Рухсат этсангиз, Сизнинг жавобингизни матбуотдаги чиқишларимизда ёритсак. Малол келмаса, билобетаваққуф ўз райлариини эшиттирсалар.

Сизга дуои салом билан камина **Ваҳоб Раҳмонов».**

21 апрел, 1981 йил, Балдаи Шош.

Қиблагоҳимнинг В. Раҳмоновга жавоб мактублари:

«Ассалому алайкум, ҳурматли Ваҳобжон!

21 апрелда ёзган мактубингизни олдим. Мени эсланингиз учун миннатдорман.

Мактубингизда тилга олиб ўтилган масала юзасидан менга маълум нарсалар борасида қуйидагиларни айта оламан.

Ўзингиз айтиб ўтганингиздек, Абдулваҳоб ака Сайфий билан жуда яқиндан таниш эдим. Андижон адабий муҳити вакиллари билан қарийб кунда учрашар ва суҳбатларидан баҳраманд бўлар эдим. Шу сабабдан мазкур адабий муҳитнинг айрим намояндалари Тошкентда туриб қолганларидан кейинги вақтларда у ерга йўлимиз тушса, албатта, Абдулваҳоб ака (Сайфий), Муҳаммад Зокир ака (Ҳабибий), Мунирхон ака (Муинзода), Абдулаҳад ака (Анисий), Собир ака (Собир Абдулла)лардан ҳол-аҳвол сўрамасдан қайтмас эдик. Абдулваҳоб ака Самарқанд дарвозадаги пионерлар лагерида боғбонлик қилаётган кезларида уни истаб бир борганимизда у кишини ижодий иш устида учратдим. Мени самимий кутиб олди. Дарҳол сабзи-пиёз арчишга бошладик (Рафиқаси Ойшахон опа, ўғиллари Восеъжон ва Ирфонжонлар аллақаяёққа кетишган экан).

Узоқ ўтириб суҳбатлашдик. Абдулваҳоб ака Фурқатнинг ҳаётига оид бир дoston бошлаганлигини айт-

ди ва унга киритиладиган, Фурқат тилидан ёзиладиган баъзи шеърларни кўрсатди. Улар орасида Сизни қизиқтирган ҳар иккала ғазал ҳам бор эди. Уларни кўриб чиққач, мен ундан менга англашилмаган баъзи нарсаларни сўрадим.

Биринчи саволим, Сизда «Соғиниш» деб тилга олинган ғазал эди:

- Абдулваҳоб ака, бу ғазалнинг айрим мисралари, менга танишдек туюлди. Илгарироқ ёзилган бирор нарсадан эмасми?

- Тўғри, - деди Абдулваҳоб ака, - баъзи мисралари, умуман, ғазал усули Нодираники.

Нодира Амирийнинг вафотларидан кейин, жуда қаттиқ изтиробда қолган пайтларида ёзган ғазалларидан бирининг баъзи жойлари.

У мен тасвирлаётган Фурқатнинг аҳволи руҳиятига мос бўлганлигидан, шу ғазалга тазмин қилдим. Фарқ шундаки, «шаҳсувор» каби сўзлар «диёр» каби ифодаларга алмаштирилди. Бундан ташқари, Фурқат меросида тазминнинг янгича услуби учратилади. Масалан, форсийдаги «Нест» радифли ғазални олиб кўринг. Табризий, Хисрав, Бедил ва бошқаларнинг асарларидан мисралар ёки мисранинг қисмлари олинган.

(Қаранг: Фурқат, Асарлар, 1960 й. 211 – 212-бетлар. - А. В.)

Тазминнинг Фурқат қўллаган шу услубидан фойдаланишда Нодира ғазалидаги изтироблар шиддати бу ерда кучайтирилди.

Мен яна бир нарсани аниқлаб олмоқчи бўлиб сўрадим:

- Абдулваҳоб ака, мана бу ғазални ҳам Фурқат тилидан ёзибсиз. Лекин Фурқат даврида шу радиф ва услуб («Туф» радифли ғазал назарда тутилмоқда - А. В.) худди шу шаклда бўларми эди?

- Бу саволингиз ҳам ғоят ўринли, - деди Абдулваҳоб ака. - Фурқат яшаган давр услуби бундан бир оз бошқачароқ эди. - Лекин мен бугунги кундаги ўқувчига

етиб боришини назарда тутиб, Фурқат изтироб - нолаларини очикроқ ифодалашга уриндим.

Менга ҳамма нарса равшанлашди ва фақат бир нарсани аниқлаш қолган эди холос. Уни ҳам сўрадим:

- Бу шеърларда тахаллус «Фурқат» бўлганидан муғолабага тушувчи ўқувчилар бўлмасмикин?

- Бу шубҳангиз ўринсиз, - деди Абдулвахоб ака кулимсираб, - дуруст, Фузулий «Лайли ва Мажнун»ида ўз тахаллусини ишлатган. Лекин сўнгги пайтларда бундай қилинмаяпти. Воқеани баён этишда, бу сўнгги усул, асарлар билан узвий алоқага киришиб кетувчи «кўчирма»лардан фойдаланилмоқда. Шунинг учун бўлса керак, Собир Абдулладан тортиб, бир қатор шоирлар бу услубни кенг қўллашмоқда.

Энди «муғолаба» масаласига келсак, Фурқат билан менинг услубимни фарқ қилмайдиган кишилар ҳам бўлар, лекин улар адабиётдан анча йироқ кишилардир. Ҳозир ўзингиз аввалги саволларингизда услуб масаласини сўрадингиз. Демак, уни фарқлаш мумкин экан. Ахир адабиётга қизиқувчилар, айниқса, адабиётшунослар шеърдаги услубни билмайдиган бўлади, деб ўйлайсизми?

Ваҳобжон! Бунча дуру дароз сўз суришимдан муродим шулки, айрим адабиётшуносларнинг бепарволигидан ҳар қайси шоирнинг «ўзлиги», «ўзига хослиги», услуби илмий тадқиқотда назардан четда қолдирилиши оқибатида, баъзи бир чалкашликлар ҳозиргача ҳам ҳукм сураётганлигидан афсусланишдир.

Энди Сиз томонингиздан менга бир таъна ўринли бўлур эди:

- Нега шулар тўғрисида илгарироқ гапирилмади?

Гап шундаки, титуллари ярим қоғозга сиғмайдиган «адабиёт арбоблари»га қарши кичик бир математика муаллимнинг чиқишига ким ўрин беради?

Ҳурматли Ваҳобжон! Агар бу мактубдаги фикрларим сизга бирор манфаат бера олса, бундан мамнун бўлар эдим.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ва оила аъзоларингизни баҳор байрами билан табриклайман ва адабиёт

жонкуярлиги соҳасидаги ишларингизда улкан илгарилашлар тилайман.

Камоли эҳтиром билан **А. Валихонов.**

26.04.1981 й.

Мазкур мактуб санасига эътибор қилинса, унда дадамга хос яна бир фазилатни, яъни мактубларга масъулият, эътибор билан қараш билан бирга уларга ўз вақтида, кечиктирмай, мукамал жавоб қайтаришга интилишни кўриш мумкин.

Ушбу мактублар дадам «кичик математика муаллими» бўлсалар-да, унинг Шарқ адабиётини, тилшуносликнинг энг нозик нуқталарини ва уларга алоқадор фанлардан чуқур бохабарлигини, ҳаётнинг турли жабҳаларини мукамал билишларини, улар ҳақида теран мушоҳада юритиб, муносабатларини билдира оладиган кишилардан эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар сирасига киради.

Иброҳим Ғофуров мактублари:

«Ҳурматли Амонуллохон ака! Ассалому алайкум!

«Ўзбекистон адабиёти» газетасида эълон қилинган (3 сентябр, 1982 й.) А. Рустамовнинг «Матнчилигимиздаги нуқсонлар» мақоласига кўзингиз тушган бўлса керак. Мақоланинг давоми 10 сентябрда босилмоқда. Масаланинг жуда муҳимлигини назарда тутиб, шундай «оғриб» етилган масалани кўтармоқдамиз. Муҳокамага адабий меросимизни нашр этиш ишларидан яхши хабардор олимларни жалб этишни истардик. Сизга мурожаат этаётганлигимизнинг боиси ҳам шу.

Амонулло ака! Газетанинг ушбу муҳокамасида ўз эътиборли мулоҳазаларингиз билан қатнашсангиз, беҳад миннатдор бўлурмиз. Сиздан шу ҳақда тайин жавоб кутаман. Агар ёзишга рози бўлсангиз, мақолангиз қачон тайёр бўлади?

Сизга соғлиқ тилаб, Иброҳим Ғофуров».

«Муҳтарам Амонулло ака! Салом! Хатингизни олдим. Таклифимизга рози бўлганингиздан бағоят хурсандман.

Сиз «Правда Востока» бирлашган нашриёти чиқарган йилтироқ муқовали, ичига миниатюра безаклар илова қилинган Шарқ классик шоирлари кутубхонасида чиқарилган Навоий, Саъдий, Хайём, Махтумқули сингари шоирларнинг китобларини кўрган бўлсангиз керак. 1979 йилдан бошлаб шу сериядаги китобларни биз чиқарадиган бўлдик.

Сизга Увайсий ғазалиётини тайёрлаб беришни айтганда, ушбу серияни назарда тутган эдик. Бу серияда чиқадиган китобларнинг ҳажми 5,0 табоқ, яъни 3500 сатр шеърдан иборат, қисқача сўзбоши ҳамда энг қийин сўзлар ва изоҳлар учун луғат.

Мен мана шу тартиб ва мана шу ҳажмдаги ишни бизга 1980 й. май ойларига қадар тайёрлаб бера оласиз, деб умид қиламан.

Сизга тандурустлик ва файзу шукуҳ, ободончилик тилайман, Иброҳим Ғофуров».

17 октябр, 1979 й.

«Тошкент» бадий адабиёт нашриёти,

А. Мираҳмедов мактуби:

«Хурматли ўртоқ Қосимов (Улфат) ва Валихонов (Боқир)!

«Тошкент» бадий адабиёт нашриёти Сизга маълум қиладики, нашриётнинг хорижий Шарқ халқлари адабиёти бўлими машҳур шоир Абдурахмон Жомий шеърларини ўзбек тилида чиқаришни планлаштирди. Китоб 12 п.л. дан иборат бўлиб, шу йил нашрга топширилиши керак. Ушбу шарафли ишга ҳисса қўшиш мақсадида қўлингизда мавжуд тайёр шеърларни зудлик билан бизга юборишингиз ва яна қайси асарларни, қай муддатда тайёрлаб беришингиз мумкинлиги тўғрисида хабар қилишингизни сўраймиз.

Эҳтиром билан хорижий Шарқ халқлари адабиёти бўлимининг мудирини: **А. Мираҳмедов.**

**Дадамнинг «Тил ва адабиёт» журнаliga
ёзган мактубидан:**

Ҳурматли Наимжон! Ассалому алайкум!

Сизга ишонилган журналда қофия борасида мунозарага ўхшаш бир саҳифа очмоқчи экансизлар ва унга менинг иштирок этишим мумкинлигини, балки дурустлигини айтган экансиз. Менга бундай ишонч билдирганингиз учун Сизга чексиз миннатдорчилигимни билдиргач, Сиздан бу мақоланинг структураси, ҳажми, юбориладиган вақти ҳақида справка олмақни зарур, деб билдим.

Менинг бундай мақола билан илмий журналда иштироким муҳтарам олимларимиз олдида одоб доирасидан ташқари бўлиши, ёки аксини мулоҳаза қилгандирсиз, деб умид қиламан.

Камоли эҳтиром билан эътиборингиздан четда қолмаганидан қаноат ҳосил қилган дўстингиз **Амонулло Валихонов.**

15.12.1972 йил.

Қуйидаги мактуб дадам қўшиқларини севиб тингланган етук ижрочимиз Берта Давидова қаламига мансуб:

«Ҳурматли О. Валихонов!

Сизнинг менга «Республикада хизмат кўрсатган артистка» деган шарафли унвон берилиши муносабати билан юборган табрик хатингизни ва шоир Ҳабибий орқали юборилган газалларингизни олдим. Менга бўлган зўр эҳтиромингиз учун катта раҳмат!

Сизнинг ҳам ижодингизда катта муваффақиятлар ҳамда оила аъзоларингизга бахт, сихат-саломатлик ва узоқ умр тилайман деб: **Берта Давидова.**

26.02.1960 йил.

Мактублар катта тарихнинг, инсон оламининг бутунлигини таъминловчи, инсон баён қила олмайдиган яширин қирраларини кашф қилувчи, тарихга, тақдирга маълум аниқлик киритувчи беназир шоҳид. Унинг қаърига инсон қалби, идроки, унга хос феъл-атвору бетакрор қиёфа муҳрланган.

СЎНГИ СЎЗ ЎРНИДА

2006 йилнинг январ ойи қаҳратони. Қиблагоҳим таваллудларига 80 йил тўлган кунларда ушбу рисолага сўнги нуқта қўйишга тараддудланар эканман, бу ёдноманинг яратилиши осон кечмаганлигини, унда қанча-қанча одамларнинг хизматлари борлигини, уларнинг даъвати, рағбати, ҳимояти ва ҳатто «таъна-дашномлари» каминага илҳом бахш этганлигини, менда журъат пайдо қилганлигини миннатдорлик билан эътироф этаман.

Китобнинг яратилишида 1995 йилда Андижон адабиёт музейи ташаббуси билан ўтказилган Боқир таваллудининг 70 йиллиги тантана кечаси ва унда иштирок этган кишиларнинг хотиралари, уларнинг дадамларга қайноқ муҳаббатлари, самимиятлари, менга катта куч, илҳом, журъат бахш этди.

Дарҳақиқат, ушбу маросимни очган Андижон Адабиёт ва санъат музейи директори Тўлқин ака Қўлдошевнинг сўзлари:

«Амонуллохон ака Валихоновдек инсон дунёга келавермайди.

Биз бугун улуг, шу билан бирга ўта камтарин инсоннинг 70 ёшларини хотирлаб нишонлар эканмиз, уни нафақат вилоят миқёсида, балки республика миқёсида хотирлаш вақти келганлигини таъкидлашимиз зарур.

У кишининг музей учун тўплаган манбалари, адабиётшунослигимизнинг долзарб муаммолари юзасидан эълон қилган соф илмий мақолалари ва келажак авлод учун қолдирган қатор бадий-илмий асарлари у киши учун айтилиши лозим бўлган ҳар қандай таҳсиндан юқори туради.

Биз уларни ворисларига етказиб бера олсаккина, уларни авайлаб сақлай олсаккина ўз олдимизга қўйган вазифаларни уйдаялпамиз, деб айта оламиз».

Андижон Давлат тиллар педагогика институти ўзбеки тили ва адабиёти кафедрасининг мудирини, дадамнинг дўсти қадрдонини бўлган Фатҳиддин домла Исҳоқов:

«Амонуллохон ака баркамол инсон эди. У киши одамий эди.

Халқимизда: «Олим бўлсанг, олам сеники», деган гап бор. Унинг замирида ҳақиқий олимнинг оламини бутун борлигича кўра олиши тушунчаси ётар экан.

Амонуллохон ака шундай баланд чўққига (илм чўққисига) чиқиб туриб, оламини кўра олган инсонлардан эди.

У киши ўз илми билан жуда кўп одамларни қарздор қилиб кетди. У ана шундай мукамал, ҳақиқий баркамол инсон эди. У киши - бошқа дунё кишиси эди».

Сайфиддин ҳожи ака Жалиловнинг мазкур йиғинда: «...Амонуллохон Боқирдан анчагина бадий ва илмий мерос қолган. Буларни қунт билан ўрганиш, таҳлил қилиш ва нашрга тайёрлаш келгусининг вазифасидир. Зеро, Боқир Андижон адабий муҳитида ўз ўрнига эга ва унинг ривожига сезиларли таъсир кўрсатган» деганликларидан ташқари, биз билан учрашганларида «мерос ишлари қандай кетаётганлигини» суриштириб туришлари менга «калтак» бўлди.

Албатта, илк бор қўлига қалам тутган ва Яратганнинг ўзига таваккал қилиб, ўз ҳадди-имкониятидан ташқари бўлган қалтис ишга қўл уришга журъат этган бу ожизанинг саҳв, хатолари қиблагоҳим мухлислари томонидан афв этилмай ва ушбу рисола сабаб, у киши ҳақида айтилган ҳар бир хайрли гап дадамнинг руҳларини шод этишга хизмат қилар.

Ушбу рисолани қиблагоҳимга дил изҳори сифатида қуйидаги марсия билан тугатишни маъқул кўрдим:

(Собир Абдулланнинг шоир Сайфийга бағишлаб ёзган марсиясига ўхшатма)

*«Келиб гул фасли боғ сенсиз, қизил гул бағри қон сенсиз,
Узумзор бемиришқору, очилмиш аргувон сенсиз»,
Чекар нола фироқинг ёдида бул ошиён сенсиз,
Варақлар саргайиб, ҳам хома¹ қолди нотаваон сенсиз,*

¹ хома (ф.) - қалам

*Ки ҳижрон домига тушди қоғозу хома, жон сенсиз,
«Юриб соғу-саломат, бир даме ёнбошладинг, кетдинг,
Тугатмай ёзганинг, нозик сатрлар бошладинг, кетдинг»,
Тилиб бағрим, тилимлаб тилка-тилка, ташладинг, кетдинг,
Қўйиб доғ қизларинг кўксига, кўзни ёшладинг, кетдинг,
Бу доғу ҳам бу мотам ўтида кўйди жаҳон сенсиз.
Кўзимга тўйтиё - юрган йўлингда изларинг қолди,
Етимлик ҳўкмига иқроор, бўзлаб қизларинг қолди.
Кўнгилда шеърга пайваст, ўйга чўмган кезларинг қолди,
«Фузулий, Фурқатона кўкда шахбоз¹ сўзларинг қолди,
Китобинг халққа манзур бўлди, бу сендан нишон сенсиз»,
Қалам аҳли орасида улуг бир тоғ эдинг сен ҳам,
Ижодинг ҳосили мўл, мевали бир боғ эдинг сен ҳам,
Ки, дўстлар даврасида доимо қувноқ эдинг сен ҳам,
«Қулиб завқи маҳаббат бирла, кўнгил чоғ эдинг сен ҳам,
Агар тўпланса аҳбоблар, бу сўхбат ҳар қачон сенсиз».*

¹ шахбоз (ф.) - лачин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек совет энциклопедияси, Тошкент, Ўз ССР ФА, 1979, 12-жилд.
2. Даут Абдулимович Исиев. Уйгурское государство Йэйтишаар (1864-1877) М.«Наука». Главная редакция восточной литературы, 1981.
3. Бўрибой Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. Тошкент, «Ўқитувчи», 1994 йил.
4. Ибрат (Исоққон Жунайдуллоҳўжа ўғли) Фарғона тарихи. Тошкент, «Камалак», 1991 йил.
5. А. Зоҳидий. Маҳдуми Аъзам сийрати ва мероси. Тошкент, «Адолат», 1996 йил.
6. Жўрахон ҳожи Саййид Авлиёхон. Мовароуннаҳр саййидлари.
7. Алишер Бек. Туркийзабон саййид авлодлари. Шажара, 1-китоб.
8. Омонбой Жалилов. Шарқий Туркистон хожаларидан Маҳдуми Аъзам авлодлари шажараси. «Туркистон тарихи» журналы, 1994, август.
9. Омонбой Жалилов. Офоқ хожа. «Мулоқот» журналы, 1993, май-июн.
10. Акмал Акрам ўғли. Қошғарнинг сўнгги амири. «Туркистон» газетаси, 1992, август.
11. Isoxon Юсуфхон ўғли. Маҳдуми Аъзам - пайгамбар авлодидан. «Коммунист» газетаси, 1991, апрел
12. «Улар хотираси барҳаёт» (тўплам). Тошкент. «Янги аср авлоди», 2003 йил.
13. Тўхтасин Жалолов. «Ўзбек шоирлари». Тошкент, Фафур Гулом номли нашриёт, 1980 йил.
14. Тўхтасин Жалолов. «Бону». Т. «Ёш гвардия», 1963.
15. Улфат. Зебо сабаб. Тошкент. «Ғ. Гулом», 1983.
16. Улфат. Гулбоғ (Девон). Тошкент, «Ғ. Гулом», 1988.
17. «Андижоннома», «Ўзбекистон маданияти», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталари таҳламалари.
18. Дадамнинг шахсий архиви материаллари.
19. О. Жалилов. Офоқ хожа манақиб. Андижон. «Мерос». 2004 й.
20. Новейшая история Китая. М. Наука, 1984.

МУНДАРИЖА

Масъул муҳаррирдан	3
Китобнинг ёзилиши сабаби	7
Пурвиқор қоялар бағридаги чашма	11
Чарх кажравлигин енгиб	25
Хуш кечар умрим менинг	58
Мактубларда жилоланган тарих	82
Сўнги сўз ўрнида	99
Фойдаланилган адабиётлар	102

Муаллиф мазкур китобнинг дунё юзини кўришига молиявий кўмак берганлиги учун Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи директори Раҳимжон Умаровга самимий миннатдорчилик изҳор этади.

Илмий-оммабоп нашр.

Музайяна Амонуллохон (Боқир) қизи

БОҚИРНОМА

ёхуд дадам ҳақида (Хотиралар)

«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ. 2006 й.

Муҳаррирлар
Техн. муҳаррир
Мусаҳҳиҳ
Компьютер устаси

М.Худоёров, Ҳ. Турсунматов
М. Мирзакаримова
Н. Тожиматова
А. Исмонов

Босмахонага 2005 йил 5 августда топширилди. Босишга 2006 йил 29 мартда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Ҳажми 6,75 босма тобоқ. Panda BUKVAR гарнитураси.
Буюртма №661. Тиражи 500 нусха.

**«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 71.**